

34273
Ю 2

ЗАХИРНАДДИН МУҲАММАД

БОБҲУР



*Тошкентта сулғаси
туғулти.*

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

*ЗАХИРИДДИН
МУХАММАД БОБУР*

*СОЧИНИНИ
САВДОСИ ПУШУНИ*


«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

84(53)1

Нашрига тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:
Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди



10 3/1213
2

ISBN 978-9943-00-172-5

© «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007.

БЕШЛАКРОР ЧИЛХСИЯШ,
САМИМИЯ ЧИЎЗРИЯШ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур деганда кўз олдимизда ўзбек адабиётининг Алишер Навоийнинг кейинги буюк намоёнлари гавдаланади. Зеро, машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтганда: «Туркий шеърин Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас»¹. Дарҳақиқат, Бобур ижоди мумтоз сўз санъатимизда Навойдан кейинги алоҳида босқични ташкил этади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди. Аттой, Лутфий шеърларидаги халқчиллик Бобур асарларида янгича шаклда қайта туғилди. Хусусан, «Бобурнома» билан у туркий адабиётда реалистик насрин бошлаб берди, содда, халқона услубга асос солди. У ўз асарларининг мавзунини асосан ҳаётдан олди. Шоир меросининг ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг табиий ва самимийлиги шундан. Улуғ салафларига эрганиб ёзган бир қатор шеърларини ҳисобга олмаганда, у асосан кўрган-билган, қалбидан ўтказган, ўзини

¹ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Бобур подшоҳ («Тарихи Рашидий»дан). Форс тилидан Ғулом Карим таржимаси//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2002 йил, 15 февраль.

тулқинлаштирган нарсалар, кечинмалар ҳақида ёзади.

Бобур соҳибдевои шоир бўлса-да, унинг девони бизгача мукаммал ҳолда етиб келмаган. Ҳозиргача шоирнинг 119 ғазал, 1 маснавий шеъри, 209 рубойиси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девои таркибидан умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам урин олган¹.

Яқинда адабиётшунос олима Шафиқа Ёрқин Бобурнинг Туркиядаги Истанбул университети кутубхонаси туркий қўлёзмалар бўлимида 3743 рақами остида сақланаётган девонидаги унинг ҳозиргача нашр этилган тўпламларига кирмаган ўзбек тилидаги 5 ғазали, 9 қитъаси, 5 рубойиси, 9 маснавий шеъри, 10 тўрғлиги, 2 туюқи, 40 дан ортиқ фардлари, қатор маснуъ² шеърлари, 1 маснуъ таржеъбанди, 2 номаси, форж-тожик тилидаги 1 ғазали, 10 рубойиси, 4 қитъаси, 12 фарди ва 1 номасини эълон қилди³.

Бундан ташқари, Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга атаб, шарият ақидаларига

¹ Бу ҳақда қarang: Муҳаммаджонов А., Абдурафуров А. Бобур//Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 жилд. — Тошкент, 2001, 87-бет.

² Маснуъ — санъаткорона ёзилиб, тўрт қисмга бўлинган ва энига ҳам, бўйига ҳам ўқиса бўладиган асосан тўрт мисра ёки тўрт байтдан иборат шеър. У мураббаъ ёки чорхона (тўртбурчак) санъати деб ҳам юритилади.

³ Қarang: Бобур девони. Қобул нашрига такмили (қўшимча). Нашрга тайёрловчи Шафиқа Ёрқин. — Тошкент: «Шарқ», 2004.

бағишланган «Мубаййини» асарини, аруз назария-сига оид «Муфассал» китобини яратади. Хожа Аҳрор Валийнинг «Волидия» рисоласини шеърӣ таржима қилади. Араб алифбосини ислоҳ қилиб, ёзувини соддашатириш ва осонлаштириш, уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштириш мақсадида «Хатти Бобурий»ни ихтиро этган. Унинг мусиқа санъати ва ҳарб ишларига доир рисоалари ҳам бўлиб, улар ҳозиргача топилмаган. Машҳур инглиз муаррихи ва «Бобурнома» мутаржимини Уильям Эркининг ёзишича: «У яратган куй ва қўшиқлар жуда ёқимли оҳангда бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳам халқ оғзидан тунмади»¹.

«Бобурнома» тарихий-мемуар асари шоирга оламшумул шухрат келтирди. Унда XV аср охири — XVI аср бошларида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар, темурийлар салтанатининг инқирози, шайбонийларнинг ҳокимият тенасига келиши содда услуб, самимий руҳда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Асарда Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбоний, Убайдуллоҳон, Шоҳ Исмоил Сафавий, Иброҳим Лудий каби ўнлаб ҳукмдорлар, Алишер Навоий, Камолiddин Биноий, Беҳзод, Хондамир, Мирзо Ҳайдар сингари қатор адабиёт ва санъат намояндалари тўғрисида маълумот ва хотиралар келтирилган. Қомусий характердаги бу асарда, шунингдек, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатлари тарихи, маданияти, табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шаҳар ва қишлоқлари, бу ерлар-

¹ Эркин У. Бобур Ҳиндистонда (Ғофуржон Сотимов таржимаси). — Тошкент: «Ўқитон» нашриёти, 1995. 105-бет.

да яшайдиган халқларнинг турмуш тарзи, урф-одат, анъаналари, диний эътиқод ва маросимлари, турли ижтимоий табақалар, ҳарбий санъат ва жанг қуроқлари, ўзининг уруш-юришлари, турли фанларга оид кўндан-кўн маълумотлар ва бошқалар ўрин олган.

Алишер Навоий ўзбек адабиётининг Шарқ сўз санъатидаги ўзига хос ва мос ўрнини тайин этишга бел боғлаб, буюк форсий шоирлар билан мусобақага киришган, форсий адабиётда мавжуд деярли барча жанрларда ўзбек тилида уларнинг муқобилига қўядиган дурдона асарлар яратган эди. Лекин Навоийнинг форсий ва арабий сўзларга бoй ҳамда услубан мураккаб шеърятини муайян тайёргарлиги бўлмаган ўқувчининг тушуниб етиши қийин. Бобур эса Навоий томонидан мавқен тайин этилган ўзбек шеърятини халқона заминга қўйди, уни оддий халққа яқинлаштирди, ўзининг асарлари мисолида адабиётнинг халқчилиги масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйди.

Албатта, аждодлари ўзбекнинг икки забардаст шоири — Навоий ва Бобур ўртасидаги муносабатлар қизиқтиради. Афсуски, бир-бирига интилган бу буюк инсонларнинг бир-бирларига йўллаган мактублари бизгача етиб келмаган. Шўҳрати нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳр, балки бутун Шарққа ёйилган Навоий асарларидан Бобурнинг баҳраманд бўлиши ва мактуб орқали бўлса-да шеърят мулкининг султони билан алоқа бўлганга интилиши табиий эди. «Бобурнома»да унинг буюк салафига икки марта мактуб ёзгани тўғри-

сида маълумотлар мавжуд: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобаги ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва равво бўлди»¹.

Бобур-ку Навоий мактубини талотўнларда йўқотиб қўйгандир, лекин Навоий-чи? Ҳар бир сўзини китоб саҳифаларига нақшлабгина қолмай, ҳар бир иши ҳақида ҳам авлодларга ёзиб қолдиришга уринган, ўзи ёзган ва ўзига ёзилган мактубларни ҳам тўнлаб, «Мушпаот» («Мактублар») деган тўнлам тартиб берган Навоий Бобурнинг мактубини эътиборсиз қолдириши мумкин эмас эди. Бинобарин, ё мактуб жуда кеч етиб бориб, Навоий уни бирор асарида қайд этишга улгурмаган, ё умуман етиб бормаган.

Бобур сиймосида ўша даврда парчаланиб кета бошлаган темурийлар салтанатини сақлаб қолишга қодир ягона кучни кўришган. Самарқандни олганидан сўнг Навоийнинг унга нома йўллашида ана шу умидворлик ҳам бўлиши табиий. Зеро, бу улўф дошниманд Ҳусайн Бойқаро, унинг ўвиллари ва бошқа темурий шаҳзодалар мисолида бу салтанатнинг инқирози муқаррарлигини сезмаслиги мумкин эмас эди.

Ҳасанхожа Нисорий «Музақкири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») тазкирасида ёзишича, Бобур «Чиватой султонларининг энг сараси ва зўр

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. — Тошкент: «Шарқ», 2002. 81-бет.

нижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Моваро-
уннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб
қолинига кўп сабъ-ҳаракатлар ва жонини аямас-
дан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқна-
шувлар қилди, аммо, тақдир ўқига тадбир қалқо-
ни дош бера олмагач, бирор натижа чиқара олма-
ди»¹. Бу ҳақда шоҳ-шоирнинг ўзи алам ва ўкинч
билан шундай ёзади:

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ —
билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча бехуда»².

Анджонни икки, Самарқандни уч бора эгал-
лаб, яна бой берган, шайбонийларга қарши кура-
шниш учун имкон тополмай, чорасиз аҳволда ёнган,
бунинг устига, тожу тахт, навқардан айрилиб, ўзи-
нинг тақдири ҳам муаллақ қолган Бобурнинг ўз
кўнглига муурожаат қилиб:

Замона аҳли ифр, эй кўнгул, оё, тошлганайму
Сенингдек дарднаймоки³ менингдек дарднаймуда?»⁴
(54) —

дейиши табиий эди. Гарчанд муболава, лутф, кўта-

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб (Форе ти-
лидан Нисомил Бекжон таржимаси). — Тошкент: Абдулла Қоди-
рий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 51—52-бетлар.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон (Нашрга
тайёрловчи Абдурашид Абдурафуров). — Тошкент: «Фан» наш-
риёти, 1994, 54-бет. Бундан кейин мазкур нашрга муурожаат
қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. — Э. О.

³ Дарднаймо — дард тортувчи.

⁴ Дарднаймуда — дард тортган.

ричкилик шеърини учун хоё бўлса-да, Бобурнинг ушбу эътирофларида заррача муҳолафа йўқ. Қизи Гулбадаибегимнинг эътироф эгишича, Амир Темури замонидан буён ўтган подшоҳлар ичида у каби нотинчи бўлгани йўқ¹. Чиндан ҳам, ҳали болалигидаёқ тақдир уни баюлар гирдобига олди. У бошидан кечирган тақдир сновлари бемалол ўнга одамга ҳам етиб ортади. Ҳаётнинг ҳар қанчаки машаққатлари бўлса, мардона енгиб ўтган, шум фалакнинг барча найрангларига сабот билан бардон берган, замонанинг бор адолатсизликларини кўрган, одамларнинг жабру жафолари, хиёнатларига чидаган, шунга қарамай, деярли осуда умр кечирмай дунёдан ўтаётган бир инсон шундай дейишга минг карра ҳақли эди. Бошқа бир вазалида бу фикр янада ривожланиб, кенгайиб, очиқ-ошкор тус олади:

*Ҳар ёнаким азм этсам, ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сориким юзлансам, ўтрумга келур қайғу.*

*Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату кам кўрган,
Осойише кам кўрган мендек яна бир борму?!*

(52)

Замон ва одамлардан шикоят оҳанглари нафақат Бобур, балки барча шоирлар ижодига хоё. Ҳумладан, Алишер Навоийнинг ҳам «Меҳр кўн кўргүздүм, аммо меҳрибоне тоғмадим», «Кимга қил-

¹ Гулбадаибегим. Ҳумоюннома (Форс тилидан Сабоҳат Азимжонова таржимаси). — Тошкент: «Маънавият», 1998. 29-бет.

дим бир вафоқим, минг жафосин кўрмадим» каби кўнлаб ғазалларида бу ҳолни кўрамиз. Зеро, ҳар қандай кишининг ҳаёти ҳам гоҳ қувончли, гоҳ ташвишли кунлардан иборат, бинобарин, гоҳ некбин, гоҳ бадбин фикр-хаёллар одам болаёсига ҳаминша хоё бўлиб келган.

Ҳар бир кишида ҳам ҳаётдан тўйиб, одамлардан безиб, ёруғ жаҳон кўзига қоронғи кўришганда дунёдан бош олиб кетгиси келадиган ҳолатлар, лаҳзалар бўлади. «Баъзида кишининг дунёдан чиқиб кетгиси келадир», — деб ёзган эди буюк Абдулла Қодирий ҳам. Бу тўйғу, бу кайфиятни рубоийга дастлаб Алишер Навоий олиб кирди, кейин Бобур уни ривожлантириб, авж нуқтаёсига етказди. Чунки бу фикрни, икки шоирнинг ҳаёти ва фаолиятини ўзаро муқояса қиладиган бўлсак, Бобур айтишга кўпроқ муносиб эди. Навоий бир-мунча осойишта умр кечирган, ижодий, илмий, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган бўлса, Бобурнинг умри деярли талотўнда, жангу жадалларда кечди. Ўзи иқрор бўлиб айтганидек, 11 ёшидан сўнг бутун ҳаёти давомида рамазон ҳаётини икки марта бир ерда кутиб олиш унга насиб элмаган¹. Шоҳ-шоир фалакнинг найрангларини тақдирнинг номардликларини, дунёнинг турфа ўйинларини замонанинг адолатсизликларини, бани башар феълининг барча турланмиш-тусланмишларини кўрди, улардан баъзан жони бўғзига келди. Ана шундай лаҳзаларда ичини ёндирган

¹ Бу ҳақда қarang: Эркин У. Бобур Ҳиндистонда. 91 бет.

дардларини қоғозга тукиб, баъзида кишинин узлатга чекингиси, халқдан узингиси, «дунёдан чиқиб», ҳаётдан қочиб кетгиси келишини ўзининг ўлмас сағрларига муҳрлади:

*Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё борча муродларини тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб, бир сориға кетса киши (96).*

Лекин Бобур ҳаётнинг кўзига тик қарайди, тақдир зарбаларидан довдираб қолмайди, ҳар қандай шароитда курашини учун ўзида қуч топади. Кўргиликларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган бу матонатли инсон ҳаёт шафқатсизликлари олдида даҳшатга тушмайди. Қисматнинг шафқатсиз қўли уни туғилган юртидан бадарға қилганида табиатидаги туғма шижоат ва ирода туфайли у бетона юртларда жон сақлаб қолдигина эмас, балки 332 йил ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асое солди. Бундай ўзоқ муддат ҳукмронлик қилган сулолалар жаҳон тарихида жуда кам, Шарқ халқлари тарихида-ку ичунини. Бобурнинг бетакрор шахсият сифатида бутун дунё аҳлини қизиқтириб келаётгани шундан. «Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намоёндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улур шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб тошган, — деб ёзади У. Эркин. — Кечирган ҳаёти, жангу жадаллар ва саргузантлар борасида эса авлодла-

ридан ҳеч бири унинг тақдирини такрорлай ол-
мади»¹.

Бобур жангларида ҳам ўзи жангчиларига на-
муна кўрсатар, ибрат бўлар — олдинги сафда
туриб жанг қилар эди. «Душманлари билан шер-
дек олишар, қонлондек ҳамла қиларди»². Бу ғай-
рат-шижоат, жасорат-матонатда тенгсиз инсон
жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват эди. «У
шунчалик чапдаст бўлганки, икки қўлтиғига икки
одамни олиб, қалъа девори устида югуриб машқ
қилган. Ҳар қандай хавф-хатар ва қийинчилик-
ларни писанд қилмаган. Барча мушқул масала-
ларни совуққонлик ва ақл тарозуси билан ҳал
қилган. У ажойиб сўзувчи ва раввоқ ҳам бўлган.
Биобарин, ўз йўлида учраган барча дарёларда
(Ганга дарёси бундан мустасно) сузиб ўтган»³.

«Бобурнома»нинг номаълум бир котиби «фа-
зилатлари бисёр⁴ ва камолоти бешумор»⁵ (Ҳасан-
хожа Нисорий)⁶ бу зот таърифида қўйидаги
сўзларни ёзиб қолдирган: «Ва маҳолдурким, ул
подшоҳи қобилининг яхшиликларини айтган би-
дан ва битиган билан тугангай. Лекин мужам-
мал⁷ буким, секкиз сифати асил анинг зотиға

¹ Эркин У. Бобур Ҳиндистонда. 102; 105-бетлар.

² Халидулло Халилий. Бобур мақбараси//Тошев Н. Шоҳ Жаҳон. — Тошкент: «Шарқ», 2002. 31-бет (Илова қис-
ми).

³ Файзиев Т. Заҳриддин Мухаммад Бобур ва унинг
авлодлари. — Тошкент: «Ёзувчи», 1996. 26-бет.

⁴ Бисёр — кўп, ортиқ, зиёда.

⁵ Бешумор — сон-саноксиз, ҳад-ҳисобсиз.

⁶ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. 53-бет.

⁷ Мужаммал — ораста, зебу зийнат берилган.

мўтасил эди: бириси буқим, нажҳати¹ баланд эди; иккимчиси — ҳиммати аржуманд² эди; учимчиси — вилоят олмағ; тўртумчиси — вилоят сахламоғ; бешумчиси — маъмурлуғ; олтимчиси — рафоҳият³ нияти Тенгри таоло бандаларига; еттимчиси — черикни⁴ кўнгли(ни) қўлга олмағ; сиккизимчиси — адолат қилмоғ»⁵.

Жавоҳарлаъл Неру ҳам: «Бобур дилбар шахс эди. Уйғонини даврининг ажойиб султони, кучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севар эди... Бобур ҳам энг фасоҳатли ва ориф кишилар сирасига мансуб эди»⁶, — деб таърифлаган эди.

Навоий асарларини ўқир экан, шоирнинг сиздан бир печа поғона баланд, ўзингизнинг эса унинг қошида бир қадар ожиз эканлигингизни ҳаминша ҳис қилиб турасиз. Балки Навоий ўзи билан ўқувчи орасида муайян масофа сақлашни ўйламагандир, лекин унинг юксак даҳоси, хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, шоир ва ўқувчи ўртасида у ёки бу даражада масофа келтириб чиқаради. Бобурни эса ўқувчи худди ўзининг яқин суҳбатдоши, сирдошидай қабул қилади. Чунки Бобур ўқувчи билан ўзини тенг тутиб гапирди, фазилатлари ҳусусида ўртоқ-

¹ На жҳат — 1) насл-насаб; 2) табиат.

² Аржуманд — бу ерда: улғ.

³ Рафоҳият — фаровонлик, осойишталик, роҳат-фароват.

⁴ Черик — қўшин, лашкар, аскар.

⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 267-бет.

⁶ Жавоҳарлаъл Неру. Бобур («Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобидан). Рус тилидан Исажон Султон таржимаси // «Шарқ юлдузи», 1990 йил, 10-сон, 147-бет.

лашибгина қолмай, қусурларини ҳам мардлик билан очиб ташлайди. Бундай очиқ-ойдин иқдор шоирни ўқувчига яқинлаштиради, уларни ўзаро қадрдон қилиб қўяди. «Бадний сўзга, шеърингга Бобур ўзлигини, ўз руҳий оламини «очиш» воситаси деб қараган. Худди шунинг учун ҳам муаллиф шахсий ҳаёти лавҳалари ҳамда унинг реал руҳий кечинмалари билан боғлиқлик Бобур лирикасининг хос белгиси даражасига кўтарилган»¹.

Бобур шеърларини ичдан нурлантириб турган энг муҳим хусусият бу — уларнинг беқийё даражадаги самимияти. Таъбир жоиз бўлса, замин ўз ўқи атрофидан айлангани каби Бобур шеърлари ҳам самимият атрофидан айланади.

Бобур дастлаб ўзини элакка солиб элайди: барча қусурлари ва заифликларини мардона очиб ташлайди ва бошқаларни ҳам хато-камчиликлари учун аяб ўтирмайди. Лекин у кўпроқ ўзини маъзаммат қилади, ўзини ёзтиради — юрагини дастурхон каби ўқувчи олдига ёзади: ҳеч нарса ни яширмай, кўнглида борини тўқади. Шунинг учун ҳам унинг бундай иқдорлари кинида хайрихоҳлик уйвотади, шоирни қоралаш ҳаёлинигизга ҳам келмайди:

*Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир камзададурмену париншондурмен.
Не динининг ишини қилдим-у, не дунёнинг,
Ё Раб, негай, ўз ишимга хайрондурмен (91).*

¹ Абдурафуров А. Бобур шеърини (Сўз боши) // Заҳрийддин Муҳаммад Бобур. Девон. 5-бет.

Бобур муттасил равишда ўз хатти-ҳаракатлари, айтган сўзларини таҳлил қилган, ўзини тинимсиз равишда чивриқдан ўтказиб турганки, фақат ўзини англаган, ўзидан бохабар инсонгина ўзига ўзи ҳисоб бериб туради. Ўзини билмаган киши қилмиш-қидирмишлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу жиҳатдан шоирнинг қўйидаги рубойиси диққатга сазовор:

*Не хеш мени хушлар-у, не бетона,
Не кайр ризо мендин-у, не жонона.
Ҳар нечаки, яхшиликта қилсам афсун,
Халқ ичра ёмонлик била мен афсона (94).*

Бобур бир умр ўзи билан ўзи қурашиб яшаган инсон. Умри талюғида ўтган бу зот диний арконларни ҳамина ҳам бажара олмаган, ҳаётининг тушқун даврларида шарият манъ этган ичкиликка ружуъ қўйган. Кейин ўзини англаб, тавба қилган. Мушқул ва чорасиз вазиятларга тушиб қолганда тавбасини бузган. Яна тавба қилган, ҳатто ичкиликка қарши махсус фармон чиқарган. Шоир ана шундай зиддиятли, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган. Мана, ўзининг ичкиликка ружуъ қўйгани ҳақида ёзғириб, у нима дейди:

*Келди рамазону мен тақи боданараст,
Ийд ўлди-ю, зикри май қилдурман пайваст.
Не рўзю не намоз — йиллар, ойлар
Тун-қун маю маъжун била девонаю маст (71).*

Шунинг учун ҳам таниқли адиб Хайриддин Султон: «Бобур — инсонлар ичида энг ростгўйдир, деб айтсак ҳам, хато бўлмас, — деб лутф этган эди. — Унинг қалб дафтари — «Бобурнома»ни диққат билан варақлаган киши бунга амин бўлади»¹.

Бобурнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

*Бу оламаро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу «Вақосъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум (86).*

Лекин Бобур бағри кенг, меҳри дарё инсон бўлган: ўзига ёмонлик қилганларнинг ҳам гуноҳидан ўтиб, қўлидан келганча уларга яхшилик кўрсатган. «Бобурнома»да бу борадаги кўнлаб ёрқин мисолларни учратамиз. Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича: «Кимки жаҳонпаноҳ даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан баҳраманд бўлди ва фазл дастурхони неъматидан қуруқ қолмади. Дарё мисол қўли билан саховат оламига эркинлик берди»². Ҳиндистонни олиб, ҳинд подшоҳларининг бой хазинасини қўлга киритганида-ку, нафақат жангда қатнашганлар, қатнашмаганларни ҳам турли эҳсонлар билан сийлайди; Самарқанд, Хуросон, Қашқар ва Ироқдаги қариндош-уруғларига совғасаломлар йўллайди; Самарқанд ва Хуросондаги

¹ Султон Х. Бобурийнома (Маърифий роман). — Тошкент: «Шарқ», 1997. 101-бет.

² Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. 52-бет.

манхўр шайхларга, ҳатто Макка ва Мадинага назр-ниёзлар юборади. Ҳар тарафга чопарлар жўнатиб, қариндон-уруғлари, ота-боболарига хизмат қилганлар, умуман, Темур ва Чингизхон авлодидан бўлган барча кишиларни ҳузурига даъват этади. Худо бизга улўф Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келинлар, то бу давлатни биргаликда бошқарайлик, дейди. Чунки у жаҳонда фақат яхшилик пойдорлигига, одам бөласидан фақат яхшилик қолишига ишонган. Шунинг учун ҳам барча элга яхшилик қилки, шундан яхши нарса йўқ, токи дунёда фалон кишидан яхшилик қолди, деб эл эслаб юрсин, деган ақида билан яшаган:

Бори элга яхшилик қилвилки, мундин яхши

йўқ —

Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин

яхшилик! (32)

Бунга ҳамоҳанг фикрларни «Бобурнома»да ҳам учратамиз: «Ғаразким¹, бу дунёда кишидин уш-мундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом² қилвайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳундин асаре бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳти-мом³ қилмавайким, қилғондин сўнг мустаҳсан⁴ дегайлар»⁵.

¹ Ғараз — мақсад, ният, муддо.

² Иқдом — юриш, қисдам қўйиш, уриниш.

³ Эҳтимом — аҳамият бериш, диққат қилиш.

⁴ Мустаҳсан — таҳсинга сазовор.

⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 142-

08/23

1226

80 (17) 82

Футувват¹ аҳли орасида яхшиликка яхшилик — ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик — мард кишининг иши деган ҳикмат машҳур. Ҳақиқий жавонмардликни амалда намойиш этган мард ва танти, саховат ва шижоат соҳиби бўлган Бобур ҳам жавонмард ҳукмдорининг ҳаётий тимсоли эди. Бинобарин, тақдири ҳар қанча оғир кечгани, замон ва одамлардан кўп жабру жафо кўрганига қарамай, Бобурнинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериши мумкин эмас эди ва унинг бутун ҳаёти бунинг ёрқин исботидир.

Бобур шеърларининг ҳаётийлиги уларнинг ижодхонада эмас, балки ҳаёт қозонининг ичида туриб ижод қилинганлигидир. У бир умр одамлар орасида яшади, қизин фаолият билан банд бўлди. Ҳатто ижод учун хилватга чекинишга ҳам ҳамisha вақт топавермаган. Шунинг учун бу шеърятда курашчан руҳ устувор. Умри курашда ўтган шоирнинг шеъри бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта, унда умри илму ижод қолиб,

¹ Футувват — X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқ оғирини енгил қилиш, зolim ҳукмдорларга қарши курашини, уюшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб хунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. Жавонмардлар ёки ахйилар деб аталган бу тоифанин мақсади — яхшилик, сифати — мардлик бўлиб, бутун умрини одамлар хизматига бағишлаш, ким бўлишидан қатъи назар, барчага бевараз ёрдам қилини қўйиш, бориши ўзгалар билан баҳам кўриши, Ватан, элу юрт, дўсту яқинлар шарафи учун жонини қурбон этиши, зоҳираи ва ботинан пок бўлиб юриши, фақат эзгулик деб яшаш — уларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Бошқача айтганда, жавонмардлик — дунёдаги барча яхши фазилатларни эгаллаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш демакдир.

тожу тахт ташвинида ўтаётганидан шикоят қилини, ўз фаолиятидан қониқмаслик туйғулари, маълумият онларидаги тушқунлик мотивлари учрайди. Лекин, бир бутун оғанда, Бобур шеърини текбин ва қурашчан шеърини.

Ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган, катта ҳаётини тажрибага эга бўлган Бобурнинг кўнгилна байтлари ҳикматдай жаранглайди. У атай насиҳат қилмайди, бу унинг ҳаётини қўзатишлари ва ҳулосаларидан келиб чиқади:

*Сарфароз¹ эса даҳр² шод ўлма,
К-охир ул-амр поймол қилдур (24).*

*Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чамансида,
Кўзин юмуб-очқунча бу гулзор топилмак (30).*

*Бу даҳр ичра бистарин³ роҳат тиларин қўй,
Ул фарин⁴ чун бу кўҳна равоқига арзимас.
Айшеки, утти — ўзга ани зикр айлама,
Ҳар нимаки йитти — суроқига арзимас (31).*

*Ғафлат уйқусидин уйқон гар тилар бўлсанг
мурод —
Ким, стар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ
(32).*

*Ҳар нимага кам ема — кам қўнтурур,
Айш биле ўзин овутомқ керак (34).*

¹ Сарфароз (Сарафроз) — баланд, юксак, маърур.

² Даҳр — 1) дунё, олам; 2) давр, замон; 3) ҳаёт.

³ Бистар — тўшак.

⁴ Фарш — тўшак, гилам, палос.

*Ўзинги шод тутқил, ҳам сма дунё учун зинҳор —
Ки, бир дам ҳам смакка арзимас дунёи фарғуда¹*
(54).

Бобурнинг ақидаси ва ҳаётий тажрибасига кўра ҳар ким қилмишидан тонади: яхши одам ёмонлик кўриши мумкин эмас, ёмон кимсага эса яхшилик ҳайф; худди шундай вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафо. Бу фикрлар унинг шеърини ҳикмат даражасига кўтарилган қуйидаги рубоийида ўзининг ёрқин ифодасини топган:

*Ҳар кимки шифо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур (72).*

Албатта, Бобур буюк салафлари таъсирида, уларга эргашиб, анъанавий ишқу ошиқлик мавзусида ҳам кўнлаб шеърлар битган. Чунинчи:

*Ким Хизр сўйини овизлағай лабиниинг қошида?
Ким Масиҳ алфозидин дегай каломинг борида?*
(17)

Хизр — ер остидаги оби ҳаёт — тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. Навоийнинг ёзишича, Тангри таоло Хизрга илми ладунни ато этган

¹ Фарғуда — тўзиган, эскирган.

бўлиб, ҳайвон суви, Хизр суви деганда шу нарсага ишора қилинади¹. Мадуний илмга сазий ҳаракат билан етиб бўлмайди, у Оллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига берилувчи илоҳий илmdir. Маълум бўладики, Хизрнинг абадий ҳаёт соҳибии эканлиги ҳам аслида унинг илоҳий илмлар эгаси бўлганлиги билан изоҳланади.

Исо Масих (Иисус Христос) — насеронийлар динининг пайғамбари. Исо Масихнинг қўли теккан — силаган ўликка жон кириши учун ҳам унга ал-масих — силовчи лақаби берилган².

Мумтоз адабиётда маънуқанинг жонбахш лабини — оби ҳаётга, лаби атрофидаги майини тўқлар, яъни хатини — оби ҳаёт чашмаси теграсидаги майсага, қора сочларини — оби ҳаёт чашмаси яширин зулматга ўхшатини бир анъана тусини олган. Нафаси оширига ҳаёт бағинилайдиган маънуқа эса ўликни тирилтирадиган Исо Масихга нисбат берилди.

Ёки:

*Эй кўнгул, гар вайр сўзи захри қотилдур, не кам,
Лабларидин шарбати юҳийил-изоминг борида*

(17).

Бу ерда вайр — бегона. Бегона — тариқат

¹ Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Тарихи албиё ва ҳукамо // Мукамал асарлар тўплами. Ўнгинчи жилдик. 16-жилд. — Тошкент: «Фан», 2000. 129-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Қуръони карим (Алоуддин Мансурини изоҳли таржимаси). — Тошкент, 1992. 40-бет.

йўлига кирмаган, сайру сўзукни ўтмаган киши¹.
Лаб — суфийлар истилоҳотида маънавият ола-
мидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эа
илҳом орқали поэил бўладиган калом². Шунинг-
дек, ирнинг илоҳий маърифатга кон сўзи ва бу
жонбахш каломнинг мазмуни ҳам кўзда тутила-
ди. Юҳйил изом — суякларни тирилтириш.

Байтнинг мазмуни: «Эй кўнгил, маъшуқанин
лабларидан (ҳижрон вамидан ўлган жисминга)
қайта жон бахш этувчи шарбатни тоғар экансан,
бетоналарнинг захри қотил каби сўзларидан таш-
винланмасан ҳам бўлади». Ёки: «Эй кўнгил, сен
илоҳий маърифат файзидан баҳраманд бўлар
экансан, бу ишқдан беҳабар юфил оломоннинг
паст-баланд гап-сўзларига нарво қилма». Яна:
«Эй кўнгил, ири комилнинг илоҳий маърифат
сирларидан хабар берувчи жонбахш каломи тур-
ганда ҳар турфа жоҳил кимсаларнинг таъна-ма-
ломатларига эътибор берма».

«Бобуринома»да 50 дан ортиқ ўринда турли
муносабат билан форсий мисра, байт, фард, қитъа,
рубойй ва таърихлар келтирилади. Улар орасида
Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Саъ-

¹ Саййид Жаббар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний. — Техрон, 1370 (ҳижрий-шамсий). С. 207. Ушбу ғўпламдаги тасаввуфий тимсол-тунуиичалар илоҳи мазкур дуватига таяниб амалга оширилди. — Э. О.

² Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. — Москва: «Наука», 1965. С. 170. Мазкур китобга номаълум муал-
лифининг «Миръот ул-ушшоқ» («Ошиқлар кўзгуси») номли та-
саввуф истилоҳлари дувати илова қилинган. Бу ерда шундан
фойдаландик. — Э. О.

дий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Сайфи Бухорий, Шайхим Сухайлий, Вафойи, Ҳасан Яъқуббек, Бойсунғур, Камолиддин Биноий, Мулло Муҳаммад Толиб, Кичик Мирзо, Ғарибий, Муҳаммад Ҳусайн, Хожа Калон каби шоирлар ижодидан келтирилган намуналар билан бир қаторда, турли вазиятлар тақозоси билан муаллифнинг ўзи томонидан бадиҳа тарзида айtilган кўнлаб форсий байт, қитъа ва рубоийлар ҳам берилган. Истанбулда сақланаётган девонидаги форсий шеърлари билан биргаликда олсак, Бобурнинг форсий мероси ҳам салмоқлигига эгани маълум бўлади.

Бобурнинг форс-тожик тилидаги деярли барча машқлари бадиҳа тарзида қоғозга тушганига қарамай, улар Бобурга хоё услуб раволиги, фикр ёрқинлиги, мазмун тиралиги, қўлланган сўзларнинг содда ва тушунарлилиги билан ажралиб туради. Чунинчи, қуйидаги фардида у бировни ранжитиш, кўнлига озор беришни қоралаб, дилозор киши агар ҳуру фаринга бўлса-да, дилимга озор етказар экан, ундан безорман, дейди:

*Он дилозоре, ки бошад дар дил озорам аз ў,
Филмасал, ҳуру пари бошад, ки безорам аз ў¹.*

Шоир форс-тожик тилини шунчалик яхши билганки, ҳатто баъзи шеърларида ирсолли масал тарзида халқ мақолларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади:

¹ Бобур девони. Қобул нашрига такмили (қўшимча). 51 бет.

*Басе асбони този монда доғар,
Шуда гавони ноҳинжор фарҷоҳ.
Чи бояд кард кори даҳри дуҷро:
«Ҳаво толеъ зи харворе ҳунар бех!»¹*

Мазмуни: «Қанчадан-қанча учқур отларга эт битмагани ҳолда, фарҷоатенз ҳукизлар семириб кетди. Бу тубан дунё ишнини нима қилса бўлади: бир дунё фазлу ҳунардан бир зарра толеъ афзал!»

Бобур ўзининг илк форсий вазалини II ёшида ёзган — у қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Ҳеч кас чу ман харобу ошиқу расво мабод,
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод.²*

Мазмуни: «Ҳеч ким мен каби харобу ошиқу расво бўлмасин, ҳеч бир маҳбуба сен каби бераҳму бепарво бўлмасин».

Маълумки, Бобурнинг нақшбандия тариқати ва унинг ширларига иқлоб-эътиқоди баланд эди. Бу тариқатнинг ўша пайтдаги шайх ул-машойихи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий отасининг илтимосига кўра унга ном қўйган, унинг халфаси Мавлоно Муҳаммад Қози Бобур хонадонининг шир

¹ Бобур девони. Қобул нашрига такмил (қўшимча). 48 бет.

² Бу ҳақда қarang: Холмўминов Ж. Бобур ва Эрон (еҳуд Бобурнинг форс тили ва адабиётига бўлган муҳаббати ҳусусида) // «Сино» журнали, 7 сон (2002, Қўз). 52-бет.

эди. Мавлоно Ҳозининг халфаси, «нақшбандия тариқатииниң балаидиарвоз шаҳбози» Махдуми Аъзам эга унга бир мақомида эди. Бобур Хиндистонни қўлга киритиб, улкан мамлакат ва беҳисоб бойликка эга бўлганидан кейин барча қариндош-уруелари қатори, Махдуми Аъзамга ҳам бир бўлак олтин қўймасини шиёз тариқасида юбориб, ўз мактубида қўйидаги қитъани илова қилган:

*Дар ҳавои нафси худ умр зоеъ кардаем,
Пешни аҳдulloҳ аз атвори худ шармандаем.
Як назар афкан ба сун мо, ки аз роҳи вафо
Хожагиро мондаему хожагиро бандаем¹.*

Мазмуни: «Гумроҳ нафе кўида умримизни зоеъ қилдик. Бунинг учун Оллоҳнинг хос бандалари олдида уятлимиз. Биз томонга бир назар сол: вафо йўлида хожаликни танлаб, хожаликка бандамиз».

Махдуми Аъзам тариқати, яъни нақшбандия хожагон — хожалар деб ҳам юритилади. Хожа сўзининг раҳнамо, соҳиб, хўжайин деган маънолари ҳам бор. Бобур шундан фойдаланиб, сўз ўйини қилган: Оллоҳ олдида ҳамманинڭ қўллигини англаб, бировлариниң устидан эгалик — хожалик қилишни танлаганмиз, лекин хожалар тариқатига қўлликни бўйшимизга олганмиз.

Бобур таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. 53-бет.

шоир шеърларининг барча қўлёзма нусхалари ва нашрларини ўзаро қиёслаб, уларни анъанавий девон шаклига келтирган, қўлёзма ва нашрларда учрайдиган кўнлаб матний хато ва чалқашликларни бартараф қилиб, 1983 йили Қобулда Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг нисбаган мукамал девонини чоп эттирган эди. Бу девон таниқли адабиётшунос ва матншунос Абдурашид Абдуғафуров томонидан кирилл алифбосида қайта нашрга тайёрланиб, 1994 йили «Фан» нашриётида боғиниб чиққан. Биз мазкур нашр учун айни девонни асос қилиб олган ҳолда, Шафиқа Ёрқин кейинги йилларда топиб илмий муомалага киритган (Бобур девони. Қобул нашрига такмила (қўшимча). — Тошкент: «Шарқ», 2004) шоирнинг янги шеърларидан ҳам фойдаландик.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди



ҶАЪАМА

Не кӯрай тӯбони¹ қадди² хушхироминг борида?!
 Не қилай сунбулни³ хатти⁴ мушкфоминг⁵
 борида?!

Ким Хизр суйини оғизлағай лабиниғини қошида?
 Ким Масиҳ алфозидин⁶ дегай калюминг
 борида?!

Ошиқингни давлати васлинг била қил муҳтарам,
 Хусен аҳли ичра мунча аҳтироминг борида.

Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани⁷,
 Бизни ҳам гоҳи соғин шурби⁸ мудоминг борида.

Эй кўнсул, гар ғайр сўзи захри қотилдур, не ғам,
 Лабларидин шарбати юҳийи-изоминг борида.

¹ Тӯбо (Тӯбийи) — жашнатдаги ранг-баранг мевали ва хушбӯй серсоя дарахт.

² Қад (Қомат) — кўнги.нинг ваҳдат оламига юкланиши, илоҳий маҳбубанинг ўзига жалб қилини.

³ Сунбул — ингичка баргли, гуллари ҳалқа ҳалқа, қўн-роқсимон ва хушбӯй ўсимлик. Маъшуканинг соғи ҳалқа ҳалқа ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан унга ўхшатилади.

⁴ Хат — қизларнинг лаби устидаги майин туклар. Тасаввуф истилоҳида ғайб олами.

⁵ Мушкфом — мушк рангли, яъни қора.

⁶ Алфоз — сўзлар.

⁷ Бода — майинни номларидан бири бўлиб, тасаввуф адабиётида ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.

⁸ Шурб — 1) ичим; 2) улут, насоба.



Тарки номус айлабон бадном бўлвил ишқ аро,
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!¹

Бобур, ул гул кўйида булбул киби тоштинг мақом,
Бир навос рост қил мундоқ мақоминг борида².



¹ Илоҳий маҳбубани ақл эмас, кўнгил билан дарк этиш мумкин. Шунинг учун суфийна адабиётда ақл-хуши йўқотилиш улуғланади.

² Бу ерда рост сўзи икки маънода келаяпти: биринчиси — бир ҳақиқий наво қил, иккинчиси — шашмақомнинг шўъбаларидан бири.



* * *

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам¹, балю манга!

Нетгаймен ул рафиқ² билаким, қилур баса,
Меҳру вафо — рақибва, жавру жафо — манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин ортадурур заъф³, эй табиб,
Билдим: ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб, муолажада зоеъ этма умр —
Ким, жонда дарди ишқдурур бедаво манга.


То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Таниши бежиҳатдурур охир санго, манга.

Бобур, бўлубтурур икки кўзум йўлида турт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

¹ Эвуриш — ўгириш, буриш; айлаштириш.

² Рафиқ — дўст, сирдош, ҳамроҳ.

³ Заъф — хасталик, ҳолсизлик, қувватсизлик.



Ёрнинг пайғоми¹ еткач, тонти жон фарсуда тан,
Исо эъжози² магар музмардур³ пайғомида?

Бобур, ул гул зулфи остида эмастур холлар,
Жон қушни сайд⁴ айлар учун доналардур
домида.



¹ Пайғом — хабар, дарак, башорат.

² Эъжоз — мўжиза. Исо мўжизаси — ўлиққа жон ато этиш.

³ Музмар — пинҳон, махфий.

⁴ Сайд — ов, шикор.



* * *

Ёвливингким¹, жон била мен хастадурмен, зор
анга,
Хаста жонлар ринтасидиндур магар ҳар тор анга?

Эврулур бошинггаю гоҳи юзунга юз кўяр,
Бу жиҳаттин от эмин «гулнеч»у гаҳ «гулзор»
анга.

Бир чамандур саҳниким, бўлвай бинафша
сарбасар²,
Теграси гулзордурким, бўлмавай бир хор³ анга.

Ёвливинг токим юзу кўзунга тегминш, бордурур
Юз менингдек зору юз минг мен киби бемор
анга.


Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тиви, ғам ема,
Лутф этиб, гар боғлар ўлса ёвливини ёр анга.

Кўнгулм истар ёвливингни, балки андин бир
насим
Етса Бобурға эрур жон бирла миннатдор анга!

¹ Ёвлиб — румол.

² Сарбасар — бошдан-оёқ, бутунлай.

³ Хор — тикан.



* * *

Ул парининг тивидин қўрқутма мени, эй рақиб,
Ишқиди бошимга менинг ҳар не келса, ё насиб!

Эврулуб бошинга, эй ой, қилминам тарки ватан,
Раҳм қилвил мангаким, саргаштадурмен¹, ҳам
вариб.

Телба бўлмоқлиғдин ўзга чорас йўқтур манга,
Ул парирў² ногаҳон ар³ чиқса уйдин ёсаниб.

Жонда беркитган ўқин чекмак⁴ манга
ранжедуруп,
Қўйвил ул ўқни, чекай деб ранж чекма, эй табиб!

Бобуро, ҳаргиз⁵ қулоқ шеъринга ул гул
солмади,
Гулга не парвое, юз фарёд қилса андалиб⁶.



¹ Саргашта — сарсон, овора.

² Парирў (й) — пари юзли, гузал.

³ Ар — агар бөлөвчисининг қисқартирилган шакли.

⁴ Чекмак — бу ерда: тортмоқ, сўғурмоқ, чиқармоқ.

⁵ Ҳаргиз — ҳеч қачон, асло.

⁶ Андалиб — булбул.



* * *

Эшикингга бош урармен телбалар янглив юруб,
Эй пари, йул бер висолинггаки, кетмай бош уруб.

Сарв¹ қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф,
Ўтқа ёқти бовбон сарви сиҳисин² синдуруб.

Ўлтуруб эрди, қўнуб³ кетмакка чун азм айлади,
Ёна⁴ тиргузди⁵ мени, алҳамдулиллаҳ⁶, ўлтуруб⁷.

Қўзлари сайд айлар учун телба қўнглумни менинг
Қоши ёсини⁸ қуруб, кирник ўқини тўлдуруб.

То сабо⁹ зулфини ул гулнинг паришон айлади,
Жон била ақлу қўнгулни елга бердим совуруб.

¹ Сарв — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гузал ва хушқомат дарахт: маҳбубанинг келишган эбо қадди-қоматини унга нисбат берадилар.

² Сарви сиҳи — тик ва баланд сарв; мажозан: баланд бўйли маҳбуба.

³ Қўнмоқ — ўридан турмоқ.

⁴ Ёна — яна.

⁵ Тиргузмоқ — тирилтирмоқ.

⁶ Алҳамдулиллоҳ — Оллоҳга ҳамд бўлсин; Худога шукр.

⁷ Ўлтурмоқ — ўлдирмоқ.

⁸ Ё — ёй, камон.

⁹ Сабо — Шарқдан эадиган ёқимли шабада, тонг ели. Тасаввуфда руҳоний маъшуқ томонидан келадиган раҳмоний хушбўй насим. Шунингдек, сабо ошиқларини саҳарда чеккан оҳу ноласини Оллоҳга отказади, деб ҳисоблайдилар.



Тоштуруб эрдим кўшулни ёрға, чун борди ёр,
Ҳамдам эгтим хаста кўнглумни Худога тоштуруб.

Бўйнума занжири вам, ё бўғзума тиги ситам,
Ҳар не келса ишқ йўлида турубмен телмуруб.

Мен билурмен кўзи қотил, лаъли¹ жонбахш
эрканин,
Чунки, Бобур, ҳажрида кўп йиғладим оқзим қуруб.



¹ Лаъл — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош: маҳбубанинг чўғдай лабиши унга нисбат берадилар.



* * *

Ғофил ўлма, эй соқий¹, гүл човин ванимат тут!
Вақти айин эмас боқий, ол човир², кетур, бот³ тут!

Бу насиҳатим тингла: не бўлур киши ёнгла⁴,
Не бўлур экин тонгла⁵, сен бу кун ванимат тут!

Ғофил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта⁶,
Тангри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут!

Хунтурур висоли ёр, анда бўлмаса дайёр⁷,
Бўлса васл беавёр⁸ давлату саодат тут!

Ғам черики беҳаддур, чораси будур, Бобур:
Бодани кўмак келтур, жомни ҳимоят тут!

¹ Соқий деганда суфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, машуқани, бир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам кишилар қалбига илоҳий файз барицлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, вайб маърифатидан баҳраманл этидилар.

² Човир — май, шароб.

³ Бот — тез, дарров, шитоб, зуд.

⁴ Ёнг — янги; қайта.

⁵ Тонгла — 1) эртага; 2) қиёмат кунни.

⁶ Меҳнат — 1) машаққат, қийинчилик; 2) ғам, дард; 3) бяю.

⁷ Дайёр — соҳиб, уй эгаси.

⁸ Авёр — бегоналар, рақиблар, душманлар.



* * *

Эй юзи насрин¹, қомати шамшод²,
Неча қилурсен жонима бедод?

Сен киби пуркор³, шеваси⁴ бисёр,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, рамзада устод.

Ёр камидин, ҳажр аламидин,
Сабр камидин нолаю фарёд!

Бобури бедил⁵, эй бути⁶ қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод⁷.



¹ Насрин — оқ хушбӯй гул.

² Шамшод — кичик ва хушбӯй гулли ҳамша кӯм-кӯк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дарахт. Маҳбубанинг келишган қоматини унга нисбат берадилар.

³ Пуркор — ишчан, фаол.

⁴ Шева — 1) одат; 2) хунар; 3) наз-ишва.

⁵ Бедил — ошиқ, гирифтор, муътод.

⁶ Бут — санам; мажсуан; маъшуқа.

⁷ Муътод — ўрганган, одатланган.



* * *

Шоҳ Султон Увайс бишни Маҳмуд¹,
Моҳ Султон Увайс бишни Маҳмуд.

Қадду овзингдин айру торгармен —
Оҳ, Султон Увайс бишни Маҳмуд.

Мени ёд айла базми ишқингда
Гоҳ, Султон Увайс бишни Маҳмуд.

Хуштурур ҳамраҳим агар сенсен —
Роҳ², Султон Увайс бишни Маҳмуд.

Подшаҳдур агарчи Бобур лек,
Шоҳ Султон Увайс бишни Маҳмуд.



¹ Султон Увайс — Самарқанд ҳокими Султон Маҳмуд бишн уғли, Бобурнинг холавачаси (Султон Нигорхонимнинг ўғли).

² Роҳ — йул.



* * *

Балои инқки, ҳар дам манга жафоедур,
Бу инққдин кеча олмон¹, ажаб балоедур.

Хати лабиға тутош бўлса, эй кўнгул, не ажаб-
Ки, Хизр чашман ҳайвонга² раҳнамоедур.

Ярар бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давоедур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ³ тут манга, соқийки, хуш ҳавоедур.

Ул ой рақибға бўлди рафиқу Бобурнинг
Рафиқу ҳамдами ҳажрида оху воедур.



¹ Олмон — олмаман.

² Чашман ҳайвон — оби ҳаёт чашмаси.

³ Аёқ — май илшми, қадох, жом, коса.



* * *

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду хуррамлар,
Манга юзу қошининг¹ айру байрам оида
камлар.

Менинг бу тори мў² янглиг³ танимға тоблар
солди
Ул оининг юзида сунбул киби зулфидави хамлар.

Ҳавоға дуди⁴ оҳин тутратур ишқ аҳли⁵
райратдин,
Сабо таҳрикидин⁶ ҳар гаҳ паринон бўлса
парчамлар⁷.

Очилди зулфию хайлар⁸ намудор⁹ ўлди юзида,
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса
шабнамлар.

¹ Қош — тасаввуфда илоҳий ва моддий олам чегараси. Найвастанлиги — Оллоҳ ва оламнинг ягоналигини, қайрилмаслиги — суфий дилидаги нафс ва кибрин, узун ва қалинлиги — ҳақ йўлининг узун ва мураккаблигини билдиради.

² Мў (й) — соч, зулф.

³ Янглиг — каби, ўхшаш, монанд.

⁴ Дуд — тутун.

⁵ Ишқ аҳли — ошиқлар, орифлар.

⁶ Таҳрик — ҳаракат.

⁷ Парчам — бу ерда: соч, кокил.

⁸ Хай — тер томчиси.

⁹ Намудор — намоён, зоҳир.



Мену кунжи¹ вamu оху фиғону ашки²
хунолуд³,

Не хушдур гўшани холи, майи софию ҳамдамлар.

Кўнгулни ишқ бузди, не асиф⁴ панду
насихатдин,

Менинг мажруҳ кўнглумга ярашмас ушбу
марҳамлар.

Юзи наврўзию васли ийдини⁵, Бобур, ванимат
тут —

Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу
байрамлар.




¹ Кунж — чет, бурчак.

² Ашк — кўз ёши.

³ Хунолуд — қонга буланган.

⁴ Асиф (Осиф) — фойта, наф. баҳра.

⁵ Ийд — байрам, ҳайит.



* * *

Очилиб икки сочи, юзига ёйилмишлар,
Ёруқ жаҳонни кўзумга қоронғу қилмишлар.

Човир бағир қонидур барча ишқ аҳлига,
Зиҳи¹ аларки, бу майдин даме ойилмишлар².

Не қилсам, айлама, эй ёр, айбким, менда
Жунуну³ ишқу йигитлик бори⁴ қотилмишлар⁵.

Салоҳқа⁶ хирад⁷ аҳли мени ёвуқ⁸ дерлар,
Кўрунги, ушбу чечанлар йироқ
ёнгилмишлар⁹.

Не суд¹⁰ ишқни элдин ёшурмоқ, эй Бобур,
Чу¹¹ ҳолатингни бори олам аҳли билмишлар.

¹ Зиҳи — нидо келимаси: қандай яхши, таҳсин, офарин.

² Ойилмоқ — айрилмоқ.

³ Жунун — ошиқлик, савдойиллик, ўздан беҳабарлик.

⁴ Бори — барчаси, ҳаммаси.

⁵ Қотилмоқ — қўшилмоқ, омухта бўлмоқ.

⁶ Салоҳ — зуҳду тақво, ёмон ишлардан ўзни сақлаш.

⁷ Хирад — ақл, идрок, дониш. Хирад аҳли — дониш-мандалар, оқиллар.

⁸ Ёвуқ — яқин.

⁹ Ёнгилмоқ — бу ерда: янглишмоқ.

¹⁰ Суд — фойда, баҳра, наф.

¹¹ Чу — чулки; агар; вақтики, модомики; ўхшаш, монанд.



* * *

Хати — бинафша, хади¹ — дола, зулфи
райҳондур,
Баҳори ҳуснда юзи ажаб гулистондур.

Ики менги² ою доғи³ юзу сўзи гуду мул⁴,
Қади равону тани жону ирни⁵ маржондур.

Қошида чину⁶ кўзида кину ангабин⁶ лабида,
Сўзида захр⁷ ва лекин тилида дармондур.

Қошингва кўн бора олмон, не тай, аролиқда,
Енним тишинг дуридин айру баҳри⁸ Уммондур.

Ўтумни тез этасен ҳар тарафга секретиб от,
Саманди⁹ ноз инонини¹⁰ бир бери ёндур¹¹.

Не навъ васф қилай суратинг латофатини —
Ки, ҳуснуша сенинг, эй руҳ, ақл ҳайрондур.

Жафою жавр агар қилса, Бобуро, не тайини,
Не ихтиёр манга, ҳар не қилса, султондур.

¹ Хад — юз, ёноқ.

² Менг — хол.

³ Доғи (Дари) — яна, тавин, ҳамда.

⁴ Мул — май, шароб.

⁵ Чин — чимирилсин, ажин.

⁶ Ангабин (Ангубин) — асал, бол.

⁷ Заҳр — захар, оғу.

⁸ Баҳр — алим дарё, денгиз.

⁹ Саманд — от, тулпор, арғумоқ.

¹⁰ Инон — жилов, тизгин, ихтиёр.

¹¹ Ёндур — бу ерда: қайтар, бур.



* * *

Заъфдин гўё менинг бу зор жисмим полдур¹ —
Ким, онинг шарҳин демакта хома² тили долдур.

Заъфлиқ жисмим била бу нотавон кўнглим аро
Дард ёр эрканга ушбу эгма қаддим долдур³.

Мен дамодам қон ютармен ҳажр аёбидин, нетай,
Ўзгаларнинг жоми васли гарчи молмомолдур⁴.

Зулфира вобастамен⁵, васлиға йўқдур дастрас⁶,
Эй хуш ул озодаким⁷, беқайду⁸ фориғболдур⁹.

Ул паридин мен печук жон элтаменким, Бобуро,
Васли мушқил, ҳажри муҳлик¹⁰, ваззаси
қаттолдур.

¹ Пол — қамиш.

² Хома — қалам.

³ Дол — араб алифбосининг саккизинчи ҳарфи; мажозан: арилган, букилган қомат.

⁴ Моломол — тўла, лиммо-лим.

⁵ Вобаста — боғлиқ.

⁶ Дастрас — стишиш, эришиш.

⁷ Озода — дунёвий боғлиқликлардан қутулган, беғам, тарки дунё қилган, жавонмард, дарвеш.

⁸ Беқайд — дунё ташвишларидан озод, эркин.

⁹ Фориғбол — хотиржам, кўнгли тинч, беташвиш.

¹⁰ Муҳлик — ҳалокатли, ўлдирувчи.



* * *

Кўк вусмада ул ой қони гўё хаёлдур,
Ё ой бошида кўкта кўрунган ҳилолдур¹.

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,
Онинг заволи бордуру бу безаволдур.

Овзию икки зулфу қади бўлмаса манга,
Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.

Ушшоқ² оҳи елидин осиб³ топмасун
Қаддингки, ҳусн бовида позик ниҳолдур.

Кўнглумга дард келгани хам бўлди қоматим,
Қаддим магарки «дард» ёнидағи «дол»дур.

Гарчи вафою меҳрни билмас менинг ойим,
Лекин жафою жаврда соҳибкамолдур.

Ҳар неча беиноят эса ёр, Бобуро,
Сен қўйма хидматингнию они уёлдур.

¹ Ҳилол — янги ой; маҳбубанинг ярим ой шаклидаги қайрилма қони.

² Ушшоқ — ошиқлар.

³ Осиб — зиён, зарар, қулфат.



* * *

Кўнглумни чу ул нари олибтур,
Девона¹ бўлурға не қолибтур?!

Бедил эканимни эмди билгай,
Чун бир киши кўнглини олибтур.

Кўнглумни олиб, тағофулин² кўр,
Билмасга ўзини не солибтур.

Зулфунг черигини йирки, жамъи
Бу фитнадин асру³ кўзволибтур.

Бобур, неча кун кўнгулни хуш тут,
Бу олам иши чун мунқалибтур⁴.



¹ Девона — ишққа ошиғу ҳайрону саргашта бўлган ва сулукка мансуб киши. Ошиқнинг мағзубияти девоналик дейилди.

² Тағофул — бепарволик, ўзи билмасликка солиш.

³ Асру — 1) жуда кўн, беҳисоб; 2) тез, қаттиқ.

⁴ Мунқалиб — тесқари.



* * *

Васлин ул ой манга муҳол қилур,
Ҳажридин мени хастаҳол қилур.

Билмайин ҳолатимни ул бемехр,
Ўзгалардек мени хаёл қилур.

Ол¹ юзи кўз ёшимни қон қилди,
Кўргач-ўқ² деб эдимки, ол қилур.

Сарфароз этса даҳр, шод ўлма,
К-охир ул-амр поймол қилур.

Мен киму зухду³ тавбаким, зоҳид⁴
Неча андинан маҳол қилур.

Тавба ишин буюрма Бобурға —
Ким, бу ишни ўшал ўсол⁵ қилур.

¹ Ол — қизил, тўқ қизил.

² Ўқ — кучайтириш юклагаси.

³ Зухд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порохлик.

⁴ Зоҳид — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мақфуратиши қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишини. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамағирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

⁵ Ўсол — ўсал, ёмон.



* * *

Мендин ўзга хасталарга лаълидин дармон берур,
Мен берурмен жону ул умр ўзгаларга жон берур.

Ошиқи мен, ул қилтур авёрға маҳбублуқ,
Дардманди мен, вале ул ўзгага дармон берур.

Ўқида пайкон¹ эмас, бир қатра ҳайвон суйидур,
Етгач-ўқ жонсиз танимға жон ўшал пайкон
берур.

Қон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида
кўрунг —
Ким, бу янглив дурру гавҳар қайси баҳру кон
берур?

Бўлвали қаддиға мойил васлидин маҳруммен,
Бобуро, ул хусн нахли² бар³ магар ҳирмон⁴
берур.




¹ Пайкон — ёй ўқлари. ёй ўқларининг учи; мажозан: киприк.

² Нахл — ниҳол, дарахт.

³ Бар — ҳосил, мева.

⁴ Ҳирмон — маҳрумлик, бенасиблик, ажралиб қолиш.



* * *

Қаро зулфунг фироқида паришон рӯзгорим¹ бор,
Юзунгнунг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон
қилди,
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим
бор.

Ҳаҳондин манга вам бўлса, улусдин² гар алам
бўлса,
Не вам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек
вамгусорим³ бор.

Агар муслиҳмен⁴, ар муфсид⁵ ва гар ошиқмен,
ар обид⁶,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингки ихтиёрим
бор.

Фивоним ошти булбулдин, вами йўқ зарра бу
қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим⁷
бор.

¹ Рӯзгор — 1) турмуш, ҳаёт; 2) тақдир, толе; 3) давр, замон.

² Улус — халқ, эл, омма.

³ Вамгусор — вамхўр, меҳрибон.

⁴ Муслиҳ — хайрихоҳ, сулҳга келтирувчи.

⁵ Муфсид — бузуқи, бадкор.

⁶ Обид — тоат-ибодат қилувчи, художўй.

⁷ Хорхор — вам, қайғу, безовталик.



* * *

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал¹ икки зулфи гул юзининг даврида²,
Гул уза авнар, магар ул иккининг давронидур.

Ўқи захмини³ кўруб ҳар ён танимда, эл дегай —
Ким, бу кўҳи⁴ дарднинг ул долаи нуъмонидур⁵.

Сел эмасдур ер юзин тутқон — кўзумнинг
ёшидур!
Раъд⁶ эмасдур кўкка чирманқон — кўнгул
афронидур!

Ложарам⁷, бўлғай паринону ҳавойи мен киби
Зарра янглиғ кимки бир хуршид⁸ саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур—
Ким, сочи занжиридур, чоҳи зақан⁹ зиндонидур.

¹ Мусалсал — ҳалқа-ҳалқа, бир-бирига уланган.

² Даврида — бу ерда: теграсида, атрофида.

³ Захм — яра, жароҳат; кўнгил яраси.

⁴ Кўҳ — тоғ.

⁵ Долаи нуъмон — қизил лола.

⁶ Раъд — момақалдироқ.

⁷ Ложарам — шунинг учун, албатта, шубҳасиз.

⁸ Хуршид -- қуёш, офтоб.

⁹ Чоҳи зақан — ияк чуқурчаси.



* * *

Менинг кўнгулумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ¹
қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.

Агар ул қонни ёсиз бов гаштин орзу қилсам,
Кўзумга ўқдурур сарву кўнгулга гунча
найкондур.

Баҳору бов сайрини не қилайким, дилситонимнинг²
Юзи — гул, зулфи — сунбул, қомати сарви
хиромондур³.

Висоли лаззатидин руҳ тоғмоғлиқ эрур
душвор⁴,
Фироқи шиддатида йўқса жон бермаклик
осондур.

Бошидин эврулур⁵ армони бирла ўлдум, эй
Бобур,
Менинг наъшимни⁶ бори ул пари қўйидин
айлондур.

¹ Таҳ-батаҳ — қаватма-қават.

² Дилситон — дилни олувчи, кўнчилини ўзига асир қилувчи.

³ Сарви хиромон — хиром айлайдиган сарв, яъни майдақадам маҳбуба.

⁴ Дуввор — қийин, оғир, мушкул.

⁵ Эврилмоқ — айланмоқ.

⁶ Наъш — тобут; жасад.



* * *

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкилдур,
Сенинг бирла чиқинмоғлиқ доғи бисёр
мушкилдур.

Мизожинг нозикун сен — тунду¹, мен — бир
беадаб телба,
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор
мушкилдур.

Не осиф нолаю фарёд хоболуд² бахтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ ани бедор
мушкилдур.

Манга осондурур бўлса агар юз минг туман³
душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр
мушкилдур.

Висолиниким тиларсен, нозини хуш тортвил,
Бобур —
Ки, олам бовида топмоқ гули бехор⁴ мушкилдур.

¹ Тунд — тез, шиддатли; асов; ўткир, аччиқ; ғазабли.

² Хоболуд — уйқусираган; ноқли, қаранмали.

³ Туман — ўн минг.

⁴ Бехор — тикансиз.



* * *

Ичгуча жоми ажал кўнгулумда ул соқи(й)дурур,
Тўлгуча паймонам ул соқи(й) била
боқи(й)дурур.

Бош кўтармон бодадин чун бор аёри ўртада,
Кўймон илгимдин¹ аёқ чун жилвагар
соқи(й)дурур.

Эгма қаддим айб қилма қоши ёлар ишқида,
Янги ойдек хам бўлур гар худ² фалак
тоқидурур.

Ул ҳилолнинг бирла хуришидинг сифоғин ёзвали
Мухтасардур³ филмасал⁴ гар чарх авроқидурур⁵.

Ишқ ила майдин⁶ кўнгулни тутмоғинг не
судким,
Дард нафъидур нечўкким, захр тарёқидурур⁷.

Турклар хатти насбинг бўлмаса, Бобур, не тонг⁸,
Бобурий хатти эмасдур, хатти сивноқи(й)дурур.

¹ Илик (Илиг) — қўл.

² Худ — худди, ўзи.

³ Мухтасар — қисқа.

⁴ Филмасал — гўё, масалан, фарёзан.

⁵ Авроқ — варақлар, саҳифалар.

⁶ Май — тасаввуф адабиётида илоҳий тажалли тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига гарқ бўлишни билдирди.

⁷ Тарёқ (Тарёк) — захрни дафъ қиладиган дори.

⁸ Не тонг — не ажаб.



* * *

Ёрдин озор кўнгул ум ичра беҳад бордур,
Эй хуш ул кўнгул, анга не ёру не озордур.

Йўқтурур гар ёр — йўқтур тоқату сабру шикеб¹,
Ёр агар бордур, жафою жавру меҳнат ёрдур.

Печа кўрсатсам вафою меҳр, эгар жавру жафо,
Печаким мен зормен, мендин ул ой безордур.

Кўзи² ҳажрида, юзи ёдида, сўзи шавқида³,
Хотирим афғору⁴ жиемим зору кўз хунбордур⁵.

Сенда, Бобур, йўқ гунаҳ, ёрнинг итоби⁶ кам эмас,
Ўкурмисиз⁷ доим итоб айлар — ажаб дилдордур.

¹ Шикеб — сабр, тоқат; ором, тинчлик.

² Кўз — қомил инсон тимасли. Чунки у фақат ўзгаларни кўради-ю, ўзини кўрмайди. Кўзини севини орқали илоҳий жамолни севини ифодаланади.

³ Шавқ — Ҳақ ва солиқ ўртасидаги яқинликнинг куча йиши, шиттеқ ва истак вазаботидан қалбнинг сурурга тўлини.

⁴ Афғор (Ф и г о р) — мажруҳ, эзилган, қамзада.

⁵ Хунбор — қон йиқловчи.

⁶ Итоб — маломат, таъна; қаҳр, вазаб. Тасаввуфда икки маънода келади: маъшуқанин ошиққа ва ошиқнинг ўз нафсига итоб айлаши.

⁷ Ўкурм — айб, гуноҳ.



* * *

Юзида ул лаби хандон кўрунур,
Сутга кўп боқса, балас, қон кўрунур.

Хатти мушкинимудурур гул юзида,
Ё суман¹ устида райҳон кўрунур?

Кўрмагай хотирини жамъ узга,
Кимга ул зулфи париншон кўрунур.

Ишқни эл не хаёл айлабдур,
Асру мушкилдурур — осон кўрунур.

Сарв буйлуқ санаминг, эй Бобур,
Рост айтай, сўзи ёлфон кўрунур.



¹ Суман — хушбуй оқ гул, ёмин.



* * *

Баҳор айёmidур, дови йиғитликнинг авонидур¹,
Кетур, соқий, шароби nobким², ишрат замонидур.

Ғаҳи саҳро узори³ лола шаклидин эрур гулгуи⁴,
Ғаҳи саҳни чаман гул чехрасидин аргуvонидур⁵.

Йна саҳни чаман бўлди мунаққаш⁶ ранга
гуллардин,
Магарким сунъининг⁷ наққошива ранг
имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони
Бобурнинг,
Ғарибингва тараҳҳум⁸ айлагилким, андижонидур.

¹ Авои — вақт, замон, мавсум.

² Nob — тоза, тиниқ, соф.

³ Узор — юз, чехра, жамол.

⁴ Гулгуи — гулранг, қизил.

⁵ Аргуvон — қизил гул; мажозан: қизил.

⁶ Мунаққаш — наққиланган, зийнатланган.

⁷ Сунъ — Худо.

⁸ Тараҳҳум — раҳм этиш, шафқат қилиш.



* * *

То узулди кўнглум ул ой қадидин
афсурдадур¹ —
Ким, узулган кунча гулнинг шохидин
пажмурдадур².

Кўксум ичра таҳ-батаҳ қонни бағир қилманг
хаёл —
Ким, анинг ишқин йўлида бир таҳ³ этган
гурдадур⁴.

Хусн кўрмас кўзларим, кўнглум дови ишқ
истамас,
Гўйёким кўзларимдур кўру кўнглум мурдадур.

Тан ҳижобинг⁵ рафъ⁶ қил, гар ёр васлин
истасанг,
Эй кўнгул, билким, арода ҳойил⁷ ушбу пардадур.

Борму эркин ишқ элинда, балки олам аҳлида
Мунча човлиғ ҳасрату андуҳким Бобурдадур?!

¹ Афсурда — эзилган, сўлғин, тушқун, вамгин, хаста.

² Пажмурда — эзилган, хаста.

³ Таҳ — тағ, наст.

⁴ Гурда — буйрак.

⁵ Ҳижоб — парда. Тасаввуфда Ҳақ ва банда, ошиқ ва маъшук ўртасидаги тусиқларга ишора қилинади.

⁶ Рафъ — юксалиш, кўтарилиш.

⁷ Ҳойил — тусиқ, монъелик қилувчи.



* * *

Сочнио қошию кўзидин бошта ҳаводур,
Не бошта ҳаво — ҳар бириси бошқа балодур¹.

Қош ёси била ул қора кўз ғамза ўқини
Ушшоқдин ўзга сориға отса хатодур.

Гар чин десангиз, кўзи онинг оҳуи Чиндур²,
Хаттини, хато қилмасангиз, мушки Хитодур³.

Эврулеам онинг бошиға, тошнурсам онга жон,
Жонимда ҳавас улдуру бошта бу ҳаводур.

Ишқ ичра ёшурғон юраким қонини, ваҳким,
Бу сели сиришким⁴ бори оламға ёёдур.

Бобур деса ойини, не тонг, жавру жафолуқ —
Ким, ҳусн эли ойини⁵, бале, жавру жафодур.

¹ Балo — офат, муқибат, имтиҳон. Суфийларга кўра, дўстнинг турфа балолар орқали имтиҳон қилини бандани унга яқинлаштиради. Балo набийларнинг таоминo валийларнинг либосидир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг марҳамат қилишларича, балонинг энг қаттиғи пайғамбарларга келади, кейин авлиёга, шундан сўн кишиларнинг даражасига қараб набвати билан.

² Ч и н — Хитой.

³ Му ш к — охулардан бир турининг киндигида ҳосил буладиган қора рангли хушбўй модда. Мушк берадиган охулар Хитой, Хутан ва Ҳиндистонда яшайди.

⁴ С и р и ш к — кўз ёши.

⁵ О й и н — расм, одат; йўл-йўриқ.



* * *

Чу дод¹ берди манга шоҳ юз умиди вафодур,
Не суд рашки ҳасудоки², дод доди Худодур!


Не тонг, қотида³ агар бўлса лаъту дур тошу
туфроқ —
Ки, маъдани караму жуду⁴ баҳри лутфу саҳодур.

Агарчи даҳр аламиндин тўқулди сели сиринким,
Валек шаҳ караминдин умидим асру тўлодур.

Язид⁵ элига не миқдор ғозийлар⁶ қотидаким,
Эл элдур асру юраксиз, бу хайл⁷ асру баҳодур.

Адоват оди, муҳаббат нишони қолғуча, Бобур,
Адув⁸ хайли Язиду муҳиб⁹ оли аבודур¹⁰.

¹ Дод — 1) арз, фарёд; 2) широк, адолат.
² Ҳасуд — ҳасадуй.
³ Қотида — қошида, ёнида.
⁴ Жуд — сахийлик, широм, эҳсон.
⁵ Язид — Умавия сулоласига мансуб араб халифаси.
⁶ Ғозий — ғазот қилувчи.
⁷ Хайл — 1) тўда, гуруҳ, тоифа; 2) эл, жамоя; 3) оила, аҳлу аёл.
⁸ Адув — душман, ёв, рақиб.
⁹ Муҳиб — дўст.
¹⁰ Оли або — Муҳаммад алайҳиссалом хонадони: пайгамбарнинг ўзи, кўеви Али, қизи Фотима, набиралари Ҳасан ва Ҳусайн.



* * *

Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир¹ қилибтур,
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибтур.

Мақдур² боринча қилурам саъйи висолнинг,
То Тенгрини, билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир³ қилибтур?

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул оқдим,
Не судки, бу ер мени дилгир⁴ қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ — ўлмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир⁵ қилибтур.



¹ Пир — қари, кекса.

² Мақдур — қувват, имконият.

³ Санбалу Татйир — Ҳиндистондаги жойлар номи.

⁴ Дилгир — юракни сиқадиған, ғамгин.

⁵ Тақсир — суетлик.



* * *

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.


Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парисен —
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағер кўз олидаю ул ёр аён йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чаманида,
Кўзни юмуб-очқунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди — ёрлиғ этгил,
Оламда кинига йўқ эса ёр топилмас.





* * *

Күй, эй оқил, насихат сўзларинким, дилнисанд
эрмас,
Менинг девона кўнглумга насихат судманд¹
эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафй², эй оқил,
Агарчи телбадур, бори сенингдек худнисанд³
эрмас.

Қилурсен талх⁴ айшим комини бехуда
сўзлардин,
Саросар⁵ сўзларинг захредур, эй носихки⁶, панд
эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Жаҳонда кўн гадо гарчи лавандатворлиқ⁷
бордур,
Ва лекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳ лаванд
эрмас.

¹ Судманд — фойдали.

² Нафй — рад этиш, инкор қилиш.


³ Худнисанд — худбин, мутакаббир.

⁴ Талх — аччиқ.

⁵ Саросар — бошдан-оёқ; ҳаммаси, тўла.

⁶ Носих — насихатқўй.

⁷ Лавандатвор — бушангтабиат, ялқов феълли.



* * *

Ул ойнинг иттифоқи нифоқиға арзимас,
Айёми васли шони фироқиға арзимас.

Бу даҳр ичра бистари роҳат тиларни қўй,
Ул фарш чун бу кўҳна равоқиға арзимас.

Айшеки ўтти — ўзга ани зикр айлама,
Ҳар ниманки йитти — суроқиға арзимас.

Қилмоқ умиду бийм¹ ила хидмат шаҳ олида,
Дарбонининг² сўкунчу таёқиға арзимас.

Бобур, висолни не тиларсен, чу ҳажр бор,
Бир лаҳза айши меҳнати боқи(й)ға арзимас.



¹ Бийм — хавф, хатар, ваҳима, қўрқинч, таҳлика.

² Дарбон — эшикоға, посбон.



* * *

Олди кўнгулмни, соғиндимким¹, манга дилдор эмиш,
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч, кўрдум ул шамшод қаддин юз баю,
Оллоҳ-Оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш!

Илтифот этмаслигин бозий² хаёл айлар эдим,
Эмди билдимким, анга мендин бу янглиф ор эмиш.

Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чорас,
Чун ўзи — қотил, сўзи — муҳлик, кўзи —
хунхор³ эмиш.

Хусн аҳли, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг
Кўнлини соҳлар эмиш, ҳар кимгаким, дилдор
эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не, яъни мунча ғам,
Хусн аҳли, чунки, Бобур, дунёда бисёр эмиш.

¹ Соғинмоқ — бу ерда: ўйламоқ, ҳисобламоқ.

² Бозий — алдов, фириб, ҳийла.

³ Хунхор — қон тўкувчи.



* * *

Неча даврон қуссаи бўлмай менинг жонимга хос,
Қонки ўлсам, доғи бу қуссадин бўлсам халос!

Оҳу вовайло¹ — сурудум², дарду ғам —
Ҳамсуҳбатим,
Бода — анким қони, ким кўрди мунингдек базми
хос?

Ғар шикастим³ бўлса сует ағёрдин, таън
Этмангиз —
Ким, шикастига сабаб олимоснинг бордур расос⁴.

Ошиқ ўлғоч, беҳуд⁵ девона бўлдум, билмадим —
Ким, парирухсоралар ишқига бу эрмин хавос⁶.

Хубларини⁷ кўз кўруб, қон қилди Бобур бағрини,
Эмди кўздин қон тўкарменким, будур анга қасос.

¹ Вовайло — афеус, атташ, эй вай.

² Суруд — қўшиқ, ашула, оҳанг.

³ Шикаст — сениқ, мажруҳ, сенилиш, мардубият.

⁴ Расос — қалайи.

⁵ Беҳуд — ўзидан беҳабар. Сукр ва ошиқлик мақоми.

⁶ Хавос — 1) хосиятлар, хусусиятлар; 2) хос кишилар, улуғ зотлар.

⁷ Хўб — 1) ихти; 2) гўзал; 3) афзал.



* * *

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин
яхшилир?

Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин
яхшилир!

Гар замонни нафӣ қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилир!

Дилрабоблардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгулма,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилир.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру
кўп,
Эмди кўз тутмақ не, яъни ҳар ямондин яхшилир?

Бори элга яхшилир қилвилки, мундин яхши
йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин
яхшилир!

Яхшилир аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин
яхшилир?!



* * *

Сўрма ҳолимники, бўлдум бурноғидин¹ зорроқ,
Жием жондин зору жоним жиемдин афгорроқ.

Банда тақрир² айлай олмон банд-бандим
дардини,
Юз темур банд ўлса, ондин бу эрур дунворроқ.

Масту бехудлуқ била умрунгни ўткардинг,
дарир³,
Эй қўнғул, мундин бери бўл бир нима ҳушёрроқ.

Ғафлат уйқусидин уйғон — гар тилар бўлсанг
мурод —
Ким, етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

Ўлгали еттим, менинг жоним ғамин е, эй рафиқ,
Даҳр аро чун йўқ киши сендин манга
ғамхорроқ.

Келмас ўхшар заҳматинг ислоҳга, Бобур, магар,
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг тақи⁴ беморроқ.

¹ Бурноғи — олдинги, аввалги.

² Тақрир — бу ерда: баён қилиш, сўзлаш.

³ Дарир — афсус, надомат.

⁴ Тақи — яна, тагин.



* * *

Ёр юзумни кўруб, дарду вимим билса керак,
Юз кўруб, дарду вимим чорасини қилса керак.

Эй сабо, жону кўнгулни ўзининг чун қилди,
Кўнгли бирла дегасен, жони учун келса керак.

Васлини не қилайин — вайрдин айрилмади ҳеч,
Ёр васли менга, у авердин айрилса керак.

Васлининг қадрини чун билмади бу телба кўнгул,
Ҳажрининг тиви онинг юрагини тилса керак.

Шукр, Бобурни билтурмен, деган эрмин ул ой,
Ложарам, бандаларин шоҳлари билса керак.





* * *

Бир пари мен телбани ҳуснига мойил қилғудек,
Кўзум ичра ер тутуб, кўнглумда манзил қилғудек.

Кўнглуму кўзум юзига волаю¹ ҳайрон бўлуб,
Йошима юз минг вamu меҳнатни ҳосил қилғудек.

Потавон кўнглумга ишқи қайғуни келтурғудек,
Айну ишратни кўнгулдин қайғу зойил қилғудек.

Қилмади Фарҳоду Мажнун ўзин расво мен
киби —
Ким, бу навъ иш — иш эмастур ҳеч оқил
қилғудек.

Ул пари ишқида Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ,
Ишқ атвори²ни ишқ аҳлига мушқил қилғудек.



¹ Вола — мафтун, шайдо.

² Атвор — бу ерда: йўл; расм, одат.



* * *

Чиқса қуёш фалакка, сен отқа чиққаниндек,
Бўлмайму ул сениндек, ул бири тавсаниндек?¹

Кўксумни чулки ёрдинг, киргил кўнгулаким,
Ул ёра² энигиндек, кўз анда равзаниндек³.
бор —

Гар сийм⁴ барги гулни қилса либос ўзига,
Бўлмайму, эй гуландом, кўнлақ билан таниндек?

Ул ёр ҳазратинда⁵ бисёр яхшидур байр,
Мен ҳам ямон эмон⁶, дек, яхши эмон аниндек.

Даъвийи ишқ этиб, байр, Бобурни айб қилма —
Ким, мен эдим сениндек, сен бўласен
мениндек.



¹ Тавсан — ўиноқи, шўх, ясов арғумоқ.

² Ёра — яра, жароҳат, яхм.

³ Равзан — туйнук, дарча, тешик.

⁴ Сийм — кумуш; мажозан: пул, таंगा; оқлик, оқ бадан.
Ҳазратинда — ҳузуринда, даргоҳинда.

⁶ Эмон — эмасман.



* * *

Ўзини, кўнгүл, айиш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айишу тараб¹ гулбунига² сув бериб,
Бўсса ниҳолини қурутмоқ керак.

Тийрадурур³ зухд дамидин кўнгүл,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимаға вам ема — вам кўнтурур,
Айиш била ўзни овутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгүл,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.



¹ Тараб — шодлик, хурсандчилик, айишу ишрат.

² Гулбун — гул, гул туши.

³ Тийра — 1) қора, қоронғи; 2) хира, нурсиз; 3) қайғули.



* * *

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,
Шикаста¹ кўнгулма эрмин қаро бало сочинг.

Бошимга чиқти тутун рашкдин қора сочдин,
Аёққа тушгани, эй сарви ноз, то сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли²,
Нисори³ ашкни эмди бу кун манго сочинг!

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобуршиш,
Не айб, агар деса дилбанду⁴ дилкушо⁵ сочинг!



¹ Шикаста — мажруҳ, ожиз.

² Жунун аҳли — телбалар, девоналар, ошиқлар.

³ Нисор — сочиш; баришланиш.

⁴ Дилбанд — дилни боқувчи.

⁵ Дилкушо — дилни очувчи.



* * *

Ултурур гарчи мени гуфторинг¹,
Тиргузур ул лаби шакарборинг².

Куйдурур ҳасратида мени, нетай,
Отанин гулдек ики рухсоринг.

Эй кўнгул, яхши ики дунёдин
Бир назар қилса санга дилдоринг!

Хор кўрма вамин ул ойнингким,
Будурур фурқатида вамхоринг.

Қилди то гул юзида зоҳир хат,
Бобуро, бўлди хати безоринг.

Хираду сабр келиб албатта,
Ишқидин эмди мени қутқоринг!



¹ Гуфтор — сўз, нутқ, баён.

² Шакарбор — шакар ёддирувчи, ширинсўз.



* * *

Олида гўйин¹ кўрунг, илгида чавгонинг² кўрунг,
Юзида зулфи била гўйи занахдонин кўрунг!

Секретиб елдурганида тавсаниға кўз солинг,
Ёйқолиб³ йўл юруса, сарви хиромонин кўрунг!

Ул пари майдон аро жавлонда юз минг поз⁴ ила,
Орқасида юз менингдек зору ҳайронин кўрунг.

Ишқида жонни маломат ўқира қилманг ҳадаф⁵,
Қошининг ёсини кўзланг, тийри мужгонинг⁶ кўрунг!

Дерки, Бобур, илтифот айлай санга етган замон,
Менга етгач, қошида юз чину ёлвонин кўрунг.



¹ Гўй — чавгон (от туни) ўйинида ўйналадиган тўп.

² Чавгон — от туни ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ.

³ Ёйқолиб — чайқалиб, солланиб.

⁴ Поз — маъшуқанинг ошиққа илтифот қилиши, ишқ йўлида куч баришланиши.

⁵ Ҳадаф — нишон.

⁶ Мужгон — киприк, мижжа. Маъшуқанинг нозу караш маси туфайли ошиқнинг куксига санчилиб, уни яралайдиган уқ, найза, ханжар кўзда гутилади. Солиқнинг валояти, ҳоли ва маргабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.



* * *

Қайси бир озорин айтай жонима авёрнинг?
Қайси бир овритқонин кўнелумни дей дилдорнинг?

Қайси бир бераҳливини¹ толеи гумроҳнинг?
Қайси бир кажравливини² чархи
кажрафторнинг?³

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг?
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати
хунхорнинг?

Гурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарин кўй.
Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрининг.

Бобур, ул гул жавр этар, авёрдин не яхшилик?
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ, не бўлмай хорнинг?



¹ Бераҳ — йўлсиз, йўлини йўқотган, гумроҳ.

² Кажрав — тескари юрувчи, чаппа айланувчи; мажозан: маккор, ҳийлагар.

³ Кажрафтор — эгри юрувчи; мажозан: маккор, ҳийлагар. Чархи — кажрафтор — тескари айланувчи фалак.



* * *

Кимки, бўлмай сен киби оламда дилдори анинг,
Ҳар қаён азм айласа, бўлмай Худо ёри анинг!

Кўйиндин мен азм эгармен — қолғудектур
Хотиримни сахласа, Тенгри ниғаҳдори¹ анинг!

Келдим эрса, келмади ҳаргиз анинг кўнглига раҳм,
Бордим, аммо бормади кўнглумдин озори анинг.

Ул қуёшдин не асир чекмак жафою жаврким,
Майли йўқтур заррае меҳру вафо сори анинг.

Бормай эрдим бош ила кўйига, найлай, Бобуро,
Ҳар қачон борсам эшигига, келур ори анинг.



¹ Ниғаҳдор — паноҳ, посбон.



* * *

Телба кўнглумким, сенинг чангингдадур, ёд
айлагил,
Бир навозини¹ бирла кўнглумни менинг шод
айлагил!

Ишрат ичра ҳар қачонким, чанг олсанг илгинга,
Фурқатингда қолвон эгри қоматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишотангез² чанг, эй дилрабо,
Бенаво³ кўнглумни ҳам чангидин озод айлагил.

Мажлис ичра чанг бирла тортиб овоз, эй пари,
Сабру ҳушим жузву⁴ авроқини барбод айлагил!

Чангда ҳар кун чолур ёринг чу йўқтур, Бобуро,
Ерга бош чалмоқ била ўзунгни муътод айлагил



¹ Навозин — илтифот, шафқат.

² Нишотангез — хурсандчилик бағишловчи.

³ Бенаво — қариб, нотавон, маҳрум.

⁴ Жузв — булак, қисм. Жузву авроқ — бутуну булак;
мажозан: бору йўқ.



* * *

Не фикреким, сенинг фикринг эмас — ул фикр
эрур ботил,
Не умреким, утар сенсиз — эрур ул умр беҳосил!

Таолаллоҳ¹, не кузу қошдурурким, ҳар қачон
кўрсам,
Ғаҳи кўнгелум бўлур беҳуд, ғаҳи ақлим бўлур
зойил².

Ҷафою жавр тавридин³ эрусен асру кўн
воқиф,
Вафою меҳр расмидин бўлурсен асру кўн вофил.

Кўёш янглиғ юзунга мендурурмен волаю
ҳайрон,
Янги ойдек қошингга мендурурмен ошиқу
мойил.

Кечурдунг ою йилни масту беҳудлуқ била, Бобур,
Неча вафлат била умр уткарусен, неча кун
ойил!⁴

¹ Таолаллоҳ — энг улур ва олий Оллоҳ.

² Зойил — йўқолувчи, йўқ бўлувчи.

³ Тавр — 1) усул, одат; 2) йўл, тартиб, равиш.

⁴ Ойилмоқ — ўзига келмоқ.



* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор¹ топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор² кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук³ кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати билла хўй⁴ этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Бори борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Печакни бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.



¹ Асрор — сирлар.

² Дилафгор — дили хаста, кўнгли вайрон.

³ Усрук — маст, сархуш.

⁴ Хўй — одат, феъл, характер, табиат.



* * *

Сенинг ишқингда, эй номехрибон, бехонумон¹
бўлдум,
Демон бехонумон, оворай икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса², нечук жон элта
олвайман,
Бу йўлдаким, адам³ саҳросиға эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин, өззининг рамзини англадим,
Бир өзиз сўз биле, кўрунгики, мунча хурдадон⁴
бўлдум.

Нечаким, қонин ёлар ишқиде тузлукни⁵
кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқларива-ўқ нишон
бўлдум.

Қулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достонива,
Бу Шириндурки, онинг бирла-ўқ ҳамдустон
бўлдум.

Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби, не
тонг —
Ки, ҳажринг меҳнатида асеру зору нотавон бўлдум.

¹ Бехонумон — уй-жойсиз, бечора, сарсон-саргардон.

² Бўса — ботиний файз ва жазба маъносида келади.

³ Адам — йўқлик.

⁴ Хурдадон — билимдон, позикфаҳм, заковатли.

⁵ Тузлук — тўғрилиқ, ҳалослик.



* * *

Хазон яфрони янглиф гул юзунг ҳажрида
сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чехран
зардим¹.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни² сарвдек
ҳаргиз,
Аёвнингга гушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу³ хуррам
қол,
Мен арчи⁴ даҳр бовидин хазон яфровидек
бордим.

Хазондек қон ёшим, сорив юзумдин эл
танаффулда⁵,
Ба ҳар ранге⁶, биҳамдиллаҳ⁷, ултусдин ўзини
қутқордим.

¹ Зард — сариқ, сарғайган.

² Саркаш — уждар, итоатсиз; эрка ёр, севиқли машуқ.

³ Сабз — яшил, яшил ранг.

⁴ Арчи — гарчи, агарчи, шундай бўлса-да.

⁵ Танаффур — нафратланиш, жирканиш.

⁶ Ба ҳар ранге — ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, бир илож қилиб.

⁷ Биҳамдиллаҳ — Худога шукр.



Не толейдур мангаким, ахтари¹ бахтим
топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек
ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур,
баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.



¹ Ахтар — юдуз.



* * *

Оёғин ўпсам, етишгай арш тоғига бошим,
Даст¹ бергай давлатим, гар тутса илгим
маҳвашим.

Қўймоғумдур этагинг кетсам иликдин ҳар неча,
Бормоғумдур остонингдин агар борса бошим.

Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қариғум ишқида,
Ўлганим яхши бу навъ ар ўтса эликдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тоғига ёзвасиз,
Токи бирдек бўлмай ул ой ишқида ичу тошим.

Ёр ити, қичқирма гар Бобур деса ҳолин санга,
Найлайин, бу ғурбат ичра сендин ўзга йўқ
кишим.



¹ Даст — қўл. Даст бермоқ — ҳосил бўлмоқ, иш ўшидан келмоқ.



* * *

Гурбату ҳижронга қолдим, оҳ, ул жон илгидин,
Ҷонга етгим эмди гурбат бирла ҳижрон
илгидин.

Кўрсатур гаҳ тифу гаҳ ўқ — ҳолатимни
билмайин,
Не баюлар кўрадурмен ёри нодон илгидин.

Эл фиронимдин бажону¹ мей бу жондин, эй ажал,
Қил халос элнию мени жону афрон² илгидин.


Бобур, ул ой ҳажрида ишини басе³ дунвор эди,
Шукрим, қутқарди ўлум сени осон илгидин.



¹ Ба жон — бу ерда: жонидан гўйган маъносда.

² Афрон — фиронлар, фареллар, ноалар.

³ Басе — кўп, бениҳоя, шу қадар, воят.



* * *

Яна кўз уйида маъво қилибсен,
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Яна савдон зулфундин, нигоро,
Мени ошуфтаю шайдо қилибсен.

Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,
Ўзингни мунча бепарво қилибсен?!

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшунуб, эй баҳри алтоф¹,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Соғинмас жаннат ул-маъвони² Бобур,
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.



¹ Алтоф — лутфлар, марҳаматлар.

² Жаннат ул-маъво — бижинт.



* * *

Не вафо умрумда ул жону жаҳондин кўргамен,
Ким вафо жондин кўрубтурким, мен ондин
кўргамен?!

Кўз йўлидин ул пари ҳуснин назар айлар эдим,
Қон ёшим ул йўлни тутти, эмди қондин
кўргамен?!

Ё Раб, ул қун шум толасъдин манга бўлваймуким,
Жонима ором ул оромижондин кўргамен?


Кўз кўрар, лекин солур мени балова бу кўнгул,
Бу балони печачашми¹ хунфишондин²
кўргамен.

Баргараф қилвил вафо истарни элдин, Бобуро,
Ул валадтурким, вафо аҳли жаҳондин кўргамен.



¹ Чашм — кўз.

² Хунфишон — қон тўқувчи



* * *

Такаллауф ҳар неча суратда бўлса, ондин
ортуқсен!
Сени жон дерлар, аммо бетакаллауф жондин
ортуқсен!

Парининг ҳусн ичра гарчи оти бениҳоятдур,
Мени девоиа қошимда ва лекин ондин ортуқсен!

Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,
Сени таъриф этар, лекин сифат қилгондин
ортуқсен!

Қадам ранжида қил кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин
ортуқсен!

Иқомат¹ чунки қилдинг, Бобуро, ул ҳур кўида,
Мақоминг равзанинг² авло³, ўзунг ризвондин⁴
ортуқсен!

¹ Иқомат — 1) яшан, истиқомат қилиш; 2) бир жонди гуриш, муқим булиш.

² Равза — 1) бот; 2) жаннат.

³ Авло — яхши, афвал.

⁴ Ризвон — саккиз жаннатнинг бири.



* * *

Бу янглиғ билсам эрди ҳажрнинг муҳлик қаро
шомин,
Берурму эрдим ўлгунча иликдин васл айёмин?!


Ҳаҳонда айишу ишратдин кўнгул ором топқайму,
Киши то кўрмагунча ёнида маҳван дилоромин?

Кўнгулда ҳасрати ул ойнинг өззининг чу
беҳаддур,
Кўнгул гўёки мундиндур тутубтур ғунча
андомин.

Масиҳ анфоси¹ янглиғ жон берур фарсуда
жисмимға,
Сабо келтурса ногаҳ ҳажр аро ул ёр пайғомин.

Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни ҳуш кечур,
Бобур,
На учунким, келур дамға бўла олмас киши
зомин.

¹ Анфос — дамлар, нафаслар. Масиҳ анфоси — Исо Масиҳ нафаслари, яъни жонбахш, ҳаёт бағишловчи.



* * *

Сўзлаб ул лаъли шакархони¹ шакаррез² этасен,
Очиб ул зулфи сумансони³ диловез⁴ этасен.

Гаҳ қошинг секретибу гоҳ кўзунг ўинатиб,
Не бало фитна менинг жонима ангез⁵ этасен.

Сув киби тиринг чекиб, тунд самандингни миниб,
Елдуруб ҳар сорива, менинг ўтум тез этасен.

Кўзларинг ҳажрида бемормену боқмайсен манга,
Мени овриққа магар ёққали парҳез этасен?

Ҳажр шои меҳнатидин қутула олмай чу сен,
Бобуро, ҳар нечаким ўзни саҳархез⁶ этасен.



¹ Шакархо — шакар нимиган, ширинсўз. Лаъли шакархо — маҳбубанинг ширин лаби.

² Шакаррез — шакар ёддирувчи; мажозан: ширин ва латиф сўзловчи.

³ Сумансо — суманга ўхшаган; мажозан: хушбўй, муаттар.

⁴ Диловез — ёқимли, дилни жалб қилувчи.

⁵ Ангез — қасд, хоҳиш, интиҳил.

⁶ Саҳархез — эрта турувчи.



* * *

Хуршид юзунг бирла бу кун, эй маҳи¹ тобон²,
Даъво гар эгар бӯлғуси кун, сўнгра нушаймон.

Сен гул киби то вамзадасен ҳуснунга маррур,
Булбул киби мен вамзадамен ҳуснунга ҳайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале, лолан худрӯй³,
Тор оқзинг эрур ғунча, вале, ғунчан хандон.

Гоҳи қуловинг тўлвади, гаҳ юзунга келди,
Зулфунгни йиғиштирки, басе бӯлди паринон.

Чун бӯлди сочи торива жон рингтаси пайванд,
Бобур, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон?!



¹ Маҳ (Моҳ) — ой.

² Тобон — порлоқ, ёрқин.

³ Худрӯй — ўзича ўстан, ёввойи.



* * *

Қаду хатинг билә күзу юзунг, эй сарви
сыйминган¹,
Бири сарву бири райхон, бири наргис, бири
гушан.

Хадисе лаълу рафтору² жамолингдин эрур ҳар
дам
Тилим гус, сўзум рангин³, кўнгул хуррам, кўзум
равшан.

Мени мадҳушу⁴ мискин, найлаий, ул шўхи бало
бирла,
Мен асру бедилу бехуд, ул асру пурдилу⁵
пурфан⁶.

Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин
Чекармен нолаю афюн, қилурмен гиряю⁷
шеван⁸.

Балон ишқу ёлғузлуқ, дави ҳижрону нурбатда
Отим — Мажнун, кишим — меҳнат, ишим —
зори, ерим — гулхан.

¹ Сийминган — кумуш таши, оқбадан, гўзал.

² Рафтор — юриш.

³ Рангин — ранг-баранг, гўзал, дилкан, ёқимли.


⁴ Мадҳуш — беҳод, паршон, ўзини йўқотган.

⁵ Пурдил — кўнгли тўқ, ўзига ишонсан.

⁶ Пурфан — маккор, ҳийлагар.

⁷ Гиря — йири.

⁸ Шеван — нола, зори.



Ўқун бирла хаёлинг, дардингу меҳринга
Бобурдек,
Таним — манзил, кўзум — маскан, кўкус¹ —
маъво, кўнгул — маҳзан².



¹ Кўкус — кўкс.

² Маҳзан — хазина.



* * *

Ишқ элининг оҳидин ул сарв қад ҳам бўлмасун,
Ғам елидин ул муанбар¹ зулф дарҳам² бўлмасун.

Қўн жафою жавр кўрдук, эй қуёш, ҳажринг қуни,
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун!

Даҳри дундин тегмасун озор позик жиеминга,
Даҳр аҳлидин муборақ кўнлунга вам бўлмасун.

Олам аҳли бирла оламдин манга сенсен фараз³,
Зоти покнинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун!

Ғар ҳаводорим⁴ эрурсан, эй сабо, арз айлаким,
Ул юзи гул сарв ҳар хас бирла ҳамдам бўлмасун.

Ғарчи ошиқ лозими оламда расволиқтурур,
Ишқ аро Бобур киби расвои олам бўлмасун!



¹ Муанбар — хушбуй, муаттар.

² Дарҳам — сочилган, ёзилган, паринион бўлган.

³ Фараз — мақсад, ният, муддао.

⁴ Ҳаводор — тарафдор, хайрихоҳ, мухлис.



* * *

Қуёшим ҳар сорифа азм қилса, заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам ондин, кун кўра
Олмон.

Онингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ
Юзунгаким,
Қуёшдек найзалар тегса кўзумга, кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон кўнгулмга ўт солди,
Вале, мен нотавон ул ёр ишқида кўнгул солмон.

Ибодат вақти бўлса, ҳар неча меҳроб ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қилмагунча ерга бош
Чолмон¹.

Ироқу Форс² гар етса, сенинг бу шеъринг, эй
Бобур,
Ани ҳифз этгуси³ Ҳофиз⁴, мусаллам тутқуси⁵
Салмон⁶.

¹ Чолмоқ — бу ерда: қўймоқ, урмоқ.

² Форс — ҳозирги Эроннинг жанубий қисми бўлиб, шарқдан — Кирмон, ғарбдан — Хузистон, шимолдан — Хурожон ва жанубдан денгиз билан четараланган мамлакат.

³ Ҳифз этиш — ёдлаш, эда сақлаш.

⁴ Ҳофиз — лисон ул-вайб номи билан машҳур форс-тожик шоири Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерокий (1326—1389).

⁵ Мусаллам тутиш — бу ерда: тан бериш, эътироф этиш.

⁶ Салмон — машҳур форс-тожик шоири Салмон Соважий (1300—1376).



* * *

Менинг кўнглумни ҳар дам оғритиб, парвое
қилмайсен,
Сен, эй бедард, найлайким, кўнгул дардини
билмайсен.

Не билгайсен менинг дарду ғамим ҳар соату ҳар
дам —
Ки, ҳусн усруклугидин ою йил, эй ой, ойилмайсен.

Вафо мактуби бирла ғамза ўқин ҳеч ёзмайсен,
Жафо расмию жавр ойинини ҳаргиз
ёнгилмайсен.

Қотилма, ишқ эли ҳолин чу билмассен, манга, эй
шайх,
Не билгайсенки, ҳаргиз бу жамоатқа
қотилмайсен.

Бўлубтур ишқинг ичра гарчи хасдек жисми
Бобурнинг,
Вале, не фойдаким, хасча човлиқ кўзга илмайсен.





* * *

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин
эпитгаймен,
Не кун булвай, висолингга мени дилхаста
етгаймен!

Тараххум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,
Хуш улким, оразингни¹ кўрмамен, сўзунг
эпитгаймен!

Итингдурмен, сочинг запжирини буйнумга
маҳкам қил —
Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки,
йитгаймен.

Тараххум қилмасанг ё боқмай, истиғно² била
утсанг,
Тазарруъ³ қилвамен ё йиглаваймен — ўзга
нетгаймен?!

Муяссар булмаса бошимни қўймоғлиг аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!

¹ Ораз — юз, чехра.

² Истиғно — бу ерда: поз-каранма; ғурур.

³ Тазарруъ — ёлворини, ялиниш, тавба қилиш.



* * *

Бу кеча қулбамға келди ул қуёшим ёшурун,
Қариларда¹ келмади ҳаргиз мунигдек кечқурун.

Овзидек тор фурқати васли, вале, ҳажри туни
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қоронғу, ҳам узун.

То хаёли оразинг тунги кўнгулга, эй қуёш,
Бўлди кўнглум бир ёнар ўту сўнгаларим — ўтун.

Бўлди кўнглумда гириҳ² ҳасрат ўти тор овзидин,
Бор магар жисмим менинг тору кўнгул анда
туғун.

Олвали жонимни ҳижронға ҳавола қилди ёр,
Қўйма ҳижронға, ажал, жонимни ол, Тенгри учун!

Сарвдек қадди фироқида фиконимдур балаид,
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур долагун³.

Ишқ ила девоналида бўлмишам соҳибкамол,
Ишқ аҳли, эмди Бобурни дегайсиз зуфунун⁴.

¹ Қари — аср, давр.

² Гириҳ — туғун, чигил.

³ Долагун — доларан, қизил.

⁴ Зуфунун — билимдон, донишманд.



* * *

Шохи гулу настаран¹ ёд берур буйидин,
Атрни мушки Хўтан касб қилур мўйидин.

Гул — юзидин мунфанл², сарв — қаддидин
хижил,
Ранг олур мутгасил лолаю гул рўйидин³.

Жонва қилур юз ситам, кўнглума юз онча ҳам,
Кўз оқизур жўйи⁴ вам шўхи баложўйидин⁵.

Равзага гар етгамен, онсиз ани нетгамен?
Мумкин эмас кетгамен ул қаро кўз кўйидин.

Гарчи қилур юз карам, васли этар мухтарам,
Лек, баса, қўрқарам, Бобур, онинг хўйидин.



¹ Настаран — оқ ёки қизил тусли хушбўй ва гўзал гул.

² Мунфанл — хижил.

³ Рўй — юз.

⁴ Жўй — ариқ, оқар сув.

⁵ Бало жўй — бало иловчи.



* * *

Қаёнға борсанг, итингмен, ўзумни сткуройин,
Етишмасам санга, боқиб дуо қилиб хуройин.

Юзум бўсаганга сурсам — не яхши айшдурур,
Иноят эт, эшигингда бу айшни суройин.

Фироқинг ичра йиғидин нечук йиғай ўзни,
Ёшим бош урди жаҳонға, не навъ ёшуройин.

Неча тавофул этиб, менга боқмай юрар ул,
Печа тазарруъ этиб, мен анга боқиб туройин.

Қуёшға зарра назар солмағай севунмакдин,
Қутулса вам тунидин, кўрса ёна Бобур ойин.





* * *

Неча ҳусн аҳлидин, маҳзун кўнгул, озор
тонқайсен?

Неча гулчеҳралардин бағринг ичра хор
тонқайсен?

Неча ишқу фироқу раҳмсиз авёр илгидин
Узунги хору жонни зору кўз хунбор тонқайсен?


Неча мақдур боринча анинг ройича борғайсен?
Неча борвои сойи узунги бемиқдор тонқайсен?

Танимға нечаким наззора¹ қилсанг, дов
кўргайсен,
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг, озор тонқайсен.

Бу маҳванларға кўнгулунг бермавилким, асрай
олмастар,
Кўнгулни асравил, булғайки, бир дилдор
тонқайсен.



¹ Наззора — қараш, назар солиш.



* * *

Хатини била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон,
Бири — бинафша, бири — ёсуман, бири —
райхон.

Такалдум¹ айларида тилию тишию лаби,
Бири — ақиқу² бири — инжую³ бири —
маржон.

Кўнгулни зору мени хору тани тор этган
Бири — жафою бири — гурбату бири —
ҳижрон.

Тану кўнгул била кўз васлу нозу ҳусни учун
Бири — харобу бири — волаю бири — ҳайрон.

Тамоми умрида Бобурға уч сўз айтибтур:
Бири — сўкунчу бири — қаттиқу бири — ёлгон.



¹ Такалдум — сўз, нутқ.

² Ақиқ — қизил рангли қимматбаҳо тош.

³ Инжу — дур, марварид.



* * *

Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон
қилғасен?

Хотиримни неча зулфунгдек паришон қилғасен?

Неча еткургайсен эл бошини кўкка меҳр ила,
Неча мени жаврдин ер бирла яқсон қилғасен?

Қўнғлума дашному таънинг улча мақдур этғасен,
Жонима бедоду зулмунг улча имкон қилғасен.

Манга бормоқ мушкилу келмак санга осондурур,
Ушбу мушкилни манга, ё Раб, сен осон қилғасен.

Демагай аҳсанг¹ лафзин, Бобур, ул ёринг сенинг,
Нечаким Ҳассон² киби ўзни суҳандон³ қилғасен.



¹ Аҳсанг — нидо калимаси: офарин, бадди, қойил.

² Ҳассон — Муҳаммад алайҳиссалом даврида яшаган машҳур араб шоири Ҳассон ибн Собит (563—674).

³ Суҳандон — суз устаси, шоир, адиб.



* * *

Бу вамдаменки, ишим фикрини не навъ этайин?
Не ерда сокин ўлай, не қилай, қаён кетайин?

Не дайрдин¹ эшигим очилур, не масжидгин,
Неча эшикдин эшикка гадо киби етайин?

Жаҳон эли била гуфту шунуд² қилмасмен,
Неча сўзумни дейин, неча қаттиқ эшитайин?

.....³
Ўзумни куч била бу данг⁴ элга не қотайин?

Дема не бўлди ишинг, фикр қилвил, эй Бобур,
Не бўлса, ул бўлур эркин ишим, не фикр этайин?



¹ Дайр — оташнарактлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Суфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва яъни аҳадиятдан ҳузурланишни билдиради.

² Гуфту шунуд — гапланиш, баҳс, мунозара.

³ Бу мисра қулёзмада учиб кетган.

⁴ Данг — ҳайрон, гаранг, онгиз.



* * *

Ғайрға неча вафо қилвайсен?
Жонима неча жафо қилвайсен?

Бехато элга отиб рамза ўқин,
Бизга етганда хато қилвайсен.

Кўрмагайсен аламу дард юзин,
Дардима, эйки, даво қилвайсен!

Тиларам сарви равонинг равишин,
Тилагим, кош, раво қилвайсен.

Бобур, ул умр сени сўккан учун,
Умр боришча дуо қилвайсен.





* * *

Сендин нафасе мурод топмон,
Ишқингда кўнгулни шод топмон.

Ишқ аҳлиға илтифот кўрмон,
Хусн аҳлида эътиқод топмон.

Қилсам санга ҳар неча тазаллум¹,
Фарёду фиғонки, дод топмон!

Фарёдки, дерга ишқ розин,
Бир кишини эътимод² топмон.

Қошинг вами шарҳини ёзарға
Кўз қорасидек мидод³ топмон.

Мен банда жуз⁴ инқиёд⁵ билмон,
Сен шоҳда жуз инод⁶ топмон.



¹ Тазаллум — шикоят.


² Эътимод — суялч, таянч.

³ Мидод — сиёҳ.

⁴ Жуз — бўлак, бошқа.

⁵ Инқиёд — бўйсунуш, тобеъ бўлиш.

⁶ Инод — қайсарлик, қасдма-қасдлик.



* * *

Хуш улки, ёна муборак юзунгни кўргаймен,
Юзум била қадамниг гардини сушургаймен.

Демаки, жавр келур санга ёр кўрмактин,
Мени не кўрқутасен, ҳар не келса кўргаймен.

Гаҳи жафою гаҳи жавр этиб юз эвруласен,
Мен ул эмонки, булар бирла юз эвургаймен.


Неча фироқ хумори аро азоб чекай,
Қачон висол майидин даме усургаймен?¹

Фироқ ўтида овунсам чоғир била, не ажаб,
Магар бу сув била ул шуълани ўчургаймен.

Демиш меники игим, Хайркулпанда кўргумдур,
Печа бу ваъда била, Бобуро, югургаймен.



¹ Усурмоқ — маст бўлмоқ.



* * *

Келки, сенсиз тобакай¹ мақтаули² ҳижрон
бўлмамен?

Чорас қилким, сенинг оллингда қурбон бўлмамен!

Эй хуш улким, турвасен келиб кўзум утрусид,
Мен тикиб икки кўзум юзунга, ҳайрон
бўлмамен.

Неча сенсиз дарду ғам бўлвай менинг кўнгулда
жамъ,

Неча зулфунг иштиёқидин паршон бўлмамен?

Кўюнг ичра гар сақар³ бўлса, мақар⁴ жаннатча
бор,

Жаннат ўлса гар макон,⁵ сенсиз не имкон
бўлмамен?!




¹ Тобакай — қачонгача.

² Мақтаул — қатл қилинган, улдирилган.

³ Сақар — дузах, жаҳаннам.

⁴ Мақар — макон, қароргоҳ.



* * *

Баякногах¹ кўзумга учраб ўтру,
Мени девона қилдинг, эй парирў.

Жаҳонда ҳар кишига бор муроде,
Менинг йўқтур муродим сендин айру.

Магар уйқуда юзунг кўргай эрдим,
Вале, ҳажрингда кўздин учти уйқу.

Ики сочин биле юзунг қуёшин
Кечалар ёд этармен тошга тегру².

Тараҳҳум айлаким, бечора Бобур
Сенинг ишқингда бўлди зор асру.



¹ Баякногах — бир гал кутилмаганда, бир куни ногаҳон.

² Тегру — ... гача, ... га қадар.



* * *

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси
қолдимую?!

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдимую?!

Мени хор эттию қилди муддаийни¹ парвариш,
Даҳри дунпарварнинг² ўзга муддаоси қолдимую?

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдимую?

Ошиқ ўлвач, кўрдум ўлумни ўзумға, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси³ қолдимую?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдимую?



¹ Муддаий — даъвогар; рақиб.

² Дунпарвар — ёмон, наст кишиларни тарбия қилувчи;
чарх, фалак, тақдир.

³ Ҳарос — қўрқув.



* * *

То олғали кўнглумни ул юз била ул гису,
Кундуз манга не ором, кеча менга не уйқу!

Ҳар ёнраки азм этсам, ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сорики юзлансам, ўтрумға келур қайғу.

Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму?!

Ул юзи қуён ҳажри, бу саъб¹ бало дарди,
Кўнглумга урубдур ўт, ҳолимни қилибдур су(в).

Ҳар нечаки муҳликдур, дардингни дема элга —
Ким, йивламоғинг, Бобур, бу элгадурур кулгу.



¹ Саъб — қийин, оғир.



* * *

Сочининг савдоси туншти бошима боштин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қоншин яна.

Мен худ ул тифли паривашга кўнгул бердим вале,
Хонумоним ногаҳон бўзулмавай боштин яна.

Юз ямонлик кўруб ондин, телба бўлдинг, эй кўнгул,
Яхшиликни кўз тутарсен ул париваштин яна.

Тош урар атфол¹ мени, уйда форир² ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тоштин яна.

Оёвим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси туншти бошима боштин яна.



¹ Атфол — гўдақлар, ёш болалар.

² Форир — хотиржам, бепарво, беҳабар.



* * *

Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса,
Қошимда кўз ёруви ул қуёш керак бўлса.

Сужуд¹ вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз —
Қи, бош қуярда ушал эгма қош керак бўлса.

Ҳабиб² ишқиди бошдин кеч, эй кўнгул, йуқ
Бу йўлга қўйма оёқ санга бош керак бўлса. жа


Қўюб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошига туфроқу оғзига тош, керак бўлса!

Сенинг билди бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,
Не бўлгуен санга ул ёри хуш керак бўлса?



¹ Сужуд — саждалар, ибодатлар.

² Ҳабиб — дуст.



* * *

Ким кўрар хуршидни ул моҳсиймо¹ бўлмаса?!
Ким сўрар шаккарни ул лаъли шакархо
бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга ул юзи гулдин йироқ,
Сарв ўқтур бағрима ул сарви боло² бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони, эй зоҳид, нестай мен зорким,
Истарам кўйиндин ўзга манга маъво³ бўлмаса.

Тиймавил девона кўнглумники, расво бўлма деб,
Ошиқ ўлвайму эди ул телба, расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг,
Ёрдин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо⁴ бўлмаса.



¹ Моҳсиймо — ой ккки; гўзал.

² Сарви боло — тик қомат.

³ Маъво — бошпана, макон; мақом, манзил.

⁴ Қатъо — қатъиян, ҳеч қачон, асло.



* * *

Жонима ўт солди ул рухсораи зебо яна,
Кўнглума ул зулф бўлди мояи¹ савдо яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул паринайкар²
манга,

Жону кўнглумни қилибтўр волаю шайдо яна.

Ёр кўйидаги том сенсен менга пушту паноҳ,
Соия лутфунгни сол, чун санга келдим то яна.

Шодлиғнию фароғатни қўюб, ошиқ бўлуб,
Меҳнату ғамни қилиб мен ўзума пайдо яна.

Ёрға қулмен дегач, Бобурни расво айлади,
Тенгри мендек бандасини қилмасун расво яна.



¹ Моя — асос, моҳият; сабаб.

² Паринайкар — парига ўхшаш, қоят гўзал, париваш.



* * *

Ўдум уйқусива бориб, жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ¹, билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу рижат барча бехуда.

Ўзингни шод тутқил, вам ема дунё учун зинҳор
Ки, бир дам вам емакка арзимас дунёи фарсуда.

Замоиа аҳли ичра, эй кўнгул, оё тошлвайму
Сенингдек дардпаймою менингдек дардпаймуда?

Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,
Магар улсам бу олам аҳлидин бўлваймен осуда.



¹ Таҳқиқ — ҳақиқат.



* * *

Хатинг аро узоринг сабза ичинда лола,
Ул чашми пурхуморинг¹ лоладаги вазола².

Барча парилар, эй жон, гирдингда³ зору ҳайрон,
Гуё эрур намоён ой теграсида ҳола⁴.

Меҳру вафони, эй ёр, кӯн кӯрди сендин авёр,
Ҷавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.

Ҳажрингда, эй парирӯ, кӯзумдин учти уйқу,
Ҳар кеча тонгға тегру ишимдур оҳу нола.

Юз сафҳасинда хатлар ёндинки, ҳар тараф бор
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.



¹ Пурхумор — жуда хумор, маст; чашми пурхумор — гушк куз.

² Вазол — кийик, оҳу.

³ Гирд — атроф.

⁴ Ҳола — ой атрофидаги гардин.



* * *

Ҳажр ўлтурди мени, англасам эрди мунча,
Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.

Зоҳидо, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,
Ҳажр ўти қошида кўрмасмен ани учқунча.

Ул қуён меҳрини бир зарра манга кўргузмас,
Кавкаби¹ ашк тўқуб, бўлсам агар гардунча².

Хусида ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча!

Риндлар³ оллида ҳайвон суйини кўн ўкасен,
Эй Хизр, борму экин ул сув майи гулгунча?

Бобуро, шеърингга гар солса қулоқ ул шоҳнинг,
Бўлғусидур сўзунга қадр дури макнунча⁴.

¹ Кавкаб — юлдуз, сайёра.

² Гардун — 1) осмон, фалак; 2) дунё, олам; 3) чарх, фалак.

³ Ринд — шариат ва тариқат боғиқчиларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майнараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Риндлар илоҳий жазаво чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суриншлари билан машҳур бўлганлар.

⁴ Макнун — яширинган, пинҳон. Дури макнун — садаф ичидаги қимматбаҳо дур; мажозан: гўзал ва қимматбаҳо нарсалар.



* * *

Қошию қаддию овзин ул моҳ
Кўрсатмаса манга, найлайини, оҳ!

Туттум сочини юзун кўрай деб,
Тун узуну мен ғариб гумроҳ.

Қади била икки зулфу овзи
Ўқонимга бало бўлубтур, Оллоҳ!

Хоҳ иста кўнгулни, хоҳ қовла,
Чун сенсен бу кўнгулга дилхоҳ¹.

Эл билмаса ҳолатим, билтур ёр,
Ҳолимдин эрур Худой огоҳ.

Кобул сори гар азимат² этсанг,
Қурбон қилай ўзни санга, эй шоҳ!

Бобур, яна ўтлуқ оҳ чектинг,
Кўйдурмасун элни оҳ ногоҳ!



¹ Дилхоҳ — кўнгулга яқин, кўнгул истаги.

² Азимат — қасд, ният, интилиш.



* * *

Хатин парвона¹ келтургач, тирилди ушбу девона,
Ани тиргузмак учун гўё келтурди парвона.

Қуёштек юзунгу дурдек тишининг ҳажрида, эй
жон,
Қўзумнинг ёшидур юз қатраю ҳар қатра —
дурдона.

Қадинг кўрсатмадинг, бир торн сочингдин юбор
пинҳон,
Иноят тўғри гар йўқтур, не бўлди бўлса тўлвона?

Анинг усрук кўзидин борди чун диним уйи
барбод,
Мену, эй дўстлар, мундин нари май бирла
майхона².


Ўамолнинг³ шамъи⁴ ҳижронда Бобур ўртаниб
борди,
Қачон бошингдин эврулгай келиб парвонадек ёна?

¹ Парвона — кечаси шамъ ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот. Шамъ ва парвона — тасаввуф шеърларидаги машҳур титомоллардан. Бунда шамъ — илоҳий шиқ, парвона — ошиқ рамзи бўлиб келади.

² Майхона (Майкада) — шавқу завқу илоҳий файзга қон қомил орифининг ботини. Илоҳий олам маъносиди ҳам келади.

³ Ўамол — ошиқнинг қучли раббат ва талабига қўра машуқнинг ўз жамолини намоён этиши; илоҳий тажалли.

⁴ Шамъ — солик дилини қўйдирадиган илоҳий нур.



* * *

Бўлмадим умрумда бир дам хотири хуррам била,
Гар иликтин келса, бир дамни кечурманг вам била.

Неча бўлвай ёр ҳижронию даврон меҳнати,
Нақди умрум, оҳким, ўтти вamu мотам била.

Зоҳир ўлвай ҳар нафас бир тун сочингнинг
ҳажрида
Ўтлуқ оҳим дуд янглив чиқса печу хам¹ била.

Эй кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Ихтилот² этмак манга ёқмас бани³ одам била.

Қать этиб Бобур боридин чун санга келтурди
юз,
Бок⁴ эмас якруй⁵ бўлса жумлаи олам била.



¹ Печу хам — эилган, буралган.

² Ихтилот — алоқа, муносабат.

³ Бани — аюл, болалар, уруф, қавм, қабилла. Бани одам одам аюлди, одамюд.

⁴ Бок — 1) ажаб, парво, андиша; 2) зарар; 3) хавф, қўрқув.

⁵ Якруй — бир тарафлама, бир томон.



* * *

Неча расво бўлмамен ишқ ичра шайдолиғ била?
Ҳеч киши кўрмайдурур ошиқ¹ бу расволиғ била.

Ҳар печаким туттум ўзни порсолиғ² таврида,
Бўлдум охир шуҳраи офоқ³ шайдолиғ била.

Менки ҳижронингда қон ютмоқ била
муътодмен,
Манга йўқтур ҳеч нисбат айишу саҳболиғ⁴ била.

Шайх шеърим манъ этар етмай баловат
лутғифа,
Найлагай, ё Раб, киши бу пири ноболиғ⁵ била?!

Бобури бедилни ишқи телбаратса, не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.



¹ Ошиқ — илоҳий жамол ва камолга ошғурта бўлиб, тамоми жидду жаҳд билан Ҳақ таслони изловчи киши.

² Порсо — тақводор, художўй.

³ Офоқ — дунё, олам. Ш у ҳ р а и о ф о қ — дунёга машҳур.

⁴ Саҳбо — олий навъли қизил май.

⁵ Ноболиғ — баловатта етмаган.



* * *

Қачон бўлмай мушарраф бўлмаен, жоно,
жамолингга?

Қутулмаймен фироқингдин, етишгаймен
висолингга!

Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,
Лаб очқил сўрғаликим, ташна бўлмишмен
зулолингга¹.

Ул ойнинг юзи бирла тўш бўлуб, даъвойи ҳусн
эттинг,
Яқин бўлди бу кунким, эй қуёш, еттинг
заволингга.

Қабутар, элтасен хаттим, не бўлмай гар қабул
этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру
болингга².

Белингдинким, хаёледур, йироқдурмен, мени ёд эт,
Умидим борки Бобурдин етишгаймен хаёлингга.

¹ Зулол — тилиқ, тоза, ширин сув; шароб.

² Бол — қанот.

³ Бел — комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка (қилдай) бел — бу фикру тахайюлнинг нозик ва тарафлиги. Толиб ва матлуб орасидаги пардага, бу парданинг кўтарилиб, улар ўртасида яқинлик пайдо бўлишига ҳам ишора қилинади.



* * *

Соқий, эрур ишрат чоғи, афсурда¹ бўлма дай²
била,
Ўттек чоғир келтур, дави суҳбат тутоншур май
била.

Келтур шароби нобни³, омода⁴ қил асбобни⁵,
Хуш тут шаби⁶ маҳтобни⁷, чун бордур ул ой
била.

Даврон валин барбод қил, ишрат уйини обод қил,
Ўқону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Мажлиса бордур сарбасар май напғасидин шўру
шар⁸,
Борини масту беҳабар қил жоми пайдарнай⁹ била.

Ҳамлард ёре қониким, бир ватғусоре қониким,
Абри баҳори қониким, Бобур киби йиғлай била.

¹ Афсурда — тушкун, руҳсиз, ватгин.

² Дай — қиш; совуқ.

³ Ноб — тоқа, тиниқ, соф.

⁴ Омода — тайёр, муҳайё.


⁵ Асбоб — бу ерда: базм учун зарур нарсалар.

⁶ Шаб — кеча, тун.

⁷ Маҳтоб — тўлин ой; мажозан: маҳбуба.

⁸ Шўру шар — вавро, тўюлон, шовқин-сурон.

⁹ Пайдарнай — кетма-кет.



* * *

Улки йиллар-ойлар ўтқаргай вamu мотам била,
Шоду хуррам бўлмағай Наврўз ила, байрам била.

Улки давроннинг аёвидин дамодам қон ютар,
Наиға топмас, гар ичар ҳар давр жоми Жам¹
била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким, менинг
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал² олам била.

Сендин айру найлагаймен ийд ила Наврўзни,
Ою йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда, Бобур,
ийғласанг,
Навҳа³ тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам⁴ била.

¹ Жам — қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид номининг қисқартирилган шакли. Жамшид жоми жаҳоннамо — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда кў берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Илоҳий сирларни ошкор қилиши жиҳатидан май қадаҳи ҳам жоми жаҳоннамога ўхшатилади. Шунингдек, илоҳий сирлардан огоҳ комил инсоннинг қалбини ҳам Жамшид жоми — жоми жаҳоннамога нисбат беришади. Чунки бу қалб илоҳий маърифатга кон бўлиб, унга боққан ориф Олюҳ моҳияти, ғайб сирларидан огоҳ бўлади. Яна Жамшид жомидagi май сира адо бўлмас эмиш.

² Бал — балки, эҳтимол, ҳатто.

³ Навҳа — йиғи-сиғи, нола.

⁴ Зеру бам — энг ингичка ва энг йўзон товуш.



* * *

Гурбатқа солди чарх мени юз жафо била,
Ёд айла мен ғарибни гоҳи дуо била.

Беҳад вафою меҳр санга кўрсатиб эдим,
Сен ҳам соғинвасен мени меҳру вафо била.

Чун қилди мени ул бути Чин¹ зору муьтало,
Ишим менинг қолибтурур эмди Худо била.

Кўрмон фараҳни² бир дам агар андин айрумен,
Билмон аламни, бормен анинг бирла то била.

Ул сарвга карам қилибон еткур, эй сабо,
Бобур ниёзини³ ер ўпуб хўб адо била.



¹ Бути Чин — Хитой гўзали.

² Фараҳ — шодлик, хурсандчилик.

³ Ниёз — 1) оҳтиёж; 2) илтижо; 3) аташ, назр қилиш.



* * *

Хуш улким, ёрдин қать айлабон тарки диёр этса,
Ҷаҳон кезмак ила беқайдликни ихтиёр этса.

Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо:
Агар бу даҳри дун¹ хор айласа, гар эътибор этса!

Ҷафодур жонға бўлмоғлик муқайяд² олам аҳлиға,
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор³ этса!

Кишининг жониға душман, балодур бошиға бу
эл,
Агар бошин туфайл⁴ айлаб ва гар жонин нисор
этса!

Диёру ёрдин Бобур жафою жавр кўп кўрди,
Хуш улким, ёрдин қать айлабон тарки диёр этса.



¹ Дун — тубан, пасткан, разил.

² Муқайяд — боғланган, гирифтёр, банд, вобаста.

³ Канор — 1) чет, узоқ; 2) соҳил, қирвоқ; 3) қучоқ, бавир.

⁴ Туфайл — сабаб, баҳона.



* * *

Улки, манга ёри дилнавоз¹ кўрунди,
Жаврни кўрсатти кўпу оз кўрунди.

Бўлди бошим паст пойбўсида² охир,
Гарчи бурун асру сарафроз кўрунди.

Сенинг учун улки, бош ўйнамади ҳеч,
Санга ажойибки, ишқбоз³ кўрунди.

Ишқ борида салоҳу тавбаю тақво —
Борчаси, таҳқиқ бил, мажоз кўрунди.

Душмани жон ўлди, не қилай, санга, Бобур,
Улки, манга ёри дилнавоз кўрунди.



¹ Дилнавоз — кўнгил овловчи, дилни яйратувчи.

² Пойбўс — оёқни ўпиш.

³ Ишқбоз — ишққа берилган, ошиқ.



* * *

Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби,
Не гулистон ичра гул бор ул рухи¹ зебо киби.

Не жафо таврида бор дунёда ул бемехрдек,
Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби.

Донаи холи² Масихосо³ лабиниғ устида,
Потавон жонимға бўлди мояи савдо киби.

Айласам қўида маъво, найлайин жаннатниким,
Бор манга ул ҳур қўи жаннат ул-маъво киби.

Базм аро, эй дўстлар, не майки, қон ичмакдурур,
Соқие гар бўлмаса ул шўхи базморо⁴ киби.

Минса абраш⁵ ул қўён қўймай нетайким, Бобуро,
Мени қўйдурмакка елдур маркаб⁶, ўтдур рокиби⁷.

¹ Рух — юз.

² Хол — тасаввуфда илоҳий зотиниғ ягоналиғи тимсоли.
Ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. Баъзида хол деганда
йўқлик оламга ҳам ишора қилинади.

³ Масихосо — Масих каби.

⁴ Базморо — базмин безовчи, базмга файз берувчи.

⁵ Абраш — ола-була от, холдор от.

⁶ Маркаб — улов; от.

⁷ Рокиб — отлиқ, суворий.



* * *

Қади шохи гулдек нигорим қани?
Лаби ғунчадек гулғузорим¹ қани?

Не тонг, юз нигор ўлса қон ёш била —
Ки, ул юзи гул ёш нигорим қани?

Қаро кечаларда кўзум ёрутур,
Ўшал шамъи шабҳон торим² қани?

Ярим кечалар келур эрди бурун,
Бу тун келмади, оҳ, ёрим қани?

Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,
Бу ишда менинг ихтиёрим қани?

Фироқингда кўнглумни қон айласанг,
Санга бўлмай ул беқарорим қани?



¹ Гулғузор — гул юзли, гўзал; гулчеҳра, гулруҳсор.
Шабҳон тор — қоронғи кечалар.



* * *

Шоми ҳижрони манга ул бевафо кўрсатмагай,
Ҳажр шоми асру муҳлиқтур, Худо кўрсатмагай!

Ваъда айлаб васл, кўрсатгай неча жонимға ҳажр,
Неча кўнглумға жафо қилгай, вафо кўрсатмагай.

Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум,
Ё Раб, андоқ кўни ул кўзи қаро кўрсатмагай!

Очмагай кўзини то сўкмакка оғзин очмагай,
Юзини кўрсатмагай то юз жафо кўрсатмагай.

Ишқ истар бўлса, Мажнун айлагай
пайравлигим¹,
Йўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмагай.

Учқудекдур жон қўши ҳижронда Бобур оҳидин,
Кел нари таъжил² ила жоним ҳаво кўрсатмагай.



¹ Пайрав — бирювга эргашин, изидан бориш, тақлид қилиш.

² Таъжил — тез, шовилнич.



* * *

Юз кўрсатиб, ўлтурурсен, эй ой,
Йўқ сен киби худнамою¹ худрой².

Қадинг «алиф»у қошинг эрур «ё»,
Десам не ажаб агар сени ой?³

Ҳам лола юзунг қошида беранг,
Ҳам сарв қадинг борида бепой⁴.

Ўқунг юрагимда жо қилибтур,
Тортиб яна, ўқни қилма бежой.

Сендин манга юз ҳазор⁵ ҳасрат,
Сендин манга борму ҳеч парвой?

Ул ёр агар ёшурса юз, оҳ,
Акёрва гар кўрунса — юз вой!

Кулмас манга субҳи⁶ ваел, Бобур,
Ҳар нечаки шоми ҳажр йинғлой.

¹ Худнамо — ўзини кўрсатишга интилувчи, худбин.


² Худрой — ўзбилармон, ўжар, қайсар.

³ Бу ерда сўз ўйини қилишяпти: «алиф» («о») ва «йо» («й») ҳарфларидан «ой» сўзи ҳосил бўлади.

⁴ Бепой — оёқсиз.

⁵ Ҳазор — минг.

⁶ Субҳ — тонг, эрталаб. Тасаввуфда ваҳдат ёки ваҳдат нурига ишора.



* * *

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли
қилмағай,
Ғам билла бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлиғ кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йўқтур улким, гул юзунгдин айру боқсам гул
сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон
айрилмағай.





* * *

Гаҳи соғин, не бўлди, зорларни,
Унутмавил бурунги ёрларни.

Сени кўрмай, йироқдин зор бўлдим,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кўзунг беморимен, мендин юмуб кўз,
Яна оғритмавил беморларни.

Санга бир йўл етар фикридадурмен,
Унутма бир йўли афгорларни.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Сиҳи¹ қацларға, Бобур, ошиқ улсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.



¹ Сиҳи — тик, баланд, тўғри.



* * *

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?
Ё сочингдек тийра булғон рўзгоримниму дей?

Кундуз ўлса, тунгача айтайму бепоеён вამим,
Кеча бўлса, тонгва тегру ҳоли зоримниму дей?


Ҳажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ
этай,
Дарди муҳлик ичра жони беқароримниму дей?

Телбаю мадҳушу беҳуд дема ким қилди сени,
Лаъли майгун¹, сўзи мулк, ўзи ҳуморимшиму дей?

Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази ҳижронда
Тонгва тегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?



¹ Майгун — майга ўхшаш, қизил.



* * *

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:

Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?

Юз кўрсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,

Ул лутфи намоен қани, эй ёр, не бўлди?

Сенинг сари борди кўнгул истаб топа олмон,

Сенинг сари борғон қани, эй ёр, не бўлди?

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,

Жон дардига дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳди, Бобурни унуттунг,

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?





* * *

Зухд кетти эса, карам қилди,
Ишқ келди-ю, муҳтарам қилди.

Ул алиф¹ буйлуқ ойнинг ишқи
Мени олам аро алам² қилди.

Кўзию зулфу оғзи фурқатида
Фалак охир мени адам қилди.

Кўнглум ўртанди ҳар дам оҳимдин,
Магар ул ел бу ўтни дам қилди?


Қоши ёлар жафосидин бу чарх
Менинг отимға-ўқ рақам қилди.

Чанги рамдин қутулмади Бобур,
Нечаким, нола зеру бам қилди.



¹ Алиф — араб алифбосининг биринчи ҳарфи. Тик ва тўғри шаклда бўлганлигидан маҳбубанинг келишган қадди-қоматини унга нисбат берадилар. Алиф буйлуқ — баянд буйлик, қадди келишган.

² Алам — бу ерда: нишон, белги маъносда.



* * *

Кўрмагай эрдим жамоли оламорю¹ кошки,
Бўлмагай эрдим бори оламга расво кошки.

Ишқ боғининг ниҳоли — кам, бари — ҳирмон
эмин,
Қилмагай эрдим бу гулшанни тамошо кошки.

Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал, тилга
ҳам
Кечмагай эрди анингдек лафз асло кошки.

Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай
Ишқу васлу айш ила ишраттин илло² кошки.



¹ Оламорю — оламга зеб берувчи.

² Илло — аммо, лекин, бироқ. Бу ерда: ... дан бошқа.
Ишраттин илло — ишратдан бошқа.



* * *

Ёз бўлди-ю, бўлди яна жаннат киби ёзи¹,
Хуш ул кишиким, айни ила ўтгай қишу ёзи.

Дутора уни айшу фароватни берур ёд,
Мутрибқа² қулоқ тутки, не дер нармада сози.

Чун қиблам эрур ёр — қилай қошида сажда,
Носиҳ сўзини найлай, эмас сўзи намози.

Бу телбаю мадҳуни дилу жонва не хуштур,
Гаҳ қаҳру итоби била, гаҳ ишваю ноzi.

Тут муфтана³м ул ёрни, Бобурки, жаҳонда
Маҳмуд⁴ ким эрди, не киши эрди Аёзи?⁵



¹ Ёзи — дашт, саҳро, чўл.

² Мутриб — созанда, чолбувчи.

³ Муфтана³м — рағимат.

⁴ Маҳмуд — вазнавийлар давлати ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий (967—1030).

⁵ Аёз — Маҳмуд Ғазнавийнинг хос надиими. Қулликдан шундай улур мартабага кўтарилган. Маҳмуд ва Аёз ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат Шарқ адабиётида кенг куйланган макзулардан.



* * *

Деманг ўқини танимва балои жон келди,
Ҳаётсиз баданимва ўқи равон келди.

Ҳаёт суйини қўйким, лабидин олдим ком¹,
Бор, эй Хизрки, манга умри жовидон² келди.

Сипехри³ кўйини кўк эврүлүр келиб ҳар кун,
Не ердурүр буки, рафъаттин⁴ осмон келди.

Хуш улки, бир киши кўзум йўлида эрканда,
«Севинчи!» — деб югуруб етеаким: «Фалон
келди!»

Фироқ аро ўларимда етишти ул жонон,
Худова шукр қилайким, ўлар замон келди.

Адам йўлиға кўнгул кирди ишқ доғи била,
Бу йўлдин ўтмади ҳар кимки, бенишон келди.

Фароғат истар эсанг, бўл жариди⁵, эй Бобур —
Ки, жону танға вamu гусса хонумон⁶ келди.

¹ Ком — бу ерда: етишиш, новл бўлиш.

² Жовидон — абадий, мангу.

³ Сипехр — осмон.

⁴ Рафъат — баландлик, юксалиш.

⁵ Жариди — танҳо, ёлғиз.

⁶ Хонумон — уй-жой.



* * *

Бошда гар йўқтур жалолат¹ гавҳаридин
афсар²,
Ёнима басдур мазаллат³ туфривидин бистаре.

Киргали кўксум аро кўнглум иши куймакдурур,
Мен нечук куймайки, кўксум ичра бордур ахгар⁴.

Сабру ҳушу ақлу динимни олибтур, найлайин,
Сарвқадис, гулрухе, райҳонхате, насринбаре.

Кириндек ханжарин эл кўксига кўрган замон,
Кўзума ҳар кирикин, ё Рабки, қилвил
ханжаре!

Абрашини елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар,
Оҳким, умрум дарахтини йиқитти сарсар⁵.

Ганжи ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасин⁶,
Гўиё ўт солди ҳар ён ганж узра аждаре.

Ҳажр шомидин менинг қон ютмоғимни ёд этинг,
Чексангиз ул нозанин бирла сабуҳий⁷ совар⁸.

¹ Жалолат — улувлик.

² Афсар — тож.

³ Мазаллат — хору дорлик.

⁴ Ахгар — чўр, олов.

⁵ Сарсар — кучли ва совуқ шамол, бўрон, довул.

⁶ Гулгуна — уша-элик, зийнат.

⁷ Сабуҳий — тонгда бошориви учун ичиладиган май.

⁸ Совар — май қадаҳи, косаси.



Ҳар нечуктур умрни, Бобур, хуш ўткармак
Ким, бу беш кун умр рамгин бўлгани қилмас
керак —
гари¹.



¹ Гари — лойиқ, муносиб.



* * *

Биҳамдуллаҳки, ул гулда вафодин бор эмин бӯе,
Жафо таркин қилур эрмин яна турки
жафожӯе¹.

Қадам ранжа қилиб, бошимға келгайму дебон ул
ой,
Тутубмен пойи² девори, қилиб маскан сари³ кўйи.

Сочинг белингча-ю, белинг доғи сочинг киби
борик⁴,
Латофат ичра йўқ фарқи бу иккининг сари мўйи.

Муяссар бўлса, билгилким, бори оламдин
ортуқдур
Кабобию майи нобию махтобию маҳруйи⁵.

Эшиттим, илтифот айлаб деминсен: «Кимдурур
Бобур?»

Фақире, номуроде⁶, бесаруное⁷, дуоғӯе.

¹ Жафожӯй — жафо қилувчи, ситамгар.

² Пой — оёқ.

³ Сар — бош.

⁴ Борик — ингичка.

⁵ Маҳруй — ой юкти, гузал.

⁶ Помурод — мақсадига етмаган, маҳрум.

⁷ Бесаруно — бошланг-оёқланг, бечора.



* * *

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди,
Мажлис аҳли бори дилхоҳу бори дилкаш эди.

Борининг сўзи эди хўбу латифу рангин,
Не паришону не бемаънию не чирмаш эди.

Яхши май йўқ эди-ю, напъган май яхши эди,
Нохуш эл йўқ эди-ю, асру ҳавон хуш эди.

Бори аҳбоб¹ эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ,
Созу хонанда била нуқлу² майи беғаш³ эди.

Гоҳ пурханда⁴ эди эл, басе, сархушлуқтин,
Мастлиғдин яна гоҳ эл кўзи тўла ёш эди.

Барча таъзим қилиб бир-бирини мастона,
Гоҳ бошга оёқ эрди, гоҳ оёқта бош эди.

Тун яримигача бу навъ эди-ю, ондин сўнг
Мажлис аҳлининг иши ҳар сорига тарқаш эди.

Мен иликдин бориб эрдим, тутуб илгимни
биров —
Мени уйғотди, кўз очтим эса, ул маҳваш эди.

¹ Аҳбоб — дўстлар, уфатлар.

² Нуқл — май ичгандан сўнг тановул қилинадиган газак.

³ Беғаш — соф, тоза.

⁴ Пурханда — роят хурсанд, хандон.



Тортиб илгини, қучуб бўйинини, овзини ўнуб,
Тонггача ўйнамоқ иш эрди, не хуш ўйнаш эди.

Бобур ар ҳарза¹ деди, мажлис эли, айб этманг,
Карам айланг, ани маъзур тутунг, сархуш эди.



¹ Ҳарза — беҳуда валдираш, вайсан.



* * *

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, шиқ дарди, боданинг кайфияти.


Ёз фаслида човир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу напға муяссар бўлса, бордур давлати.

Шиқ дардини чекиб, ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлвай унут юз йилви ҳижрон
шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлвай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг таби бирла ҳолати.

Ғар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт
ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг
ишрати.





* * *

Шукрилиллаҳ¹, айш юзланди-ю, меҳнат
қолмади,
Етти айёми висолу шони фурқат қолмади.

Юзланиб амну² фароғат, гуссаю вам бўлди дафъ,
Айшу ишрат келди-ю, ранжу машаққат
қолмади.

Меҳнати ҳижронки, ондин чок-чок эрди кўнгул,
Бўлди роҳатқа мубаддал³, ул жароҳат қолмади.

Муртафъ⁴ бўлғонда ҳижрон, кел, таваққуф
қилмаким⁵,
Пнтизорингни чекарга ўзга тоқат қолмади.

Васлингга еткурди даврон оқибат Бобурни, шукр,
Эмди даврондин манга асло шикоят қолмади.



¹ Шукрилиллаҳ — Оллоҳга шукр.

² Амн — тинчлик, осойишталик, омонлик.

³ Мубаддал — айланган, алмашган, ўзгарган.

⁴ Муртафъ — ўртадан кўтаришан, йўқ бўлган.

⁵ Таваққуф — тўхташ.



* * *

Яна бир кўз ғамидин хаста кўрармен ўзини,
Яна бир зулфға вобаста кўрармен ўзини.


Лабининг ҳасратида зор топармен жонни,
Кўзининг фурқатида хаста кўрармен ўзини.

Кўзидин ул қоши ё гарчи мени солди йироқ,
Лек, ул ой қошида пайваста кўрармен ўзини.

Зулфи занжириға то бўлди кўнгул вобаста,
Шукр, Бобур киби ворасти¹ кўрармен ўзини.



¹ Ворасти — оғод, қутулган.



* * *

Чаманда сарвни ўлтүрүзүбтурур юруши,
Қиёмате қўнорибтур от узра ўлтүруши.

Мени шикастани қистаб, қўнгулни қунча қилтур,
Қошини четмоғи бирла тор өзини буруши.

Сўруб вამимши, таажжуб қилиб, лабин тишлар,
Не хуштуруп менга ирнини¹ тишлабон сўруши.

Турар рақиб чиройин турш² қилиб доим,
Тили чучук санамим, яхшидурму бу туруши?

Қўрар рақибни доим, хаёл этар мени вайр,
Не айлагай анга Бобурки, вайрдур кўруши.



¹ Ирн — дудоқ.

² Чиройини турш қилмоқ — қовоғини солмоқ.



* * *

Ҳабиб бўлса эди, ё рақиб ўлса эди,
Рақиб ўлса эди, ё ҳабиб бўлса эди.

Кўнгулга меҳнату вამ ҳар не бўлса, бўлса эди —
Кн, ёрга қотилиб, вайрдин қутулса эди.

Фироқ шаҳрида бўлгунча, кош кўйингда
Таним сўнгак бўлубон, сўнгаким ўкулса¹ эди.



¹ ўкулмоқ — йирилмоқ, тўпланмоқ.



* * *

Улки, юз Лайливан онинг ишқидин
Мажнундурур,
Хўблар султони Мирзо Ҳосими Арғундурур.

Тийрборондин¹ ул чобукнинг², эй кўнгул, не бок?
Гарчи беҳад тездур, юз шукрим, ўтқундурур³.

Зухд саҳросиға туштум ишқ йўлидин озиб,
Бобури гумраҳни эмди ким бу йўлиға кўндурур?



¹ Тийрборон — уқ ёмғири.

² Чобук - 1) тез, чаққон, илдам; 2) шўх, ўйноқи, гўзал.

³ Ўтқун — ўткир, жуда тез.



РУБОИЛАР

1

Жоно, битигинги, бўлди марқум¹ манга,
Меҳнат била ғамни қилди маъдум² манга.
Кўргач ани гарчи шод беҳад бўлдум,
Мазмуни, вале, бўлмади маълум манга.

2

Не ишрату айш учун майи ноб манга,
Не тоат учун гушаи меҳроб манга,
Не фикқ қилурға бордур асбоб манга,
Не зоҳид ўлурға тоқату тоб манга.

3

То бўлвали дилдор ўшал ой манга,
Ҳолимни билиб, қилмади парвой манга.
Мен асру харобу ёр кўп муставний³,
Эй вой манга, вой манга, вой манга!

4

Хуш улки, кўзум тушти сенинг кўзунга,
Бевосита ҳолимни десам ўзунга,

¹ Марқум — ёзилган.

² Маъдум — йўқ, йўқ бўлган.

³ Муставний — эҳтиёжсиз.



Бермай сўзума жавоб ачигланасен,
Қилдинг мени муҳтож чучук сўзунгга.

5

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
Рўзий¹ қилвай Худой нусрат² сизга.
Мардоналифингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга!

6

То қилди мени фироқ аро ёд ҳабиб,
Маҳжур³ кўнгулни айлади шод ҳабиб.
Гар васл муяссар улмаса, нетай, эй Бобур,
Фарёд ҳабибу оҳу фарёд ҳабиб!

7

Эй қомати сарву лаблари оби ҳаёт,
Будур тилагимки, — еткамен васлингга бот!
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот,
Ё кел бу сориға ё мени ўзунгга қот!

¹ Рўзий — ризқ, насиба, тақдир.

² Нусрат — зафар, ғалаба; мадал.

³ Маҳжур — маҳрум, айрилган.



8

Бу қозийи фәсиққи, йибордим санга бот,
Сен дори узатқил боту ҳам бадрақа қот!
Гар хотиринг истаса йиборгил савғот:
Маъжуну¹ шаробу оби² нораңжу³ набот.

9

Келди рамазону мен тақи болапараст,
Ийд ўлди-ю, зикри, май қилурмен пайиваст.
Не рўзаю не намоз йиллар, ойлар;
Туи-қун маю маъжун била девопаю маст.

10

Бўлдум мени ошўфтаи ҳайрон мардуд⁴,
Қилрил мададеки, бўлди имкон побуд.
Дунё била уқбода⁵ ружуъум сангадур,
Эй икки жаҳонни шаҳи Султон Маҳмуд!

11

Мутрибки, уини ҳар киши гўш қилур⁶,
Жон бирла кўнгулни зору мадхўш қилур.

¹ Маъжун — қувват дори.

² Об — сув.

³ Нораңж — апельсин.

⁴ Мардуд — рад қилинган, ҳайдалган.

⁵ Уқбо — охираат, у дунё.

⁶ Гўш қилмоқ — эшитмоқ, тингламоқ.



Мақсуд недурки, элини ёд этганда,
Ул доирада бизни фаромуш қилур?

12

Душманики, бу даҳр забардаст қилур,
Пахват¹ майидин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они наст қилур.

13

Кўзунг бори соғларни маст этгусидур,
Ғамзанг бори мастларни наст этгусидур.
Кўн зоҳиду порсони Бобур янглив
Лаълинг ҳаваси боданараст этгусидур.

14

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлгусидур!
Инъому вазифа — бори буйрулгусидур!
Ул ғаллаю муҳмалки², деб эрдинг, бердим,
Муҳмалга бўю ғалладин уй тўлгусидур!

15

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!

¹ Пахват — ғурур, худбинлик.

² Муҳмал — бу ерда: кийгулик маъносда.



Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!

16

Бу телба кўнгулки, ишқ анинг судидур,
Аҳбобнинг ихтилоти мақсудидур.
Ҳижрон чекиб, аҳбобни ҳар кимки кўрар,
Хуш давлатию толеи масъудидур¹.

17

Ҳижрон қафасида жон қуши рам² қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин —
Ким, кўз ёши номаинг юзин нам қиладур.

18

Ҷисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур уйқу чу ахшам бўладур.
Ҳар иккаласи валим била сабримдек,
Борғон сори бу ортадур, ул кам бўладур.

19

Ё Раб, менда не яхши толеъ бордур —
Ким, бахти мутибю ёри тобеъ бордур.

¹ Масъуд — бахтли, саодатли.

² Рам — чўчиш, ҳуркиб қочиш.



Маъзур тут ар васлингга кечроқ етсам,
Не чора қилай, озгина монъъ бордур.

20

Хотирни баҳор фаслида гангт оладур,
Кўз нурини ранги лолаю дангт оладур.
Хуш улки, толаларда юруб сайр этса,
Бу фаслдаким, латифу дилкаш толадур!

21

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур!
Нўлоддурур кўнглунггу бағринг тоштур!
Номамға агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур!

22

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур,
Васлиға етарга ихтиёрим йўқтур.
Кимга очайин розки, йўқ маҳрами роз,
Ғам кимга дейинки, ғамгўсорим йўқтур.

23

Улким, анга илм ичра волиб йўқтур,
Дерларки, бери келурға ровиб¹ йўқтур.

¹ РОВИБ — мойил, толиб.



Дедимки, бу сўз рoст эмастур, негаким,
Толибни тилар андаки, толиб йўқтур.

24

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!
Сарриштаи¹ айшдин кўнгулни зинҳор
Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!

25

Қайғунгни чека-чека қорибтур Бобур,
Раҳм айлаки, ўзидин борибтур Бобур.
Норанж йиборди сенгаки, билгайсен,
Яъники, бу навъ сарворибтур Бобур.


26

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳрдурур, будур анинг расмиким,
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

27

Қиш бўлди-ю, бўлди борча тому тош қор,
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.

¹ Сарришта — калаванинг учи, ишнинг асоси.



Бу қинда ёмон йўлу паринон ҳолим,
Ё Раб, мени яхшилик сори бошқор!

28

Арбоби ҳасад сўзига буттунг ўхшар,
Бегоналик атворини туттунг ўхшар.
Бир доғи соғинмадинг бу фурсатга мени,
Мен хастан, эй ёр, унуттунг ўхшар.

29

Васинта кўнгул қиёсиз толибтур,
Ҳажринг аро ихтиёрсиз қолибтур.
Мунтоқаним парҳини дей олмасмен,
Дийдоринга интиёқ кўн волибтур.

30

Эй боди сабо, айла Хурожонга гузар¹,
Мендин дегил ул ёри паринонга хабар.
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилвайсен,
Эмди бизинг учун айла бу ёнга сафар.

31

Кўндин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.

¹ Гузар — ўтиш, кечини.



Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

32

Қиш гарчи замони манқалу¹ оташтур,
Лекин бу шито² Ҳиндта кўн дилканштур.
Ҳангоми³ нишоту⁴ бодаи бераштур,
Май бўлмаса, маъжун дори бўлса хуштур.

33

Аҳбобки, базмида гулистон хаштур,
Нўқ лек алар базмида бизга дастур.
Гар сизда ҳузур бирла жамъият⁵ бор,
Юз шукр, бу жамъ беҳузур армаштур.

34

Юз шукр де, Бобурки, карими Ғаффор,
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқливива гар сенга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг, Ғазни бор.

¹ Манқал — оташдон.

² Шито — қиш.

³ Ҳангом — вақт, фуржат.

⁴ Нишот — шодлик, хурсандчилик.

⁵ Жамъият — хотиржамлик; осудалик.



35

Кўнглумда ўту икки кўзумда судур,
Мен хастава раҳм қилки, ҳолим будур.
Ғам кундузию фироқ шони янглиғ,
Тун-кун менга не қарору не уйқудур.

36

Бу ёклиқим, «Бови жаҳон» чоғлиқдур,
Ҳон риптаси ҳар риптасива боғлиқдур.
Тан тори юзум олтунидектур сенсиз,
Кўр ул иккидин намуна бу ёғлиқдур.

37

Ҳисмимда иситма тобидин оташдур,
Ҳонимва балою ғусса бебарқандур.
Кўн дард ила ғамдин манга нохушлуқ эди,
Сен сўрвали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.

38

Девонима не рабту² не тарғибдурур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибдурур³.
Ғар санга йибордим ани, айб айламаким,
Девонингни тиларга тақрибдурур⁴.

¹ Рабт — қонда, иштизом.

² Тазҳиб — зарҳал бериш.

³ Тақриб — яқинлаштириш.



39

Эй кўрвон эли, қолдимۇ дармонларингиз?
Чиқмай, недурур бу жаҳл қилвонларингиз?
Йондек кишилар очлиғидин чун чиқадур,
Сиз чиқмасангиз — чиқса керак жонларингиз!

40

Аҳбоб, йинилмоқни фароват тутунгиз!
Ўамъиятингиз борини давлат тутунгиз!
Чун гардини чарх будурур, Тенгри учун,
Бир-бирни печа қуни ваҳимат тутунгиз!

41

Ҳажринг вамидин оқибат ўлғум, қаро кўз,
Юз вуссаю андуҳ ила борғум, қаро кўз.
Васлини била қилмадинг иложин, Бобур,
Мўшқилки, фироқингда тирилғум, қаро кўз.

42

Озор ила печа гуфтуғу¹ қилвайсиз?
Озурда² бўлурни жустужу³ қилвайсиз.
Мунчаки, кўнгулларга етингги озор,
Май бирла магарки шустушү⁴ қилвайсиз?

¹ Гуфтуғу — суҳбатлашин, гаплашин.

² Озурда — озор чеккан, хафа булган.

³ Жустужу — ахтариш, сўроқлаш.

⁴ Шустушү — ювиниш.



43

Ҳаммомки, то маскани жонона эмиш,
Анда парилар ҳуснива девона эмиш.
Ул худ паридур, борча мулозимлари ҳам,
Алқиссаки¹, ҳаммом парихона эмиш!

44

Ҳусн аҳлива зору муобтало кӯз эрмиш,
Ҷоним била кўнглумга бало кӯз эрмиш.
Фаҳм айладим эмди, Бобуро, инқ ичра
Кўзумни қорортқон қаро кӯз эрмиш.

45

Ҳар ҳазки², халойиқ андин айрилмас эмиш,
Ул ҳаз мазасино қадрини билмас эмиш.
Маъжуну баситу бузаю лутеки³,
Бир журъа⁴ чоғир дурди⁵ ишин қилмас эмиш.

46

Бу ҳаста кўнгул эрди висолинг била хуш,
Ҷоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.

¹ Алқисса — хулиас, қисқаси.

² Ҳаз — ҳузур, ҳаловат.

³ Лут — хилма-хил лазиз таомлар.

⁴ Журъа — қултум, қатра.

⁵ Дурд — май қуйқаси.



Ҳижрон вами гарчи асру похуштур, лек,
Фикринг билла шодмен, хаёлинг билла — хуш.

47

Чун борди Худой раҳматиға ул ёш,
Не фойда тўкмак вами ҳижронида ёш.
Ул ёш вами ҳижронида кўп ёш тўктунг,
Бир ёшинг учун Худой берсун юз ёш!

48

Гар водийи ҳажринг аро бўлдум ноқис¹,
Айб айламаким, ҳодисаседур ҳодис².
Қавми ажабе човирға қилди тарғиб,
Амри ажабе ҳажрға бўлди бонс.

49

Эйким, бори шеър аҳлиға сен хон янглив!
Шеъринг бори шеърларға султон янглив!
Мазмуни анинг хатти саводий³ ичра,
Зудмат аросида оби ҳайвон янглив!

50

Не ёр вафо қилғуси охир, не ҳариф,
Не сайфу⁴ шито қолғуси боқий, не хариф⁵,

¹ Ноқис — нуқсонли.

² Ҳодис — юз берган, содир бўлган.

³ Хати саводий — қора хат (ёзув).

⁴ Сайф — бу ерда: ёз (сайфий).

⁵ Хариф — бу ерда: куз.



Юз ҳайфки, зоеъ ўтадур умри азиз,
Афсуски, ботил борадур умри шариф.

51

Улфат тутай, ар бор эса таълифи шариф,
Нисоф берай, гар ўлса таснифи шариф,
Маъруфдурур эл ичра таърифи шариф,
Бўлвай шарафим кетурса таърифи шариф.

52

Андин бериким, қасдим учун турди фироқ,
Юз дарду аламини манга еткурди фироқ,
Мени эшикингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фироқ.

53

Май таркани қилвали эрурмен рамлик,
Бор тийра кўнгулга ҳар замон дарҳамлик.
Ғам бирла фасурдалиқ ҳалок этти мени,
Май бирла эмин шодлиғу хуррамлик.


54

Олуда¹ юз туман маосий² бўлмоқ,
Юз ранжу туман азоб хоסי бўлмоқ.
Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида —
Ким, офритибон атони осий³ бўлмоқ.

¹ Олуда — қушилан, омухта.

² Маосий (Маъсият) — гуноҳ.

³ Осий — гуноҳкор.



55

Ким ёр анга илм, толиби илм керак,
Ўргангани илм толиби илм керак!
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби — илм керак.

56

Юзунг била лабларинг эрур гул, мулдек,
Балким, юзунг олида эрур гул қулдек.
Бобур киби ишқдин дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

57

Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,
Васлингга бериб йўл, ўзунга ёр эттинг,
Охир бординг, дови они зор эттинг,
Ҳижрон алами бирла гирифтор эттинг.

58

Лутф эттингу кўнгул била жон ўргаттинг,
Васлинг била, эй жону жаҳон, ўргаттинг.
Бу қотла ёмонроқ ўлса ҳолим сенсиз,
Айб айламагайсенки, ёмон ўргаттинг.



67

Келгилки, даме ұлтурубон май ичолинг,
Дунё вamu ранжидин замоне кечолинг.
Чун айшу нишот лашкари саф тузди,
Эй меҳнату ғусса хайли, сизлар сижолинг!

68

Күрдунг, доғи кўзунгга гирифтор эттинг,
Сүрдунг, доғи сўзунгга гирифтор эттинг.
Бу табъу камолинг била ўз бөшинг учун,
Бошдин мени ўзунгга гирифтор эттинг.

69

Эй ёр, ҳазин кўнглумни ёд айламадинг,
Меҳрингни кам айладинг — зиёд айламадинг.
Ё менда гунаҳ бордур, унуттунг ё сен,
Оё, не жиҳатдурурки, ёд айламадинг?

70

Ё қаҳру вазаб бирла мени туфроқ қил!
Ё баҳри июнтингда мустаррақ¹ қил!
Ё Раб, сенгадур юзум — қаро, гар оқ қил,
Ҳар навъ сенинг ризонг эрур, андоқ қил!

¹ Мустаррақ — фарқ.



71

Поз уйқусидин бирор замон ойилвил!
Гулдек куллуб, эй гунчадахан¹, очилвил!
Кўнглумни иликкладини² чолиб чанг, эй ёр,
Чангингдадурур кўнгул — навозини қилвил!

72

Доим совиниб, кўнгулни ол, хуш қолвил!
Раҳмат назарини менга сол, хуш қолвил!
Нохуш эди бўки, мен ёмон бордим, лек,
Сен лолаузур, яхши қол, хуш қолвил!

73

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни деги!
Хар ким мени билса, бу наёмимни³ деги!
Мендин демагил гар унутулгон бўлсам,
Хар кимки мени сўрса, саломимни деги!

74

Наққош, менинг ҳолима тадбир этгил,
Бир ёғлиғ аро кашаида⁴ таҳрир этгил.

¹ Гунчадахан — оғзи гунча.

² Иликкламоқ — олмоқ, эгалламоқ.

³ Наём — хабар, дарак.

⁴ Кашаида — гулли нақш.



Ул сафҳада мен хаёл қилғон янглив,
Ул ёрға мушкилимни тақрир қилғил.

75

То қилғали зикр таъь номини кўнгул,
Вирд айлади¹ таъь аҳли каломини кўнгул.
То ҳажр ғаму меҳнати таскин тошқай,
Истайдуруп аҳбоб паёмини кўнгул.

76

Ғаврода май иртиқоб² қилмоқ мушкил,
Ҷонға куч ила азоб қилмоқ мушкил,
Бўлмай доғи маст хоб³ қилмоқ мушкил,
Аҳбобдин ижтиноб⁴ қилмоқ мушкил.

77

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушкил,
Фархунда⁵ ҳадисингни⁶ эшитмак мушкил,
Ишқингни доғи баргараф этмак мушкил,
Бошни олибон бир сари кетмак мушкил.

¹ Вирд айлаш — қайта-қайта тилга олиш.

² Иртиқоб — бирор нарса билан машғул бўлиш.

³ Хоб — уйқу.

⁴ Ижтиноб — сақланиш, четлашиш.

⁵ Фархунда — қутлур.

⁶ Ҳадис — сўз, нутқ.



78

То водий ҳажрингда қилибмен манзил,
Суврат била гарчи айрумен мен бедил.
Валлаҳки¹, эй ёр, сенинг ёдингдин
Бир лаҳзаю бир замон эмасмен юфил.

79

Ҷонига етишти тузу² тоғ бирла кўнгул,
Дардини тугатмас иситмоғ бирла кўнгул.
Фурбатда оёқ бирла бадан етмасдек,
Юз шукрки, тинчдур қулоғ бирла кўнгул.

80

Яксон³ караминг қошида мудбиру⁴ муқбил⁵,
Осон сенинг олдингда жамиъи мушқил.
Ё лутфу иноят онча қилким, кўтарай,
Ё қаҳру вазабни тоқатим борича қил.

81

Юз ҳамд ангаким, ҳамдин анинг аҳли мақол,
Юз йил десалар тугатмаги амри маҳол.

¹ Валлаҳ — Худо ҳаққи.

² Туз — текислик.

³ Яксон — тенг, баробар.

⁴ Мудбир — иши юришмаган, бахтсиз.

⁵ Муқбил — бахтли, иқболли.



Васфида хирад ожиз эрур, нотиқа¹ — дол,
Не навъ сифат қилай они жалла² Жалол³.

82

Аъзою жаворихингни⁴ ҳозир қилвил,
Жон бирла кўнгул ҳозир у позир қилвил.
Ҳар лаҳза бир андишаю бир фикрни қўй,
Андишаю фикрингни борин бир қилвил.

83

Кўзунгдин эрур, назора қил, хасталиғим,
Қошингдин эрур ғам била пайвасталиғим.
Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла,
Бўлмаса эди сочингга дилбасталиғим.

84


Сенинг била менки, ошнолиғ қилдим,
Ишқингни ҳазин жонга балолиғ қилдим.
Кўрмай-билмай мени вафосиз дебсен,
Мен сенга не навъ бевафолиғ қилдим?

¹ Нотиқа — сузлаш қобилияти.

² Жалла — буюк.

³ Жалол — улуглик.

⁴ Жаворих — тана аъзолари.



85

Кўнглум тилаги висол эмиштук, билдим,
Ул васл доғи маҳол эмиштук, билдим.
Ҳар қандаки бўлса меҳрибондур, дер эдим,
Ул доғи ғалат хаёл эмиштук, билдим.

86

Зулфиға кўнгул қўюб, наришон бўлдум,
Кўз олдурубон юзига, ҳайрон бўлдум.
Чин дей сенга, Бобуроки, ошиқлиғида,
Ҳар неки қилиб эдим, пушаймон бўлдум.

87

Хуснунг сифатини эшитиб зор ўлдум,
Кўрмай сени ишқингга гирифтор ўлдум.
Сўрғилки, валинг фироқи беҳол этти,
Кўргилки, кўзунг ҳажрида бемор ўлдум.

88

Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
Ҳар ул сори борсанг, будурур дилхоҳим-
Ким, арзи дуо ниёз ила қилғайсен,
Ҳар сўрға мен хастани гулрух моҳим.



89

Йиллар тилаб, ишни қобу¹ сахлаб турдум,
Юз жаҳд била ишни мунга еткурдум.
Мардона бўл, эмди яхшидур иш келиши,
Тенрига сени, эли сенга тошшурдум.

90

Гар Рухдам² этса эрди оҳанги нағам³,
Мажлисида не ҳузи⁴ қолур эрди, не вам.
То борвали Рухдам бизинг мажлисин,
Мажлис элига не рух қолди-ю не дам.

91

Ўт солди кўнгулга ранжу бетоблиғим,
Сув қилди бу хаста жонни беоблиғим⁵.
Бу иккаласи агарчи бор муҳлику саъб,
Лек ўлтурадур тонгвача бехоблиғим⁶.

92

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум?
Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум!

¹ Қобу — нишон.

² Рухдам — созанда, муסיқачи.

³ Нағам — куй, наво.

⁴ Ҳузи — вам, қайру.

⁵ Беоб — сувена.

⁶ Бехоб — уйқусиз.



Васлинг билә бисёр севиндум аввал,
Ҳажринг билә оқибат гирифтор бўлдум.

93

Юз номаи интиёқ таҳрир эттим,
Юз навъ билә васлингә тадбир эттим.
Маъзур тут, эй қуёшқи, толаё йўқидин
Васлингә стар маҳалда тақсир эттим.

94

Ёр ёвлиридин кўнгулни хурсанд эттим,
Рухум қушини тори билә банд эттим,
Кўнгулмни не навъ узай ўшал ёвлирдин,
Жон ринтасини ториға пайванд эттим.

95

Бемехр деса эл сени, мен бутмас эдим¹,
Ҳаргиз бу сифатни сенга ёвутмас² эдим.
Ноҳақ оғриб, мени унутгунг охир,
Валлоҳки, сендин бу тамаъ тутмас эдим.

96

Ислом учун оворан ёзий бўлдум,
Куффору³ ҳунуд⁴ ҳарбсозий⁵ бўлдум.

¹ Бутмас эдим — ишонмас эдим.

² Ёвутмас — яқинлаштирмас.

³ Куффор — кофирлар.

⁴ Ҳунуд — ҳиндлар.

⁵ Ҳарбсоз — жанг қилувчи.



Җазм айлаб әдим ўзни шаҳид бўлмоққа,
Алминатулвиллоҳки, вазий бўлдум.

97

Ҳар кунда юзунгни кўрмак эрур ҳавасим,
Ҳар кеча сочинг хаёлидур ҳамнафасим.
Исо дамидин руҳ берур жиемимва,
Сенинг соридин наём келтурса насим.

98

Қотингда агар гуноҳ гоҳе қилдим,
Юз қотла надомат била оҳе қилдим,
Қилдим ёмону асру табоҳе¹ қилдим,
Ўлтурфунг била сен кечур — гуноҳе қилдим.

99

Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим,
Еткурса керак хабар гаҳи пайки² насим.
Бобур, чу умид ила қилдур арзи ниёз,
Шоядки, қабул айлагай таъби салим³.

100

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,

¹ Табоҳ — бузуқ, хароб, вайрон.

² Пайк — хабарчи, элчи.

³ Салим — соғлом, тўғри.



Ҳар ким бу «Вақоъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

101

Ҳаммомки, арк ичинда пайдо қилдим,
Соғинмаки, судин табарро¹ қилдим.
Суд ушбу эмасмуким, тадбир била
Нокиза баданларни тамошо қилдим.

102

Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,
Оламға бўлуб фасона², ошиқ бўлдум.
Яхши сўзунгу васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени вайибона ошиқ бўлдум.

103

Ҳаммомки, қилдим кўрунғизким, айём,
Ўхшатти анинг бори иши манга тамом.
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин
Гулчехралар истабон юрўйдур ҳаммом.

104

Ул юзи қуёшки, бордур ойдин афзун³,
Хуен ичра ул ой оллида хуршид забун.

¹ Табарро — узоқлик.

² Фасона — афсона.

³ Афзун (Фузун) — кўн, ортиқ; афсил.



То бир кун ул ойдин навозин топқай,
Күк доира бүлди-ю, жаложил¹ ою кун.

105

Ишқинг йўлида фироқ ила нетгаймен?
Бир йўл кўрсатки, васлингга етгаймен!
Васлинг манга гар муяссар ўлмае бўлса,
Бошимни олиб бир соривга кетгаймен!

106

Васфингни неча улусдин эшитгаймен,
Не навъ қилиб васолингга етгаймен?
Гар васл муяссар ўлмаса нетгаймен?
Бошимни олиб қай соривга кетгаймен?

107

Ул хатки, мен анда сени ёд этгаймен,
Кўз оқида, кошки, савод этгаймен.
Киршиклардин анга қалам рост қилиб,
Кўз қорасидин анга мидод этгаймен.

108

Бир гўшан бов ўлсаю сен бўлсангу мен,
Май қуйсоқ икимиз қадах ичра бир ҳин².

¹ Жаложил — қўнвиноқ.

² Ҳин — 1) вақт, фурсат; 2) тез, шитоб.



Олдин сўнгра аёқ иликка олибон,
Сен тутсангу мен ичсам, мен тутсаму сен.

109

Беқайдмену хароби сийм¹ эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим² эрмасмен.
Қобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

110

Меҳринг недурур — бурун чу бор, жавр —
кейин,
Бефоида ишқинг ғамини неча сийин.
Ҳолимни неча десам, демассен мени ёр,
Сен демасан «Эй ёр!» мени, мен не дейинг?!

111

Ҳажрингда не қон қолдики, ютмайдурмен?!
Кўз ёшини бир лаҳза қурутмайдурмен.
Дийдорингнинг ҳаққини, эй юзи қуёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен.

112

Сен гулсену мен ҳақир³ булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдурмен.

¹ Сийм — қумуш; тинга, пул.

² Лаим — хасис, наёт.

³ Ҳақир — беҳадр, бечора.



Нисбат йўқтур, деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қўлдурмен!

113

Хаттимни кўруб, сўзумни чун билгайсен,
Келмакта бизга ел киби елгайсен.
Ихлосингни билиб йибордим қосид¹,
Раҳмат сенга, зинҳорки, бот келгайсен!

114

Ул бордики, ишрат орзу қилгайсен,
Ишрат тиламакликта фулу² қилгайсен.
Чун айшу фароғ мумкин эрмас зинҳор,
Бобур, вamu меҳнат била хў қилгайсен.

115


Аҳбобга ҳар хатки, савод этгайсен,
Бизни доғи ул битикда ёд этгайсен.
Мақеудки, қосиди агар келса бу ён
Бир нома била кунгулни шод этгайсен.

116

Ҳижронда соғиниб, мени шод этгайсен,
Мен хастанни мухлис эътиқод этгайсен.

¹ Қосид — элчи, хабарчи.

² Фулу — вавро, туполон.



Бу хатни анинг учун битгидим мунда,
Кўргач бу хатимни мени ёд этгайсен.

117

Неча менга жавр мутгасил қилгайсен?
Меҳринг йўқу неча мунфайл қилгайсен?
Жаврингни кўруб, меҳрини кўрмай кеттим,
Гар кўрсаму кўрмасам биҳил¹ қилгайсен.

118

Захмингни кўнгул тилар — анго қилгайсен,
Захмингни кўнгулга бехато қилгайсен.
Тил ики алиф кўксума, наъл² ўртадаким,
Кўнгулдум тиларини ҳаққини адо қилгайсен.

119

Хуш улки, келиб ёнимда ўлтургайсен,
Ё бир нафас оллимда келиб тургайсен.
Озингга ўпар сўзин битий олмасмен,
Борғон кишинини овиз сўзини сўрғойсен.

120

Давлат била шоду шодмон бўлғойсен,
Шавкат била машҳури жаҳон бўлғойсен.

¹ Биҳил — кечириб, афв этиш.

² Наъл — тақа, тақа шаклидаги тамга.



Кўнгулунгдагидек даҳр аро ком суруб,
Бу даҳр боришча Комрон¹ бўлвойсен.

121

Эйки, олам шаҳлари шоҳи сенсен!
Бевосита манзури илоҳий сенсен!
Сен борсен, кимга элтай, эй шоҳ, паноҳ,
Чун борча жаҳон эли паноҳи сенсен!

122

Зинҳорки, дўстлуқни унутмавойсен,
Туққонлиғдин кўнгулни совутмавойсен.
Ётлар била душман тарафин гар тутсанг,
Туққонлиғу дўстлуғ тамаъ тутмавойсен!

123

Эйки, ёролив жисмима марҳам сенсен,
Мажруҳ кўнгулга ништар ҳам сенсен.
Гаҳ шоду гаҳи рамгин жам, айб этма-
Ким, боиси шодмонлиғу рам сенсен.

124

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳу равоним сенсен.

¹ Бу ерда комрон сўзи икки маънода келаяпти: 1) мақсадга эришган, бахтли; 2) Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо.



Бобури сенигдек ўзга йўқ ёри азизи,
Алқисаки, умри жовидоним сенсен.

125

Эйким, манга мужда бердинг ул жонондин,
Қилдинг мени озод вами ҳижрондин.
Бу муждани не навъ сифат қилмаймен,
Гўёки, хабар бердинг ўлукка жондин.

126

Даврон мени ўткарди сару сомондин¹,
Ойирди мени бир йўли хонумондин.
Гаҳ бошимга тож, гаҳ балойи таъна,
Недарки, бошимга келмади даврондин.

127

Сўз сўрғали лаъли нуктадонинг² тошмон,
Юз суртғали ул остонинг тошмон.
Беному нишонлиғ истасам, не тонгким,
Номингни эшитдимү нишонинг тошмон.

128

Аҳбоб йиринидин неча қолвоймен,
Ўзумни нестиб ул ароға солвоймен?!

¹ Сару сомон — бу ерда: синов, имтиҳон.

² Нуктадон — позикфаҳм, доно.



Борсам дағи анда меҳмон касратидин¹,
Маълум эмаски, ер тона олвоймен.

129

Эл суҳбатиники, орзу қилмишмен,
Не хушлуғ ила бу гуфтутуғ қилмишмен.
Ишрат била айшни не иш қилвоймен,
Менким, вamu меҳнат била хў қилмишмен.

130

То тарки маноҳию² шароб этмишмен,
Нафсимға Худой учун азоб этмишмен.
Тавба эшиги ҳануз очуқ эрди,
Бу тавбада бир нима шитоб этмишмен.

131

Май таркини қилвали паришондурмен,
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.

132

Ишқинг мени қилди асру шайдо, нетайин?
Олам элига айлади расво, нетайин?

¹ Касрат — мўллик, кўнчилик.

² Маноҳий — мағъ қилинган.



Жонимни фидо қилиб санга, андин сўнг
Дерменки, сени жон этай, аммо нетайин?

133

Васлингни тилаб неча, сабодин билайин,
Келгилки, қуюндек бошингга эврулайин.
Гар келмасанг, истасанг мени хидматингга,
Бошимни қадам қилиб, қадамга келайин.

134

Ишқ ишини боштин яна бунёд этайин,
Ишқинг вами бирла хотирим шод этайин.
Добсенки, унутма мени хижрон аро, вой,
Сени унутуб, не кишини ёд этайин?!

135

Ёринг сенинг илюҳий «Таборак» бўлсун!
Душманларингга тўъма¹ палорак² бўлсун!
Мулқунгда фароват била хонликлар қил,
Мулқунг била хонливинг муборак бўлсун!

136

Бесабрмену бесару сомондурмен³,
Бир ғамзададурмену⁴ паринондурмен.

¹ Тўъма — озик, луқма, таом.

² Палорак — шамшир, шамшир учи.

³ Бесару сомон — бахтезиз, бечора.

⁴ Ғамзада — ғамгин, қайғули.



Не диннинг ишин қилдимۇ не дунёнинг,
Ё Раб, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен.

137

Ул шўҳки, билдурди вафодорлигин,
Тарк айлади гўёки ситамкорлигин.
Лутф айлади — ёрликқа фармон берди,
Аъдо¹ била ёрдур, нетай ёрлигин?!

138

Сенинг била сўз муқаррар андоқ қилайин,
Оламда сени мўътабар андоқ қилайин.
Тенгри ҳақи, бу хидмат агар сен қилсанг,
Ҳар навъки, кўнглунг тилар — андоқ қилайин.

139

Нисён² қаламин неча менга сургайсан,
Вақт ўзидики, ҳажр номасин бургайсен.
Будур тилагим — хатимни чун кўргайсен,
Албатта, ўзунгни манга сткургайсен!

140

Ё Раб, манга тунд бўлди шоҳим, билмон,
Кўз ёнидин ўзга узрхоҳим³ билмон.

¹ Аъдо — душманлар.

² Нисён — унутиш.

³ Узрхоҳ — узр сўровчи, афв тиловчи.



Бир ҳам назар этмас, эътиқодимни билур,
Ҳар лаҳза итоб этар, гуноҳим билмон.

141

Кечрак келасен, бу хастадин тўйдунгму?
Дил сафҳасидин ҳарфи вафо йўйдунгму?
Номусу уёт керак, уй, от саҳлдурур,
Юз қўй учун ул эшикка юз қўйдунгму?

142

Ғам хонаси сори гузар, эй жон, қилма!
Ишрат уйини кулбаи аҳзон¹ қилма!
Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,
Лаълинг киби бағримни тўла қон қилма!

143

Ҳар зулфтин, эй кўнгул, паришон бўлма,
Ҳар юзга ҳам асру зору ҳайрон бўлма.
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма!

144

Мунча мени зор, эй юзи хуршид, этма,
Фурқат аламини менга жовид этма.
Тенгридин агар сенинг умидинг бордур,
Тенгри учун, эй ой, мени навмид этма.

¹ Кулбаи аҳзон — ғам кулбаси.



145

Давлатқа етиб, меҳнат элини унутма!
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма!
Борғонни, кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб, ўксутма!¹

146

Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла.
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўрган сойи хаттимни мени ёд айла!


147

Кўз равшан эди сенинг жамолинг бирла,
Кўнгул хуш эди сенинг висолинг бирла.
Бас тийраю нохуш эtti ҳажринг бизни,
Эмди қилалнинг хўй хаёлинг бирла.

148

Рухум яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга тани ҳамрах офат бирла.
Рухумни чу тан уйига келтурдунг пок,
Мундин бори элтма касофат бирла.

¹ Ўксутмоқ — камайтирмоқ.



149

Сен анда фароғу айишу ишрат бирла,
Мен мунда хароб ранжу меҳнат бирла.
Асрармен ўзум бирла сени нақш қилиб,
Хурсанд бўлурмен ушбу суврат бирла.

150

Нетгай киши бу фалак шифоқи бирла,
Этгай бу фалак оту сўроқи бирла.
Гаҳ тиргузадур висол айёмидин,
Гаҳ ўлтурадур шони фироқи бирла.

151

Рафторию қаддига равоним садқа,
Бир боқишига икки жаҳоним садқа.
Оғзию белига буду побудум¹ сарф,
Кўзию лабига жисму жоним садқа.

152

Бобур мутаважжих² ўлса Лангар³ сориға,
Қилмас назари биҳишту кавсар⁴ сориға.

¹ Буду побуд — бору йўқ.

² Мутаважжих — юзланиш.

Бу ерда Хуросондан Ҳиндистонга борадиган йўлдаги Лангари Мир Ғиёс кўзда тутилмоқда.

⁴ Кавсар — жаннатдаги чанма, ҳовуз. Унинг суви болдан тотли, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадий ташналик кўрмайд.



Сендин тилагумдур мадал, эй шоҳ Фиёс¹,
Ҳар вақтки, азм айласам ҳар сориға.

153

Азм айла, сабо, ет гули хандонимға,
Не гулки, қўшдек маҳи тобонимға.
Етгил доғи иштиёқ ила Бобурдин,
Зинҳор дегил салом туққонимға!

154

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,
Лекин, бордим юзунгни кўрмай, юз оҳ,
Ҳамсуҳбату ҳамраҳни нестай бу йўлда?
Дардинг менга ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ.

155

Не хеш² мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшиликта қилсам афеун³,
Халқ ичра ёмонлиғ билла мен афсона.

156


Бу даҳр аро гар эҳтимоли бўлса,
Мендек сенга ёри доуболи⁴ бўлса.

¹ Фиёс — Афғонистондаги ғурийлар сулоласи ҳукмдори Султон Фиёсиддин Ғурий.

² Хеш — қариндош уруғ.

³ Афеун (Фусун) — сеҳр, жоду, ҳийла.

⁴ Доуболи — бепарво, беғам.



Ул ёр бaсе позикy йўқ мендa адаб,
Мендин, не ажаб, агар малюли бўлса.

157

Ёр улдурким, шеървa майли бўлса,
Нетгай киши шеър вайр хайли бўлса?!
Авёрнинг озорини ҳар ҳол билa
Чеккаймен агар ёр туфайли бўлса.

158

Дунё бориси манга мусаххар¹ бўлса,
Уқбодa дови Худой ёвар² бўлса.
Будур тилагим икки жаҳондa Ҳақдин,
Ҳар не тиласам, бори муяссар бўлса!

159

Бобур билa Мир иттифоқи бўлса,
Йўқтур вaм агар жаҳон нифоқи бўлса.
Будур тилагимки, шоҳ даргоҳидa
Мен бандa учун ҳамишa боқий бўлса!

160

Кўнглунгта нечаки, сайр матлуб³ ўлса,
Аҳбобни сўрмоқ дови марғуб⁴ ўлса.

¹ Мусаххар — тобъ, таслим.

² Ёвар — мадақор.

³ Матлуб — севимли, ёқимли.

⁴ Марғуб — севимли, ёқимли.



Ғар ҳажринг имтидоди¹ мундин ортар,
Қолмас манга сабр — сабри Айюб² ўлса.

161

Хуш узки, баҳор фасли бу дунёда,
Бўлмай тараб асбоби бори омода.
Ғар бўлмаса асбоб, этолинг дангона,
Мендин газаку таом, сендин — бода.

162

Аҳбобқа қилсанг тузар, эй ел, ногоҳ,
Ул жамъни бу сўзумдин этгил огоҳ.
Сиз кўргандек эсон-саломаттурмиз,
Сиз дови эсон бўлмасиз, иншооллоҳ!

163

Ўсон вола эрур латын шакарборингга,
Кўнглум ҳам эрур хароб рухсорингга.
Гуфторинг эрур бошдин-аёқ борчаси хўб,
Мен банда бўлай боштин-аёқ борингга.

164

Эй, ой юзунг олинда қуеш шарманда,
Ширин сўзу яхши хулқунгга мен банда,

¹ Имтидод — чўзилиш, узайиш.

² Айюб — Айюб пайғамбар. У Шарқ адабиётида сабр тимсоли бўлиб келади.



Хижронда печа нома била сўзлашанинг,
Ё сен бери кел, ё борайин мен анда.

165

Печа бу фалак солғуси гурбатқа мени,
Ҳар лаҳза тугонғусиз машаққатқа мени.
Не чора қилай, нетайки, Тенгри гўё,
Меҳнатни менга яратти, меҳнатқа — мени.

166

Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади рухи зардимни¹.
Мендин печа кўнглида ғубори бўлмай,
Кеттим муна, эмди тонмавай гардимни.


167

Кўнгли тилаган муродива етса киши,
Ё борча муродларин тарк этса киши.
Бу икки муяссар ўлмас оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

168

Ёд этмас эмин кишини гурбатта киши,
Шод этмас эмин кўнгулини меҳнатта киши.

¹ Зард — сариқ. Рухи зард — сариқ, заъфарон юз.



Кўнглум бу вариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатта севунмас эмини, албатта, киши.

169

Оворалиг асру хонумондин яхши,
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши.
Овора бўлурни яхши эрмас демагил,
Бўлсам агар овора, не ондин яхши?!

170

Ҳар сўзники дермен санга, лоф ўлмағуси,
Бемаънино ҳарзаю газоф¹ ўлмағуси.
Ул инта агар мухолафат айларсен,
Тенгри ҳақи, бу сўзда хилоф ўлмағуси.

171

Эй ёр, жафю расми чиқормоқ не эди?!
Ё меҳр гиёҳини қўпормоқ не эди?
Бир меҳр, яна лутф, яна жавр недур?
Бир бордингу келдинг, яна бормоқ не эди?

172

Ғар меҳр била бу чарх эврулса эди,
Жонлардин анинг жавфи² керак тўлса эди.

¹ Газоф — ёлон, бемаъни, уйдирма.

² Жавф — ич, қурсоқ.



Сўзумг, қилиғинг, навозишингму айтай?
Овозу усулингнию созингшиму дей?

177

Қўзум үйи юзидин мусаввар¹ бўлди,
Бу важҳ била кўнгул мунаввар бўлди.
Юз шукрки, Бобур киби ошиқликда,
Ҳар неки тилаб эдим — муяссар бўлди.

178

Хаттингни кўруб, кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб, жонва мусаррат бўлди.
Бу неча маҳал таяғфул эттинг, демагил,
Толесъ йўқ эдики, мунча рафлат бўлди.

179

Эй пайк, бориб сано била қуллуқ, де!
Ер уи, дови қуи, адо била қуллуқ, де!
Гар ёр мени хастани сўрса зинҳор,
Мендин юкунуб, дуо била қуллуқ, де!

180

Номангки, тириклингим нишонни эрди,
Ҳар сатри ҳаёти жовидони эрди.

¹ Мусаввар — шайхон.



Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфда юз меҳр ниҳони эрди.

181

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингға етишмадим — жиҳат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Нўл балчиқ эди, кеча қаронғу эрди!

182

Ҳажрингда, агарчи жонға бедод эрди,
Сенсиз манга юз фирону фарёд эрди.
Фикрингдин эрди, валек, хурсандлигим,
Зикринг билла бу хаста кўнгул шод эрди.

183

Хотирға хутур¹ этти бу сўз ёнгла, ахий²,
Айтай сенга, сен қулоқ солиб онгла, ахий.
Умрунгни бу кун хўш кечир аҳбоб илаким,
Тошилмагусидур ушбу кун тонгла, ахий.

184

Эшигға киши бу шўру шеван, не дегай?
Доим бу тарийқ ичкунни кўрган не дегай?

¹ Хутур — кўнгилга келиш, хаёдан ўтиш.

² Ахий — 1) жавонмард; 2) биродар; 3) ахир.



Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзини дўст, душман не дегай?

185

Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пуробдур¹, мен не қилай?
Ўқиемим аро печутобдур², мен не қилай?
Ўқошимда кўн изтиробдур, мен не қилай?

186

Шоҳим, санга маълум эмастур, не қилай?
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?
Мен юзу қонинг дермену сен — бадр³ ҳилол,
Моҳим, санга маълум эмастур, не қилай?

187

Бошимни туфайл ул саромадқа⁴ қилай,
Ўқошимни фидо ўшал сиҳи қадқа қилай.
Бу хаста кўнгул била хамида⁵ қадни
Кўзи била зулфиға анинг садқа қилай.

¹ Пуроб — ёшга тўла.

² Печутоб — алам, изтироб.

³ Бадр — ўн тўрт кунлик ой.

⁴ Саромад — бошқалардан устун, мумтоз.

⁵ Хамида — эгик, эгилган.



188

Етсам санга, қултуғумни чўқ¹ арз қилай,
Сен етсангу мен десамки, йўқ арз қилай.
Кўнтур сўзуму маҳрам эмас ҳеч киши,
Рухсат этса, тобуғунда-ўқ² арз қилай.

189

Ҳижрон аро печа нома таҳрир қилай,
Хома тили бирла ҳол тақрир қилай.
Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,
Сен андаю мен мунда — не тадбир қилай?

190

Менинг тилагим будурки, то зинда³ бўлай,
Ҳар қанда эсанг, банда дови анда бўлай.
Не хулақ эди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулақунгга банда бўлай!

191

Ҳуснунгни сенинг кимки тааққул⁴ қилвай,
Сендин бошқа нечук таҳаммул қилвай?

¹ Чўқ — кўп.

² Тобуғ — ҳузур, олд.

³ Зинда — тирик.

⁴ Тааққул — идрок эгани.



Бу табыу бу ихтилютким, сендадурур,
Не менки, бори олам элин қул қилғай.

192

Ашъорингким¹, шеър оти то бўлғай,
Табъ аҳли анга волаю шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру баҳри маоний² анда,
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай.

193

Арбоби ҳасадки, дунёдин дур³ ўлғай,
Истар севаридин киши маҳжур ўлғай.
Доим кўрайин юзунг ало⁴ рағми⁵ ҳасуд,
Ҳар ким кўра олмаса, кўзи кўр ўлғай.

194

Носиҳ сўзи санга неча мардуд ўлғай,
Яхшию ямон қошингда нобуд ўлғай.
Бори эмди маош⁶, бир навъ этким,
Ҳақ розию олам эли хушнуд ўлғай.

¹ Ашъор — шеърлар.

² Баҳри маоний — маъно денгизи.

³ Дур — узюк, олис; дур ўлғай — йуқ бўлсин.

⁴ Ало — бу ерда: юксак, олий.

⁵ Рағми — бу ерда: бирор кишининг хоҳишига қасдма-қасд, тескари.

⁶ Маош — тирикчилик, яшан.



195

Юз жаҳд ила етмай санга, эй оӣ, нетай?
Ҳажринг аламида неча йиклой, нетай?
Йўқ санга вафою раҳму парвой, нетай?
Эй вой, нетай? Вой, нетай? Вой, нетай?

196

Мен неча жафою жаврунга сабр этай?
Бир зарра вафою меҳр йўқ сенда, нетай?
Чун бошим аёвнингга қўярға ярамас,
Бошимни олиб аёқ етганча кетай!

197

Аҳбоб, фироқингиз била эл нетай?
Сизларга киши не чора айлаб етгай?
Жамбиятингизни жамъ тутқай Тенгри,
Бобурни дори бу жамъда жамъ этгай.

198

Қосидки йибординг, айлади шод мени,
Доим бу йўсуңлуқ айлагил ёд мени.
Озодингга қул бўлайки, хаттинг кетуруб,
Ҳажринг вамидин айлади озод мени.



199

Ҳар ким деса бурно ё агар ёнгла мени,
Ўзунга мусоҳибу¹ муҳиб англа мени.
Бу кун мени ёд этиб, унутма тонгла,
Зинҳорки, кўз тут ушбу кун тонгла мени.

200

Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.
Кузни ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмуни била қулоқни пурдур² қилди.

201

Ҳижрон ғамидин заиф жоним сулди,
Фурбат алами бирла ичим қон бўлди.
Юз шукрки, мунча йилги ғам бирла алам
Роҳат била ишратқа мубалдал ўлди.

202

Толёй йўқи жонимға балолӣғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим — хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!

¹ Мусоҳиб — ҳамсуҳбат.

² Пурдур — дурга тўла.



203

Хуснуңки сениңг шухраи оҫоқ үлди,
Жон бирла кўнгул васлиңга муштоқ үлди.
Ҳажринг аро интизор ҳаддин ошти,
Кел ё мени иста — тоқатим тоқ үлди.

204

Идрокиңгү табу хушунга банда бўлай,
Овозу усулу жўшунга банда бўлай.
Тақсим қилурда нақилларга абёт¹,
Таъриб² била ўқушунга банда бўлай.

205

Бу чехраи зардимдин уёлсанг, нетгай?
Раҳмат назарини манга солсанг, нетгай?
Бир ишва била кўнгул бериб Бобурга,
Бир бўса била кўнгулни олсанг, нетгай?

206

Гар сидқ била бировки, ошиқ бўлмай,
Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлмай.
Пир оллида топқуси мурудин бешак,
Ҳар кимки, агар муриди содиқ бўлмай.

¹ Абёт — байтлар, шеърлар.

² Таъриб — сўзни араб тили қоидаларига мувофиқ та-
лаффуз қилиш.



207

Пинқинг, истаї, ихтиёрсиз қилди мени,
Сабримни олиб, қарорсиз қилди мени.
Олам эли ичра орсиз қилди мени,
Зухд аҳлиға эътиборсиз қилди мени.

208

Ҳар вақтки, кўргасен менниг сўзумни,
Сўзумни ўқуб, соғингасен ўзумни.
Васлиниги билан кўнглумни Худої айлаб шод,
...¹ ёрутти юзунг билан кўзумни.

209

Бобурки, демас ҳар кишига ҳар сўзини,
Элчинга деди вале саросар сўзини.
Султонали ар сўзум сенга деса, не тонг,
Оре, лақу дақ² дегай қаландар³ сўзини.


210

Келмас кўзума қуёш киби гар мингдур,
Ёқмас менга гар ой минги янглиғ мингдур.

¹ Қўлёмада тушиб қолган.

² Лақу дақ — мулоҳаза қилиб ўтирмай, шартта-шартта гапириш.

³ Қаландар — дарвеш, тарки дунё қилган киши.




Гил бирла гул ичра фарқ эта олмасмен,
Гулхан бида гулнан менга әмди тенгдур.

211

Кўнгулки, әрур қуёш киби юзунго,
Йил ўтди-ю, келмади бу сори ул моҳ.
Тил бирла кўнгул ишқ аро бир қилдимү бас,
Ёр оғритти ваяин кўнгулни аммо.





ШУҶОҚЛАР

1

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўн ёмон ёро манга,
Марҳами дутфунг била ёро манга.

2


Улки, ҳар кўзи вазоли Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўн ёлвон айтти ул манга,
Гар десам ёлвончи они чиндурур.

3

Мени беҳол айлаган ёр ойдурур —
Қим, онинг васли менга ёройдурур.
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим
Ё Хурӯсон, ё Хитой, ё Ройдурур.

4

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
Кўн ёмондур, дарди ишқидин танинг.
Ҳар печа кўзум оч эрса, кўз тўёр
Гар очилса сиймдек нозик танинг.



5

Меҳрим¹, кўкка қилур оҳанг тонг,
Оллида бўлса, эмас беранг² тонг.
Холию икки лабидек бўлмагай,
Ҳинду ар келтурса шаккар танг-танг³.

6

Кел, қилайи жонни нисоринг, о ёрим,
Нақди жонни борму сендин оёрим?!
Бўса берсанг гар тамом овзинг била,
Кунжи овзингдин олойин оёрим.

7

Сен киби бир дидрабони билманам,
Ошиқи содиқки дерлар, бил, манам,
Қил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз⁴,
Ўзга ошиқ ашки янглиф билманам.

8

То чиқарди хат узори покидин,
Гул юзи озурда бўлди покидин.

¹ Меҳр — қуёш.

² Беранг — рангсиз, кўримсиз.

³ Танг-танг — той-той, тўп-тўп.

⁴ Тенгиз — денгиз.



Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

9

То кўнгул бердим ўшал қойсорига,
Борғонини билмадим қой сорига.
Дўстлар, ёрға мени совиндурунг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қойсорига¹.

10

Шаҳ, суңурай остоиниң юз ила,
Тийманақдин неча урай юз ила,
Икки юзлук муддаийдин не ваним,
Гар ишим тушса алардин юзила?!

11

Не бало бийиңтурур² давлат тоғи,
Кўҳи вани не билур давлат тоғи.
Ҳиммате тут, доғи давлат истағил,
Ҳимматиниң бўлса, бўлур давлат тоғи.

12

Жонға солди даҳр гурбат норини,
Кўз ёшим бўлди муғулнинг норини.

¹ Қойсор — қайсар.

² Бийиқ — буюк, ултур, баланд, олий.



Бу арада мен дегандек бұлмаса,
Кўзлай Иссиккўлу андин порини.

13

Қадимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум вamu андуҳ ўтива ёқилди.
Ҳолимни сабова айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!





КҮНҮГҮ АЛАП

1

Эй аларким, бу Хинд кишваридин
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.
Кобуду хуш ҳавосини соғиниб,
Хинддин гарм¹ бордингиз ул дам.
Кўрдингиз — топтингиз экин анда
Ишрату айш бирла нозу ниам?²
Биз дори ўлмадуқ, бихамдиллоҳ,
Гарчи кўп ранж эди-ю, бехад кам.
Ҳаззи нафсий, машаққати баданий,
Сиздин ўтти-ю, ўтти биздин ҳам.

2

Даврон вами била ситамини унуттурур
Ул сабзчеҳра³ ёр хаёли аладдавом⁴.
Ҳижронда хаёл эта олмон, бу турфаким,
Васлида ҳам хаёл агар бўлса, борча хом.
Васфида хомлик агар ўлса, не камдурур,
Чун дафъ эгар хаёли ва муғуссани тамом.
Чун ёри роздор⁵ қилурман сени хаёл,
Асрор фош айлама зинҳор, вассалом!

¹ Гарм — иссиқ, қизил.

² Нозу ниам — нозу неъмат.

³ Сабзчеҳра — буёдойранг.

⁴ Аладдавом — доимо.

⁵ Роздор — сирдош, ишончли.



3

Бобур ниёзу мадҳини еткуртил, эй сабо,
Ул шаҳзода Посир¹ олижанобқа.
Бўл ою йил фаровату хушбошлиғ² била
Бўлгунча моҳу сол³ ою офтобқа.
Ҳижрон чўлида жаҳд била пуялар⁴ уруб,
Истаб зилоли васл, етиштим саробқа.
Чун хост мундоқ эрдик, ҳажрингни чеккамен,
Бехост ражъат⁵ айламинам Андаробқа.

4

Эйки, тарғиб қилурсен човир ичмакка мени,
Созу хонанда била соқию саҳбо борму?
Бовужудики⁶, ўтубтур човир ичмак вақти,
Мажлис асбобини, билмонки, муҳайё борму?

5

Ноумид бўлдум, эй Мўғул, сендин,
То эшитгимки, Андижон бординг.
Айтрон сўзга келдим, аммо, сен
Яхши келдинг демай, ямон бординг.

¹ Посир — Бобурнинг укаси Посир Мирзо.

² Хушбошлиғ — хушвақтлик.

³ Моҳу сол — ою йил.

⁴ Пуя — слиш, югуриш.

⁵ Ражъат — қайтиб келиш.

⁶ Бовужуди — шундай бўла ҳам, агарчи.



6

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳлидин юв илик!
Бобуро, икки подшоҳнедин
Яхшироқ бу замонда бир беклик.

7

Муяссар ўлса агар ёр васли ғурбатга,
Ватани не қилаю ўз диёр нега керак?
Иборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?!

8

Не суд андин ной дар гиллим¹,
Чу ал² дўстлардин ул ой юб эмиш.
Ўзин фориғу бизни қилвон асир-
Ким, эрмиш бу янглиғ ул Айюб эмиш.

9

Тамоми ҳусн эли соғу хушёр эканда,
Дурушту³ тунд агар бўлсалар, билингки, еридур.
Човир керакки, ичиб, базм бўлса, барча йиғитлар,
Човир кетур, бори хўблар човирга тушқуларидур.

¹ Ной дар гил — оёви лойга ботган; мажозан: гирифтор.

² Ал — қўл.

³ Дурушт — қўпол, дараф.



10

Не қилайин сенинг била, эй тил,
Жихатингдин менинг ичим қондур!
Печа яхши десанг бу ҳазл ила шеър,
Бириси фаҳшу бири ёлфондур.
Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин¹ ёндур!

11

Ул сарвнинг ҳаримиға² гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид,
Солювой Худой раҳмин Фўлод³ кўнглига.

12

Бу вилоятка муқайяд⁴ бўлмағил,
Кел, Хурожон жонибиға⁵ азм қил!
Гар борур бўсанг, эрурмен ҳамраҳинг,
В-ар турарсен, мен борурмен жазм қил!

¹ Арса — майдон.

² Ҳарим — ҳарам, хос маъни.

³ Фўлод — Муҳаммад Шайбонийхоннинг набираси. У 1528—1529 йилларда онаси Меҳр хоним билан Ҳиндистонга — Бобур ҳузурига элчилар юборган.

⁴ Муқайяд — боғланиш, бағд. гирифтор.

⁵ Жониб — томон, тараф.



17

Хурӯсонға ўн ой тортиб черик, Кобул сори ёндук¹,
Қини ичра Чихчирон бирлаким, ул йўл ваҳми
жон олди.

Бу фурсатта киши ўтмойдурур ҳаргиз бу
добондин,
Биз ўтгук, лек элининг илик-оёғин совуқ чолди.

Печа кун қор тешиб, муз ёстошиб, ташвини ила
қўндук,
Совуқу қор асру беҳад учун эл кўнгул солди.

Жебао² отлари элининг қолди аксар йўл ёмон
учун
Бу юрушта зиён қўб бўлди, боре яхши от қолди.

18

Эйки, дебсен лутф этиб, лутфи итобомез³ ила:
«Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамини шод бўл!»
Мендину кимдин яна бордур ниқори⁴ хотиринг?
«Мендину кимдинки кўнглунг истамас, озод бўл!»

19

Фирӯқинг ўлтурур охир мени дилхастани бешак,
Мени ўлтур висолингда, не яъни андоқ ўлтурмок.

¹ Ёнмоқ — жунамоқ, етмоқ, қайтмоқ.

² Жеба — совут.

³ Итобомез — қаҳр билан, ваъиб аралаш.

⁴ Ниқор — кек, гина, ихтилоф.



Печа носих насиҳат дегаю, мен ҳам не
қилваймен?
Азалда чунки бордур бу кўнгулга кўргүлук
эмгок¹.

20

Тариқи фақр² сулук аҳлига³ не хуш йўлдур,
Вале бу йўлда керакликтурур рафиқи шафиқ⁴.
Тариқи фақр агар истасанг, бери келким,
Сулук аҳли демин: «алрафиқу сумма тариқ»⁵.

21

Отани чунки қибла дебтурлар,
Қибла янглиғ анга назар қилвил.
Ота офритма, эй отам, зинҳор,
Ота озоридин ҳазар қилвил.

22

Билур жаҳон эликим меҳмон зиёфатидин,
Менинг тариқим эмас ижтиноб қилмоғлиқ.
Ҳаво хуш эрди-ю, аҳбоб дори қўймадилар:
Зарурат ўлди човир иртикоб қилмоғлиқ.

¹ Эмгок — меҳнат, машаққат, қийинчилик.

² Фақр — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фиқат Ҳаққа муҳтож бўлиш.

³ Сулук аҳли — суфийлар.

⁴ Шафиқ — шафқатли, марҳаматли.

⁵ Маъноси: аввал ҳамроҳ танлаб, кейин йўлга чиқ.



ШИҶРҶИЛИКЛАР

Тутмавил, эй гул, равоким, ишқинг ичра ҳар ғариб,
Ерга бош қўйвай хазон яфрони янглиғ сарғариб.
Шаҳрдин безор бўлса, не ажаб, безар киши,
Ишқ аро бемор бўлса, тонг эмас, бемар¹ ғариб.

* * *

Ёр кўб бемехрдур, толей баче ноиғтамид²,
Ваҳки, кун-кундин бўлурмен ўз-ўзимдин ноумид.
Васл борондек кўнгулдин, борди илғимдин кўнгул,
Не менга андин хабардур, не анга мундин
навид³.

* * *

Келки, бормаи, сени кўрмаи юз туман армон била,
Мақдамингда⁴ нақди умрум сарф айлай жон била.
Печа истарсен менинг дардимга дармон, эй табиб,
Ишқ дарди яхши бўлғайму экин дармон била?

* * *

Печа меҳрсизлиқтин ҳижрон йўлига борғай?
Ким бу йўлдин, эй кўнгул, ул қуёшни қайтарғай?
Ҳеч эшитмайин сўзни, ғамга солдилар ўзни,
Ё кўнгулни, ё кўзни, — қайси бирисин қарғай?

¹ Бемар — беҳисоб, ҳаддан ташқари.

² Бу сўз ноэътимод — ишончсиз бўлса керак.

³ Навид — хушхабар.

⁴ Мақдам — келиш, таъриф буюриш.



* * *

Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл беғам,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл хуррам.
Эл ҳамдами бўлганда, ишқингда вamu меҳнат,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл ҳамдам.

* * *

Хаёл этсам ул белини, ҳол элтадур,
Мени бели сори хаёл элтадур.
Қадининг хаёлин кўз асраб магар,
Кўнгул равзасига ниҳол элтадур?

* * *

Эй хуш улким, қилса вamдин кўнглини огоҳ ишқ,
Айласа беғамлиғининг қиссасин кўтоҳ¹ ишқ.
Ваҳ, не кун бўлмайки, қовлаб ақлу дониш²
хайлини,
Бўлса жон бирла кўнгулнинг кишварида³ шоҳ
ишқ.

* * *

Сафар азмини қилдинг, мен бораолмай туруб
қолдим,
Назар лутфини қилдинг мендину мен телмуруб
қолдим.

¹ Кўтоҳ — қисқа, калта.

² Дониш — билим, маърифат.

³ Кишвар — ўлка, мамлакат, иқлим, вилоят, шаҳар.



Анингдек тунд сурди ҳажр раҳшини¹ ул
қароқўзлик,
Йироқтин юз алам бирла қаросини кўруб
қолдим.

* * *

Сени кўрмаслик кўнгулга вам эди, жонимға ҳам,
Ғайрнинг кўрмаклиги бўлди алам узра алам.
Ё сенинг кўрмаклигингдин ғайр бўлса эрди дафъ,
Ё сени кўрмайдурурмен, ғайрни ҳам кўрмасам.

* * *

Қади фурқати мени дуто² қилур,
Қоши ҳажри қоматимни ё қилур,
Неча ғайрға ул ой вафо қилур?
Неча жонима менинг жафо қилур?



¹ Раҳш — югурик от, тулпор.

² Дуто (ҳ) — икки букилган, эгилган.



МАСНАВИЙЛАР

1

Сабо, ул гүл ҳаримиға гузар қил,
Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил.

Саломим еткур ул ороми жонға,
Яна мундоқ дегил ул дилситонға:

«Юзунгни кўрсатиб, кўнглумни олдинг,
О.ниб кўнглумни, кўздин мени солдинг.

Дегил дилдорлив мундоқ булурму?
Тариқи¹ ёрлив мундоқ булурму?


Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,
Бу янглив раҳмез ҳам билмас эрдим.

Сени деб барча оламдин кечибмен,
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале, бордур сенга мендин фароғат.

Мени аввал ўзунга ҳамдам эгтинг,
Ёна билмон нега помахрам эгтинг.

¹ Т а р и қ — йўл, йўсин, одат, расм.



Сўзунгким, Хизр суйидин нишондур,
Вале, ул сув киби мендин ниҳондур.

Не, яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ?

Бировнингким, бировдин кўнгли қолтур,
Киши юз сўз билла кўнгулни олтур.

Ажабким, мендин, эй дилдор, тўйдунг,
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдунг.

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни,
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

Агарчи кўп сўзунг бор, мухтасар қил,
Ул ойға сўзнинг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким, ёшурдунг, айтмассен,
Бу янглив одатингдин қайтмассен.

Сенинг севмаслигингни жазм этармен,
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ ўлтур печу тобим».



Эй пайки сабо, қотимва келгил!
Эшит бу сўзумни, доғи билгил!

Елдек етиб ул қуён қошиға,
Қуён киби эврулуб бошиға.

Юз ҳасрату интиёқ бирла,
Юз минг аламу фироқ бирла.

Мендин тобувида бўйла¹ арз эт,
Бу хидматни ўзунга фарз эт:

«К-эй подшаҳи вилояти ҳуси!
Шаънингда келибтур ояти ҳуси!

Сен ҳуси сарири² подшоҳи!
Мен инқ фақири додхоҳи!³

Ҳажру вамишг этти зулму бедод,
Эй жону жаҳон, фиғону фарёд!

Ойрилвали, эй нигор, сендин,
Ойрилди ҳушу қарор мендин.

¹ Бўйла — бундай, бу хил.

² Сарир — тахт.

³ Додхоҳ — адолат истовчи, даъвогар.



Үнсәм аёвнинг кўюб юзумни,
Суртуб анга ҳар замон кўзумни.

Бўйишунга қўлум ҳамойил¹ этсам,
Сарвингни² ўзумга мойил этсам.

Гаҳ илжима фабрабингни³ олсам,
Гаҳ оғзима ул лабингни олсам.

Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,
Юзумни кўтармасам юзунгдин.

Гаҳ оғзимга тилингни олсам,
Гаҳ оғзинга тилимни солсам.

Ҳосилки, агар қошинга етсам,
Кўнлум тилаганча ишрат этсам.

Юзунг яна кўрсам эрди, эй жон,
Ўлсам доғи қолмас эрди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,
Ёдинг билла ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар билла шод,
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

¹ Ҳамойил этмоқ — қучмоқ.

² Сарв — бу ерда: қомат.

³ Фабраб — ияк.



Маҳжур кўнгулни шод қилмай,
Яхши сўз билла ёд қилмай.

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр билла хитоб этарсен.

Гар ёлғони бўлса зоҳир¹, эй дўст!
Шарманда бўларсен охир, эй дўст!

Эй ёр, сен айлама тасаввур-
Ким, кўнгулни ўзга қилди Бобур.

Юз хурсифат қонимва келса,
Юз тифи жафё бонимва келса.

Кўнгулумда ҳануз ўшал вафодур!
Бонимда дави ўшал ҳаводур!

Фикрим ўшалу хаёл ўшалдур!
Дардим улу зор ҳол ўшалдур!

Гар мунда тараддуд этса ойим,
Бу сўзда гувоҳ эрур Худойим.

Ҳол ул эдиким, ҳикоят этгим,
Гаҳ шукру гаҳи шикоят этгим.

¹ Зоҳир — ошкор, аён.



Ҳар неки кўнгулда эрди — дедим,
Эмди сендин будур умидим:

Ҳар ишта шитоб қилмағайсен!
Бу тавр итоб қилмағайсен!

Қолғон кўнглумни олғасен бот,
Олғон назарингни солғасен бот.

Тар яхшию тар ямон қилурсен,
Дедим санга, эмди сен билурсен.

То даҳрдурур, саломат ўлғил!
Хушлуқ билла то қиёмат ўлғил!

Хушвақтларинг мудом бўлсун!
Давлат санга мустадом¹ бўлсун!

3

Хотиримни тилар жанг, кел, қўй!
Бу сўзумни эшиттил, эй ел, қўй!

Ул парининг ҳаримига гузар эт!
Мени девона ҳолидин хабар эт!

Дегил аввал анга саломимни,
Яна арз айла бу наёмимни-

¹ Мустадом — давомли, доимий.



Ким: «Саиға номалар равон қилдим,
Ҳолатимни борин баён қилдим.

Сени дедим умид ила, эй ёр-
Ким, олиб кўнглум ўлғасен дилдор.

Иўқким, кўнглумга жавр қилгайсен,
Ёрлиғни бу тавр қилгайсен!

Кам эмас эрди ёр оламда,
Ҳар тараф ёр бор оламда.

Боридин сени ихтиёр эттим,
Жонни ишқингда беқарор эттим.

Гарчи, кўп фурқатингда қон ютгум,
Лекин, доим висола кўз тутгум.

Билмадимким, фироқ кўргаймен,
Меҳнати иштиёқ кўргаймен.

Номалар ёздим изтироби била,
Сарфароз этмадинг жавоб била.

Мунча чоғлиқ ниёз зоҳир этиб,
Мунча сўзу гудоз¹ зоҳир этиб.

Бўлмади, эй нигор, нозинг кам,
Не қилай, элдин эҳтирозинг² кам.

¹ Сўзу гудоз — куйиб кўл бўлиш; мажозан: вamu алам,
ларду куста.

² Эҳтироз — ўзини четта олиш; ҳазар қилиш.



Ғаму дарду алам била тўлдум,
Охир ул-амр¹ ноумид ўлдум.

Ноумид ўлуб, ўлтуруб эрдим,
Мутаҳаййир² бўлуб, туруб эрдим-

Ким, яна нома бирла ёд эттинг,
Қайғулуқ хотиримни шод эттинг!

Қўюбон бошқа беқарор ўлдум,
Яна боштин умидвор ўлдум.

Ўлутқлар айладинг, вале, не суд?!
Эмдиким, васл ишидурур нобуд.

Эй жафожўй, мундоринг бор эмиш,
Кўнглунг, эй ёр, мунча юмшор эмиш.

Не баю, бердинг ингизор манга,
Кўп жафо қилдинг, эй нишор, манга.

Бу қулунг санга чун керак эрди,
Бу иноят бурун керак эрди.

Эмдиким, ваъдага вафо қилдинг,
Мени ўзунгга ошно қилдинг.

¹ Охир ул-амр — натижада, оқибатда.

² Мутаҳаййир — ҳайрон.



Ҳеч билмонки, чинмудур бу сўзунг,
Яхшиликқа яқинмудур бу сўзунг?

Ё бу ҳам ишваю фирибмудур?
Дўстлуқта булар ҳасибмудур?¹

Ёрлиғни, агар, қилур бўлсанг,
Ёрлиғ таврини билур бўлсанг.

Аҳду қавлунг² дурусту маҳкам қил!
Ваъда чун айладинг, вафо ҳам қил!

Чун бу дам васл иши йироқдурур,
Кўнглумиз хастаи фироқдурур.

Ҳар қачон васл иши ёвуқлашса,
Ғаму ҳижрон черики тарқашса.


Ёнмоғил айтқон ҳадисингдин!
Тонмағил айтқон ҳадисингдин!

Шодмон қил мени висол била,
Ихтилот эт бу хастаҳол била.

Банда Бобурни муҳтарам қилвил,
Маҳрам эт васлингга, карам қилвил!

¹ Ҳасиб — ҳисоб.

² Қавл — сўз, гап.



Санга кўнглумдагин дедим, эй ёр,
Эмди сендин жавоб умидим бор.

Хат жавобиға йўлда бўлди кўзум,
Вассалом, эмди хатм¹ бўлди сўзум».

4

Эй сабо, елмакни кўйгил, ҳазм² қил!
Сарвинозим кўйи сори азм қил!

Ел киби ет сарвинозим қошиға!
Ҳам қуюндек эврул онинг бошиға!

Бош кўюб ерга, ниёзим арз қил!
Сўржа ҳолим сарвинозим, арз қил!

Ойтгил ул ҳусн мулки хониға,
Демайин хон, балки жонлар жониға:

«Кўрмайин юзунгни бемор ўлмишам,
Ғойибона ошиқи зор ўлмишам.

Ҳеч билмонким, билурсен, эй нигор-
Ким, неча йилдур чекармен интизор.

Бир дови ёд этмадинг бу неча йил,
Хотирим шод этмадинг бу неча йил.

¹ Хатм — тугаш, гаюом бўлиш.

² Ҳазм — қатъий қарор қилиш.



Баҳрае кўрмай висолингдин даме,
Холи йўқ эрдим хаёлингдин даме.

Фикринг эрди дўстдору¹ ҳамдамим,
Ёдинг эрди вамгусору маҳрамим.

Зарра, эй ой, қилмадинг парво манга,
Не бало кўрсаттинг истиғно манга!

Қилмадинг бир зарра истиғнони кам,
Бу на истиғнодурур, эй жонакам?²

Сен бу янглиғ маст ҳуснунг жомидин,
Мен мўнингдек айру васлинг комидин.

Нечаким, қилдим вафо, кўрдум жафо,
Нечаким, кўрдум жафо, қилдум вафо.

Евушуб эрдимки, навмид ўлмамен,
Ишқдин бегона жовид ўлмамен.

Ишқ роҳу расмини унутқамен.
Зухд тавру шевасини тутқамен-

Ким, баякногоҳ келди қосиде,
Ёрдин огоҳ келди қосиде.

¹ Дўстдор — дўст туғиш, севиш.

² Жонакам — жонганим.



Васлидин бир мужда берди ул манга,
Йондин ортуқ мужда эрди ул манга.

Васфини нечук қилай бу мужданинг,
Чинини қандин билай бу мужданинг.

Бўлса чин бир нома келмасму эди,
Бир насими лутф елмасму эди?

Кўйгил, эй қосид, булар ёлвондурур,
Меҳру ҳусн аҳли бу не имкондурур?!

Мен кўрубмен хўблар жаврини кўп,
Мен билурмен хўблар таврини хўб.

Гар сўзунг чиндур, яна билмак керак,
Ёрдин бир хат олиб келмак керак.

Етгил аввал хидматига ёрнинг,
Бўйла арз эт ҳазратига ёрнинг:

«Яхши пайромингни еткурди расул,
Лутфу икромингни еткурди расул.

Гарчи қилдинг лутф, эй дилбар, манга,
Келмади лекин булар бовар¹ манга.

¹ Бовар — ишонч, ишонинг; тўғри, ҳақиқат.



Ҳажр ўтифа неча ёнсун бу кўнгул,
Андоқ айтгилким, инонсун бу кўнгул.

Гар вафо қилмоқ хаёлинг бордурур,
Қўй жафониқим, кўнгул музтардурур.

Бир иноятнома бирла ёд қил!
Қил иноят, хотиримни шод қил!

Ё мени қошинга еткур, қил карам,
Ё қошимга кел, кўзумга бос қадам.

Ҳар неким кўнгулунга келса, эй пари,
Ул иноятномада ёзвил бари.

Гар сенинг васлинг умиди бўлмаса,
Васлингга етмак навиди бўлмаса.

Ўзга бўлмас ўзни билмаклик манга!
Балки мушқилдур тирилмаклик манга!

Васл ила фарсуда жисмим зинда қил!
Љуф ила Бобурни боштин банда қил!

Хат жавобига чекармен интизор,
Бот жавобини йиборгил, эй нигор!

Ҳар не кўнгулумда эди — дедим тамом,
Хатм бўлди сўзум, эмди вассалом!»



Бир кеча хотирим мушавваш¹ эди,
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ эди.

Даҳр ишидин фикон қилур эрдим,
Хотиримни ямон қилур эрдим.

Ҳар замон даҳрни хитоб қилиб,
Ўлтуруб, гаҳ кўнуб, шитоб қилиб.

Дер эдим: «Эй вафоси йўқ золим,
Зулмдин етти ўлгали ҳолим!

Зулмдин ўзга ишни билмайсен,
Мени мискинга раҳм қилмайсен.

Гар мен ўлтургулукмен — ўлтургил!
Йўқ эса, сўргулук эсам — сўргил!

Ҳар нечук тавр қил, бу жавр этма!
Ҳар нечук жавр қил, бу тавр этма!

Йўқ эди ҳеч ишим сенинг бирла,
Ненг² бор, эй даҳри дун, менинг бирла?

¹ Мушавваш — паршон, беором.

² Ненг — нейинг, ниманг.



Кунжи узлатта¹ ру² қилиб эрдим,
Ғаму меҳнатта ху³ қилиб эрдим.

Эй хуш улким, жамин ҳамдамдин,
Дема ҳамдамки, жумла оламдин,

Фориғ эрдим, қаноатим бор эди,
Қонс⁴ эрдим, фароғатим бор эди.

Гунае ихтиёр қилвон эдим,
Ғафлат уйқусидин ойилвон эдим.

Яна юз ишваю фириб билла,
Ҳеч билмонки, не ҳасиб билла.

Давлат ўтрусива мени солдинг,
Ғафлат уйқусива мени солдинг.

Бори аҳбобни қилиб масрур,
Бори аъдони айладинг мақхур⁵.

Ота тахтида фориғ ўлтурдум,
Бал, отам кўрмагани мен кўрдум.

¹ Узлат — ёлғизликни ихтиёр этиш. Кунжи узлат — таңқошик гунаси.

² Ру қилмоқ — майл қилмоқ.

³ Ху қилмоқ — одат қилмоқ.

⁴ Қонс⁴ — қаноат қилувчи.

⁵ Мақхур — мағлуб.



Олти ой ичра олти тахт олдим,
Етти иқлима, балки, кўз солдим.

Дедим, эмди муродима еттим,
Билмадимки, валаат хаёл эттим.

Ишрату айни вақти етган чов,
Меҳнату гўсса оти йитган чов,

Яна маҳруми хонумон қилдинг,
Яна оввораи жаҳон қилдинг.

Дарду вამни манга анис¹ эттинг,
Меҳнату ранжни жалис² эттинг.

Айни ила ишратимдин айрилдим,
Давлату иззатимдин айрилдим.

Давлату тахту иззу жоҳ³ қани?
Ҳамдаму ҳамнишинлар⁴, оҳ, қани?

Борди ул айшу комронликлар⁵,
Эмди ким кўрса ҳолатим — йиғлар.


¹ Анис — дўст, улфат.

² Жалис — ҳамсухбат, улфат.

³ Иззу жоҳ — наъату улүғлик.

⁴ Ҳамнишин — бирга ўтирувчи, улфат.

⁵ Комронлик — 1) бахт, толе; 2) қудратлилик, ҳукмронлик.



Кўрсатиб давлат, эмгакинг на эди?
Ерга урдунг, кўтармагинг на эди?

Бу нечук зулмдур — ниҳояти йўқ?
Бу на янглиғ ситамки — ғояти йўқ?

Даҳрға не вафодуру не раҳм,
Даҳр кўп бевафодуру бераҳм.

Йўқтурур меҳри ҳеч кишига анинг,
Ўйтимод этма ҳеч ишига анинг.

Гоҳ куфр аҳлини мусаллат¹ этар,
Аҳли диннинг ишини мунҳат² этар.

Гоҳ бир қулни подшоҳ қилур,
Шоҳни банда гоҳ-гоҳ қилур.

Гоҳ жоҳилини сарбаланд³ айлар,
Гоҳ оқилни пойбанд⁴ айлар.

Жону кўнглида жуз жаҳолат йўқ,
Ҳеч ишида анинг адолат йўқ.

Не вафо қилганини билса бўлур,
Не жафосига сабр қилса бўлур.

¹ Мусаллат — қолиб.

² Мунҳат — наст, қуйи.

³ Сарбаланд — боши юқори, юксак.

⁴ Пойбанд — оёғи боғлиқ.



Не қилай, не кишидин истай дод?
Кимга даҳр илгидин қилай фарёд?

Даҳри дундин шикоятим кўптур,
Даҳр элидин ҳикоятим кўптур!»

Ушбу ҳолатта нотавон кўнглум,
Ғуссадин тошмоғон омон кўнглум.

Ўз қатиқ ҳолатига йиғлар эди,
Кўз қатиқ ҳолатига йиғлар эди.

Келди бошимга субҳидам¹ охир,
Меҳрдин урди субҳ дам охир.

Мени ўз деди меҳрибонлиғидин,
Печа сўз деди меҳрибонлиғидин.

Манга сўзларки, тонг бу тун қотти,
Жонима ўқлар эрди, тонг отди.

Субҳи содиқлиғи² чу зоҳир эди,
Нафаси субҳнинг муассир³ эди:

«К-эй фалони, бу не разолаттур?
Не жаҳолаттуру не ҳолаттур?

¹ Субҳидам — тонг, эртаiab.

² Субҳи содиқ — ҳақиқий тонг, тонг отиш пайти.

³ Муассир — таъсирчан, ёқимли.



Печа дунё вамидин этмаклик,
Кўп сўз онинг учун эшитмаклик.

Арзимас кам смакка бу дунё,
Бал, отин ҳам демакка бу дунё.

Тамаъ узгил бу эски дунёдин,
Хотирингдин чиқар бу дун ёдин.

Давлат учун кўнгулни зор этма!
Иззат учун ўзунгни хор этма!

Кўз очиб-боққуча сафо йўқ анга,
Кўз юмуб-очқуча бақо йўқ анга.

Даҳрдин кимга бўлма мултамаси¹,
Беш² эмас орзу била ҳаваси.

Нафсининг касбидур ҳавою ҳавас,
Рух олидадур булар ярамас.

Нафе душмандурур яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Душманедур, агарчи, ўтру эмас,
Лек, бир лаҳза сендин айру эмас.

¹ Мултамас — илтимос қилинган, сўралган.

² Беш — кўп, ортиқ, зиёд.



Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,
Жисминг уйида ўғридектур нафс.

Бурновилар сўзин назар қилвил,
Уйини ўғрисидин ҳазар қилвил.

Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,
Қодир ул ҳарна сўз десанг сўзунгга.

Неча нафс илқида забун бўлмоқ,
Сухраи¹ зумраи² жунун бўлмоқ.

Не десанг нафсининг ризоси била,
Неки қилсанг анинг ҳавоси била,

Фисқ қилмоқдин ўзга фикринг йўқ,
Фаҳш демақдин ўзга зикринг йўқ.

Уйла разлу³ лаванд ўлубсенким,
Халқ аро ринханд⁴ ўлубсенким.

Ҳар замон бир лаванди масхарае,
Маъсият дудидин юзи қарае.

Ўзни ёндоштуруб ўзунг бирла,
Сўзни чирмаштуруб сўзунг бирла.

¹ Сухра — масхара, кулиш.

² Зумра — бу ерда: гуруҳ, жамоат.

³ Разл — разил.

⁴ Ринханд — масхара.



Они ўзунгга сен билиб ҳамдам,
Они сўзунгга сен қилиб маҳрам.

Қилғасиз халқни туман вийбат,
Дегасиз отингизни хушеухбат.

Ҳар ямон бор — ёр қилгайсиз,
Ҳар ямонлиғки бор — қилгайсиз.

Ногаҳон бир жавон¹ гузор айлаб,
Олинда ўзни беқарор айлаб.

Ҳар йиғитким, кўрунса ҳол қилиб,
Кейинда юз туман хаёл қилиб.

Бу не умру бу не балолиғдур?
Бу не тавру не юз қаролиғдур?

Йўқтурур ҳеч эътимид² санга,
Тенгридин йўқмудур умид санга?

Лодалиғ³ бирла умрум ўтти, нетай?
Қай сориға бу умр бирла кетай?

Умр вафлатта ўткариб борасен,
Эй йиғит, воқиф ул, қариб борасен.

¹ Жавон — ёш, усирин.

² Эътимид — эътимод.

³ Лода — аҳмоқ.



Ҳақ таоло нега яратти сени?
Одамийлар сонига қотти сени-

Ким, ўзунг бирла фикр қилвайсен,
Ғафлат уйқусидин ойилвайсен.

Билгасен жаҳд ила бори сифатин,
Қилгасен дарк¹ Тенгри маърифатин.

Рост қилвайсен эътиқодингни,
Билгасен мабдаъю² маодингни³.

6

Ҷисмингга заъф эса, жоним садқа!
Ҷонингга икки жаҳоним садқа!

Кўзунгга бу тани бемор фидо,
Белингга бу бадани зор фидо!

Сенезин жисм била жонни нетай?
Дард сендин эса дармонни нетай?

Манга сенсен бу жаҳондин мақсуд,
Не жаҳон, жисм ила жондин мақсуд.

¹ Дарк — идрок, фаҳм.

² Мабдаъ — бошланиш, асл, асос.

³ Маод — қайтиш жойи, у дунё.



Қоматинг янглиғ узун ёш тонқил!
Умр ҳуснуниги киби дилкан тонқил!

Қосидинг келди — сафо келтурди,
Хабари меҳру вафо келтурди.

Номани манга равон айлабсен,
Ўрни йўқ жисмига жон айлабсен.

Кўрубон номани ўздин бордим,
Ўқубон сўзини сўздин бордим.

Кўргач-ўқ кўзума сургуб ўнгум,
Ўнгач-ўқ бошига кўюб кўнтум.

Борча мазмуни анинг хуб эрди,
Бори лафзи дави марғуб эрди.

Ёрда меҳру вафо бор эрмиш,
Ли.лаҳил-ҳамд, вафодор эрмиш.

Туну кун фикру хаёлим будурур,
Ою йил тавруму ҳолим будурур.

Ҳажрининг кулбасидин кетгаймен,
Васл қошонасиға етгаймен.

Васлинга Тенгри мени еткурса,
Ўтф элиб, манга сени еткурса.



Етгач-ўқ эврулайин бошингдин!
Ғойиб ўлмай нафасе қошингдин!

Мен демасменки, дудовини ўнай,
Ғар илик берса, аёвини ўнай.

Бир замон холи эмон фикрингдин,
Бир нафас юфил эмон зикрингдин.

Ғар десам жисм ила жондин сен-сен,
Ғаразим икки жаҳондин сен-сен.


Ой юзунг йўқда қаро кун бўлсун!
Еру кўк остину устун бўлсун!

Ғар не кўнглумда эди мен дедим,
Энди сендин будурур уммидим:

Меҳрини расмини унутмаюсен,
Бевафалиқ йўлини тутмаюсен.

Буриғидек мени ёд этгайсен,
Хотири хастани шод этгайсен!

Ғайри ихлосу дуо бирла салом,
Не дейин ўзга, сўзум бўлди тамом!



Найлайини муршиду нетай иршод?¹
Қобилият қашю истеъдод?

Мустаъид² бўлу қил ўзни қобил,
Файллар то санга бўлрай восил.

Сенда не саъю ўзингда не қабул,
Не ишинг яхши, не сўзунг мақбул.

Не оёқким, талабида юругай,
Не кўнгулким, ҳавасида чуругай.

Не анинг ишнини қилмоққа илик,
Не анинг кунҳини³ билмакка биллик.

Шаҳвату нафе гирифторисен,
Дад⁴ била дев намудорисен.

Шаҳвату нафе қавий⁵ душмандур,
Мини сенингдекни забун қилвондур.

Лаззати егулуку ичкулуғунг,
Хушийи кайфияту ичкулуғунг.

¹ Иршод — йўлга солиш, раҳнамолик қилиш.

² Мустаъид — муносиб, лойиқ.

³ Кунҳ — асл, ҳақиқат, моҳият.

⁴ Дад — йиртқич, ёввойи ҳайвон.

⁵ Қавий — кучли.



Мазаи ашрибаю¹ ҳаззи яхоб²,
Ҳолату нашъаи маъжуну шароб.

Хурванлар³ била ҳамдаст⁴ ўлмоқ,
Майкаш⁵ эл бирла ичиб маст ўлмоқ.

Нашъаи субҳу сабуҳий нашъа,
Майкаш эл қуввати руҳи нашъа.

Тунд раҳингни миниб елдурубон,
Элга ўзни танииб — билдурубон.

Ҳукмунг ўлмоқ бори элга жорий,
Сўзунг ўлмоқ бори ерда кори⁶.

Тобъинг мулки Хуросон бўлмоқ,
Ҳинду Чин олмоғини осон бўлмоқ.

Қуллуку хидматинг этмак йилу ой,
Насли Ҷўжию уруғи Чиватой.

Борча ишга бўлубон дастрасинг⁷,
Келиб илқинга, неким, бор ҳавасинг.

¹ Ашриба — ичимликлар.

² Яхоб — муз солинган сув, муздай сув.

³ Хурван — ҳурга ўхшаш, гўзал.

⁴ Ҳамдаст — қўлдош, ёрдам берувчи.

⁵ Майкаш — майхўр.

⁶ Кори — амада, таъсирли.

⁷ Дастрас — 1) етишин, эришин; 2) имконият, қудрат.



Умр рафлат била ўткормишмен,
Нафс буйруви била бормишмен.

Нафс ёвчисини¹ маълуб этгил!
Ишларимни борини хуб этгил!

Бори ҳаздин мени осон ўткар!
Ишларимни менинг осон буткар!

Гўшу² ҳушумни сўзунг сори қил,
Жону кўнглумни ўзунг сори қил!

Ғамларинг бирла овут кўнглумни!
Маърифат бирла ёрут кўнглумни!

Қўйма Бобурни бу ҳолат бирла!
Они ўлтурма батолат³ бирла!

Бир кишини анга ғамхор этгил!
Ҳимматин бадрақаю⁴ ёр этгил!

Токи дардифа даво еткургай,
Тортибон они сенга еткургай.

¹ Ёвий — душман, ёв.

² Гўш — қулоқ.

³ Батолат — сустканлик, таибаллик.

⁴ Бадрақа — стакловчи.



Неча исён била олудаливинг,
Неча ҳирмон аро осудаливинг?

Неча нафсинга бўлурсан тобеъ,
Неча умрунгни қилурсен зоъё?

Нияти ғазв¹ илаким юрубсен,
Ўлмакингни ўзунга кўрубсен.

Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар.

Дур этар барча маноҳидин ўзин,
Аритур жумла гуноҳидин ўзин.

Хуш қилиб ўзин бу кечмакликдин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликдин.

Олтушу нуқра² суроҳию³ аёв,
Мажлис олоти⁴ тамомин ул чов

Ҳозир айлаб, борини синдурдум,
Тарк этиб майини, кўнгул тиндурдум.

¹ Ғазв — ғажот.

² Нуқра — кумуш.

³ Суроҳий — май идиши, қадах, жом.

⁴ Олот — асбоблар.



9

Кўнгулга дарду вами не ёвугай?
Ўзумни ову қуш бирла овугай.
Жаҳоннинг аҳлидин узгил тамаъини,
Бу олам ичра бўл озода, яъни.

10

Улки, гақдир хатин этти савод,
Айлади оқу қароши иршод.
Найваста қошини менга читиб,
Киршик ўқини менга отиб.

11

Эй қодири баркамол, Тангрим,
В-эй қоҳири¹ зулжалол², Тангрим.

Эй бергучи Биру бор³, Тангрим,
В-эй олғучи гирудор⁴, Тангрим.

Бўдмас сифатингни деса, нечун-
Ким, борсен, эй Худой, бечун⁵.

¹ Қоҳир — қаҳри.

² Зулжалол — улўлик эгаси. Оллоҳ сифатларидан бири.

³ Биру бор — Тангри.

⁴ Гирудор — фармон бериш, ҳукмронлик.

⁵ Бечун — ўхшаш иўқ.



Ар туфроқ эрур камолинг андин,
Афзууроқ эрур жалолинг андин.

Кўб сўз эшитилди маъфираттин¹,
Кўб нукта² дейилди марҳаматтин.

Ҳар сўзки эшитса, деса бўлмас,
Сўз борки, айтса — деса бўлмас.

Сомеъга³ агарчи кўб ҳавастур,
Сўз мунда етишти, эмди бастур.

12

Хуш ул кунларки, ошиқ эрдим,
Ишқ аҳли билла мувофиқ эрдим.

Ҳар не деса ишқдин, дер эрдим,
Ҳар вам эса ишқдин, ер эрдим.

Кўнглумда, кўзумда ишқ эди, ишқ,
Шеъримда, сўзумда ишқ эди, ишқ.

Не ёзда тинориму не кузда,
Не тоғда қарориму не тузда⁴.

¹ Маъфират — гуноҳларни афв этиш.

² Нукта — тирак маъноли сўз, ҳикмат.

³ Сомеъ — эшитувчи, тингловчи.

⁴ Туз — текислик.



Кўр сурати ишқким, бор уч ҳарф,
Уч ҳарфдурур¹ вале ҳар уч ҳарф.

Мажмуи ҳуруф² тўққуз ўлғай,
Ҳар ҳарфда бир ажаб сўз ўлғай.

Борини баён қилай, эшитгил,
Кўнглунгга аён қилай, эшитгил:

«Айн»и, яъники: айб қилма,
Бал, айб қилурни кўзга илма.

«Ё»си, яъни: йиридурур тавр,
Ҳар ёр тараҳҳум этса ё жавр.

«Нун»и буки: нанг³ бўлмағай ҳеч,
Ҳар нечаки ранг бўлмағай ҳеч.

«Шин»: шавқдурур шиори ошиқ,
Онсиз киши иши ори ошиқ.

«Ё»: ёд берур ягона бўлмоқ,
Олам аро бенишона бўлмоқ.

«Нун»и буки: бу ишинг ниҳон тут,
Дам урмаю ишқ ишида қон ют.

¹ Ҳарф — бу ерда: сўз.

² Ҳуруф — ҳарфлар, сўзлар.

³ Нанг — ор, номус.



«Ҳоф»и буки: қавлунга дуруст ўл,
Ишқ ишида сует бўлма, руст¹ ўл.

Айтай «алиф»ини, сенга, эй ёр:
Озор бу ишда чеккил, озор.

Бил охири жумла ҳарфи «фо»ни:
Бўл охири кори² ишқ, фоний³—

Ким бўлса бу васфларга мавсуф⁴,
Ул ошиқи комил, ўзгалар юф⁵.

Лекин бу демонки, ишқ бирдур,
Бу васфлар ичра мунҳасирдур⁶.

Сен демаки, ишқ ушбу-ўқдур,
Ишқ анвоъи, бил, асру чўқдур.

13

Эй хуш улким, бори элдин ёшурун,
Биз иков бўлсаку бир гўнаю тун.

¹ Руст — маҳкам, мустаҳкам.


² Кор — иш, амал.

³ Фонийлик — моддий боғлиқликлардан буткул қутулиб, фақат Худо ёди билан яшан, Худодан ўзгага эҳтиёжсизлик.

⁴ Мавсуф — васф қилинган, сифатланган.

⁵ Юф — бу ерда: ноқис маъносиди.

⁶ Мунҳасир — боғлиқ, мансуб.



Дафу¹ чангею рубобе бўлса,
Маю нуқлею кабобе бўлса.

«Дарраи нур»² майин нуш этсак,
Фами ҳижронни фаромуш этсак.

Мен ўзум ичсаму тутсам сенга ҳам,
Сен дави ичангу тутсанг менга ҳам.

Дам-бадам бодаи гулранг ичсак,
Тун яримреча ул ранг ичсак.

Маст ўлуб ётсак иков, андин сўнг,
Не ҳузур ўлуғси ётқондин сўнг.

Умр аксар бу тариқ ўтқарсак,
Хуштурур гар бу тариқ ўтқарсак.

14

Сипосу³ ситойиш⁴ Худовандра-
Ки, андин кушод⁵ ўлди ҳар бандра.

Анга не мисолу не монанддур,
Худовандларга Худованддур.

¹ Даф — доира, чилдирма.

² Афғонистон шаҳарларидан бирининг номи.

³ Сипос — таъриф.

⁴ Ситойиш — мақтов, ҳамд.

⁵ Кушод — очилиш, ечилиш.



Анга не амиру анга не вазир,
Анга не шабиху¹ анга не назир.

Не ёрою не ҳаддурур кишига-
Ки, дахл айлағай Тангрининг ишига.

Ёмонлиғ била яхшилиғ ул қилур,
Бурунғи била сўнгғини ул билур.

Азиз ул қилур, хор ҳам ул қилур,
Шифо ул берур, зор ҳам ул қилур.

Басе подшоғи гадо қилвай ул,
Гадоларни ҳам подшо қилвай ул.

Гадойиға бор шоҳлиқдин нуфур²,
Не шаҳлиққи, дорайиндин³ юз футур⁴.

Тилармен гадойиға бўлсам гадой,
Бу давлатни қилғай муяссар Худой.

Дейин ҳамдидин сўнг расулиға наът,
Илоҳики, тушғай қабулиға наът.

Расули жаҳону ҳабиби Худой-
Ки, андин келур элга тийби⁵ Худой.

¹ Шабих — ўхшаш, монанд.

² Нуфур — нафратланиш.

³ Дорайин — икки дунё.

⁴ Футур — бу ерда: аламзадалик.

⁵ Тийб — хушлик, майл, ризо мифъосидидир.

Сенга ўзини бу кун мутеъ истарам,
Сени тонггалиқ кун шафеъ¹ истарам.

Набива дуруд² айтайин бардавом,
Ҳам авлоду асҳобива³, вассалом.

Чу ҳамду санодин кўнгул тошти ком,
Қилай энди мақсуд сори хиром:

Менинг сўзларим будур аҳбобқа,
Бори хешу атбоъу⁴ асҳобқа-

Ки, қилваймен албатта дарвешлик,
Тариқат йўлида вафокешлик⁵.

Ўжаҳон ишларин жумла тарк этгамен,
Кетар вақтга беасар кетгамен.

Хираддин бу иш гарчи кўбдурур,
Валекин бу девона маъзурдур.

Менга кўб жиҳатгин бу иш бўлди фарз,
Ўжиҳатларни айлай борин сизга арз:

¹ Шафеъ — шафбат қилувчи.

² Дуруд — ҳамд, сапо.

³ Асҳоб — дўстлар, суҳбатдошлар.

⁴ Атбоъ — тобелар, тарафдорлар.

⁵ Вафокеш — вафодор.



Бири буки, толеъ менга ёр эмас,
Синехру кавокиб мададкор эмас.

Фалакдин етишти жафолар менга,
Бало узра булди балолар менга.

Гаҳе қилди давлат била ҳамнишаст¹,
Гаҳе қилди меҳнат била ерга паст.

Гаҳе тўлдурур жоми ишрат менга,
Гаҳе келтурур дарду меҳнат менга.

Басе қалъа берди қабалмоқ учун,
Кўтарди вале ерга чолмоқ учун.

Агар нўши² бир бўлса, юз неши³ бор,
Агар марҳами бир, туман реши⁴ бор.

Бировни десам жон, қилур жонга қасд,
Ебон тузни, айлар намакдонга⁵ қасд.

Бор эрмин ажаб шум толеъ менга,
Эсиз умрким, бўлди зосъ менга.

Яна бир буким унибу фитрат⁶ чови-
Ки, бу жамъи бадбахт бўлди ёвий.

¹ Ҳамнишаст — улфат.


² Нўш — асал.

³ Неш — захар.

⁴ Реш — яра, жароҳат.

⁵ Намакдон — туздон.

⁶ Фитрат — бу ерда: яратилиш.



Дедим, бу йивилгонга тонсам зафар,
Бу жамъи паришонга тонсам зафар.

Қилай баргараф салтанатнинг ишин,
Ўзумдин кам айлай улус қаршини.

Яна салтанат зикрини қилмайин,
Бу беҳуда иш фикрини қилмайин.

Худо йўли сори хиром айлайин,
Бу йўл қатъида¹ эҳтимом² айлайин.

Учунчи жиҳат будурур, дўстлар,
Сўзум мавзидин айрайин пўстлар.

Не боғу не гулнинг ҳавоси менга,
Не гулрўйлар муддаоси менга.

Не ёзу не кўздин кўнгул очилур,
Не ёзию туздин кўнгул очилур.

Не тир³ не дайдин менга нашъадур,
Не нуқлу не майдин менга нашъадур.

Не давлат қолибтурки, мен кўрмадим,
Не ишрат қолибтурки, мен сурмадим.

¹ Қатъ — босиб утиш.

² Эҳтимом — аҳамият бериш.

³ Тир — бу ерда: тирамоҳ, кўз.



Басе айшу кўб шурби май қилмишам,
Бори орзуларни тай¹ қилмишам.

Аларни борин кўрмишам, билмишам,
Буларни борин топмишам, қилмишам.

Менга эмди кўб орзу йўқтурур,
Ёмон нафсима кўб гулу йўқтурур.

Тааллуқ² алойиқ³ била қолмади,
Ишим бу халойиқ била қолмади.

Шариат ишида мени қодир эт,
Тариқат йўлида мени собир⁴ эт.

Айирғил мени жумла ҳамроҳдин,
Юзумни эвурма сўйи Оллоҳдин.

15

Не хабар эрди, сабо, еткурдунг,
Не хабар, жонға бало еткурдунг.

Не келиб тунду не нохуш кетасен,
Не диморимни менинг хушк⁵ этасен.


¹ Тай — юриш, босиб ўтиш.

² Тааллуқ — боғланганлик, алоқадорлик.

³ Алойиқ — алоқалар, муносабатлар; дунё исъмати ва лаззатиға майлу ҳавас.

⁴ Собир — сабрли.

⁵ Хушк — қуруқ.



Боруунда не сүзүмга кирасен,
Келасен тунду күзүмга кирасен.

Иүк эмиш сабру саботинг, эй ел,
Хунук эрмиш ҳаракотинг, ани бил.





ФАРҚЛАР

Ҳолимни санга айтиб, ҳажр ўтига ўртондим,
Эй ёр, ямон қилдим, ҳар неки дедим — ёндим.

* * *

Санбўса¹ сенинг кўнглунг гар истаса, андоқ қил,
Санбўса керак бўлса, сан бўса иноят қил.

* * *

Қутулмоқ фироқингдин осон эмас,
Етишмак висолингга имкон эмас.

* * *

Дардинг ўлса, иложни нетайин?
Сенсизин тахту тожни нетайин?

* * *

Меҳрубон истаб, балон бевафога учрадим,
Бевафо эрмиш, Худойим, не балога учрадим?

* * *

Бўлдум яна ошуфта, девона дағи бормен,
Гўёки бу фурсатта ошиқ бўлуб ўхшормен.

* * *

Кошки эл бирла ул маҳван ҳикоят қилмаса,
Ё ҳикоят қилганини эл ривоят қилмаса.

¹ Санбўса — сомса, варақи.



* * *

Кўнглум висолидин хушу кўзумда нурдур,
Кўз равшани, кўнгул хуши Абдушукурдур.

* * *

Бўлмади ҳаргиз, нетай, ул бевафо ёрим менинг,
Гар менга ёр ўлса ул, бўлмай Худо ёрим менинг.

* * *

Ёрнинг авёрва меҳру вафосин англадим,
Нотавон кўнглумга ҳам жавру жафосин
англадим.

* * *

Қадин кўз жўйборива¹ ул ой беҳост² келтурса,
Оёвидин қўтармай бошни, Тангри рост келтурса.

* * *

Не осир ишқ аро маъг айламак оху фиронимни-
Ки, мен барбод бермишмен бу йўлда
хонумонимни.

* * *

Сенгаким, арзи ҳолимни адо мен нотавон қилдим,
Муборак хотирингга ноҳуш-ар келса, ёмон
қилдим.

¹ Жўй бор — ариқ, сой.

² Беҳост — беҳос, тусатдан, қутилмаганда.



* * *

Муштоқдурур хаста кўнгул васлингга бисёр,
Ёрим кеча келгилки, хабар топмасун аёр.

* * *

Эйки, лаъли жонфизоинг¹ нуқлу майдин
яхшидур,
Келгил ушбу кеча, юз кўрсатки, ойдин яхшидур.

* * *

Келки, онда фурқатингдин дови ҳирмон
қолмасун,
Қолмасун вамда кўнгул, кўнглумда армон
қолмасун.

* * *

Ишқинг майидин, эй жонким, масту беҳабармен,
Гоҳи ўзумда йўқмен, гоҳи ўзумда бормен.

* * *

Кўзум ёрувлугию хаста кўнглум хушлиғи сенсен,
Баданда жонсену жоннинг дағи дилкашлиғи
сенсен.

* * *

Сенга ҳолимни ёздим, сажда қилдим,
Айтқилким, не ёздим, не ёнгилдим?

¹ Жонфизо — жонга роҳат берувчи.



* * *

Отин оғзимға олдым әрса, торғар тиви кин үл
маҳ,
Мени ағар ұлтурур бұлса бу ёзуқ бирла,
бисмиллаҳ.

* * *

Мени йўқ эьтиқоди деб, бори эл ичра ёд этма,
Худой учун бори элни ўзунгдек эьтиқод этма.

* * *

Ўаҳон чун бевафодур, нечаким андиша Бобур
қил,
Ўзунгни подшоҳи жумлаи олам тасаввур қил.

* * *

Меҳр ила хурсанд этарсен, жавр ила помол ҳам,
Бир замон вамгин қилурсен, бир замон хушҳол
ҳам.

* * *

Кўрмас жаҳонда ҳаргиз кўнглини шод Бобур,
Топмас муроди дилни, эй номурод Бобур.

* * *

Бу кўзаки, бўйинумға қўюб келмишам они,
Ҳар ким бу чоғир ичмаса, ўз бўйиниға қони.



* * *

Ўзга ҳамдам истабон, жонимга маҳрам
найлайин?
Менмену ул ой хаёли, ўзга ҳамдам найлайин?

* * *

Очилди кўнгулм ўшал гўлгузор келганидин,
Нечукки, гунча очилвай баҳор келганидин.

* * *

Бир фикру бир ҳаводадурур ҳар нафас кўнгул,
Ҳар лаҳза бир ҳавас қиладур булҳавас¹ кўнгул.

* * *

Висол шавқидамен; иштиёқ кўрсатма,
Худой учун менга асру фиरोқ кўрсатма.

* * *

Неча бошимга ёвдурвай жафо тошини ул
маҳваш?
Неча сабр айлай онинг жавригаким, ўтди ҳадин
тош?

* * *

Май хуморидин ўлур ҳар нафас афзун дардим,
Соқие, кел, бир аёқ берки, илиқдин бордим.

¹ Булҳавас — беқарор.



* * *

Жафони қўй, вафо таркини тугма,
Унутмасмен сени, сен ҳам унутма.

* * *

Сенга ошиқ эмасменким, менга жавр этгасен доим,
Сенинг нозингни ким тортар, меннинг сендин не
парвоим?

* * *

Гар кўзунгдин тушгум эрса, кўрдум они боладин,
Бўлди тақсир эмди сен ўткор мени уфтодадин¹.

* * *

Чун зарурат бўлди, қилдим сендин айру майли
жом,
Ҳар човирким, ичмасам ёдинг била, бўлсун ҳаром.


* * *

Тасаввур қилмавилким, сендин, эй жоң, ўзга
қилгаймен,
Кўнгул ул, фикр ҳам улдур, не имкон ўзга
қилгаймен?

* * *

Бормаким, кўнглумда васлинг иштиёқидур ҳануз,
Келки, васлинг иштиёқи менда боқидур ҳануз.

¹ Уфтода — бу ерда: камина.



* * *

Эшикингга бошим күймоқ учун ҳар дам итоб
Этма,
Бош олиб кетгум охир эшикингдин, изтироб этма.

* * *

Яна ошуфтароқ кўрдум ўшал номехрубонимни,
Не иш қилдим? Не тақсир ўлди? Билмасмен
гуноҳимни.

* * *

Ҳажр ила кўнглумни буздинг, васл бирла туз мени,
Бордингۇ ўлтурдунг охир, кел, дави тиргуз мени.

* * *

Ўтган оқшом ваъда айлаб, ул парирў келмади,
«Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади».

* * *


Ичиб човирни, ишим телбаликка ёвушти,
Нечук таҳаммул этай, ичимга ўт тушти.

* * *

Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мению мен ҳам кўрмасам.

* * *

Бизга чун меҳринг йўқ, элга меҳрубонлиғ
қилмарил,
Яхшилиғ чун қилмадинг, боре ёмонлиғ қилмарил.



* * *

Тани зоримни де, гулшанда шохи нотаюн кўрсанг,
Сариғ кўзумни совин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

* * *

Бобурдур бу икки варақнинг муҳаррири,
Бири бутун варақтуру пайвандлар бири.

* * *

Борму эркин ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон,
Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ, будур ондин ёмон.

* * *

Басе, фироқида ичсам чоғир, йивим келаду,
Манга чоғирни кетурмангки, аччиғим келаду.

* * *

Тутмағил, эй гул, равоким, ишқинг ичра бир ғариб,
Ерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.

* * *

Зухд саҳросиға туштум ишқ йўлидин озиб,
Бобури гумраҳни эмди ким бу йўлга кўндурур?

* * *

Ул икки лаби рамзи дард аҳлиға қилмайду,
Гул ғунчасидур гўё, бизларга очилмайду.



* * *

Бор арчи боиси юз шүрү юз гуноҳ човир,
Човир фироқи қилди ҳалок мени, оҳ човир!

* * *

Фироқингдин ёвуштум ўлғали, эй ёр, келгайсен!
Висолингга баса мунтоқмен, зинҳор келгайсен!

* * *

Ул парирухсора ҳаргиз нотавонлиқ кўрмасун!
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ёмонлиқ кўрмасун!

* * *

Сендин айру найлагаймен айишу саҳбо хушлуғин,
Ки, сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.

* * *

Сенинг учун ватаним кўҳу дант бўлғусидур,
Ашинг учунки, вафосиз вазол кўрунасен.

* * *

Ёр қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор эқандур билмадим.

* * *

Кўруб ҳижрон ванин, жононға еттим,
Агарчи ранж чектим, жоноға еттим.



* * *

Мени ҳижронда кўйдурсанг, кўнгул сендин
совутмасмен,
Агарчи сен унуттуңг мени, сени мен унутмасмен!

* * *

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнгулдамда вам
ҳар су,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар
су(в).

* * *

Жаҳон элию жаҳон борча гар адам бўлса,
Адам йўлини тутай зарра менда вам бўлса.

* * *

Истарам етсам қуюндек тулғузорим қошива,
Олдида туфроғ бўлуб, эврулсам онинг бошива!

* * *

Гарчи оламда висол айёми дилкансдур, ахий,
То билингай васл қадри, ҳажр ҳам хунсдур, ахий.

* * *

Меҳрибон совинғоним номехрибон эрминш, нетай?
Яхшилик қўз тутғоним асру ёмон эрминш, нетай?



* * *

Печа ул ёр ёд этмай, мени авёр совинвай,
Не кун бўлвай мени дилхастани ул ёр совинвай.

* * *

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳзунва
жононсиз,
Жаҳондинким, десун, биллоҳ¹, керакмас манга жон
онсиз!

* * *

Дўстлуқни гар тиларсен айласанг исбот кел,
Сўхбатингва асеру кўн муштоқдурмен бот кел.

* * *

Хуш ул бурунқи замонларки, ўттию борди,
Хуш ул кишики, замонларни яхши ўткорди.

* * *

Мурод васлинг эрур — айла ёд Бобурни,
Унутмовил яна бу номурод Бобурни.

* * *

Кўзумнинг нурисен, кўнглум ҳузурни,
Таним хуррамлиғи, жоним сурури.

¹ Биллоҳ — Худо ҳаққи.



* * *

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хоса¹ бу мавсумда Борон ёзисию² Гулбаҳор³.

* * *

Ғайрға неча ул ой вафо қилур,
Неча жонима менинг жафо қилур?

* * *

Қади фироқи мени дуто қилур,
Қонни ҳажри қоматимни ё қилур.

* * *

Заҳри ҳижрон ичмйшам, бер бода тареки манга,
Май хумори бошта чўхтур, тут човир соқи(й)
манга.

* * *

Бор неча хўб эса, кўйича йўқтур,
Сарвин мавзун⁴ деса, бўйича йўқтур.

¹ Хоса — бу ерда: хусусан, айниқса.

² Борон ёзиси — Кобул яқинидаги дашт номи.

³ Гулбаҳор — Кобул шимолидаги машҳур жой номи.

⁴ Мавзун — келишган, гўзал.



* * *

Аёрва ўқ урубон, дардига даво қиладур,
Бисёр ёмон борадур, ул ёр хато қиладур.

* * *

Бормоққа не маскан муяссар,
Турмоққа не давлат муяссар.

* * *

Билинг муни давлат, гар ўлса муяссар
Раҳиқи¹ мураввақ², рафиқи суханвар³.

* * *

Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,
Мен киби оламда бўлур хору зор.

* * *

Шайху мулю Шихобу Хондамир,
Келинг уч-уч, ики-ики, бир-бир.

* * *

Жамолингдин қуёш асру бот ўтотлив,
Сочинга банда боғ ичра сунбул отлив.

* * *

Ваҳму усраттин⁴ амонс тоштук,
Янги жон, тоза жаҳоне тоштук.

¹ Раҳиқ — тоза шароб.

² Мураввақ — тишиқ, зилол.

³ Суханвар — фасоҳат ва баловат соҳиби, адиб, шоир.

⁴ Усрат — қийинчилик, машаққат, оғир кўн.



* * *

Кел, эй рафиқи гулрӯй, кетур раҳиқи гулранг,
Ўзунг ичиб, манга қуй, кўтар наво тузуб чанг.

* * *

Яшурди отини ғайр иттифоқи бирла ул ҳамдам,
Дедим отини элга, фоиш қилдим иттифоқин ҳам.

* * *

Ишқ юки айлади синехри аълони ҳам,
Не ажаб, ар айласа менинча шайдони ҳам.

* * *

Рақиб йўлдошу мен ҳажрдин дуто ўлдум,
Ғариб турки ситамгарға муфтаю ўлдум.

* * *

Бошим қадам қилибон висолинига етайин,
Муяссар бўлмаса васл, бош олибон кетайин.





* * *

Ҳаж йўлига кир, кўнгул, ҳиммат била,
Бер қаз¹, оқ ар ўла юз минг қофила².

* * *

Ғам юзини кўрма, бўлсанг журъаю жоме била,
Шукр қил, май нўш қилсанг тар гуландоме била.

* * *

Не малак андоқ эрур, не эрур онча киши,
Ҳамар³ анинг муқирри⁴, қуёш анинг қаёши⁵.

* * *

Ҳар кимки, бўюнни қўймас, они тийгай,
Чоққай, таловай, мутеъю муноқод⁶ этгай.

* * *

Ҳадинг жаннат риёзининг⁷ ниҳоли,
Эрам⁸ гулзори ҳадингнинг мисоли.

¹ Қаз — хом шак.

² Қофила — карвон.

³ Ҳамар — ой.

⁴ Муқир (р) — иқдор бўлган, бўйнига олган.

⁵ Қаёш — қаришдош.

⁶ Муноқод — мутеъ, итоат этувчи.

⁷ Риёз — боғлар.

⁸ Эрам — афсонавий гузал боғ. Ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни Ямандаги Од қавмининг ҳукмдори Шадюд бино қилган эмиш.



* * *

Ҳажр номи сочи савдоси чекар ҳар ён мени,
Ваҳки, бу ноёни йўқ тун қилди саргардон мени.

* * *

Кўпу оза Тенгридур бергучи,
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи.





МУҶИДЛАРИЖА

Эрған <i>Очилов</i> . Бетакрор шахсият, самимий шеърят	3
Ғааллар	27
Рубоийлар	156
Туюқлар	211
Ҷитъалар	215
Тўртликлар	222
Маснавийлар	225
Фардлар	267

Шарқ мумтоз шеърляти дурдоналари

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Сочининг савдоси тушти

Шарқ наприет-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррир *Шоира Эргашева*
Бадий муҳаррир *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир *Лина Лижова*
Мусаҳҳих *Абдулла Зокиров*
Саҳифаловчи *Алиша Шафиуллина*

Босишга рухсат этилди 06.09.07. Бичими 70x90^{1/32}. «Бодо-ни» гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма тобови. 10,53. Наприйёт-ҳисоб тобови 8,9. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3669. Баҳоси келишилган нарҳда.

**Шарқ наприйёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

Бобур, Заҳириддин Муҳаммад.

Сочининг савдоси тунги: Шеърлар/Заҳириддин Муҳаммад Бобур; нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очиллов, масъул муҳаррир В. Раҳмонов. — Тошкент: «Шарқ», 2007. — 288 б. — (Шарқ мумтоз шеъринати дурдоналари).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётининг Алишер Навоийдан кейинги забардаст намояндаси ҳисобланади. У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди. Буюк салафларига органиб ёзган бир қатор анъанавий шеърларини ҳисобга олмаганда, у асосан кўрган-билган, қалбидан ўтказган, ўзини тўқинлаштирган нарсалар, кечинмалар ҳақида ёзди. Мавзунини асосан турмуздан олганлиги учун ҳам шоир асарлари ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги, кўнгилга яқинлиги, туйғуларининг самимийлиги билан кишини ўзига тортади. Аслида Бобур шеърларини ичдан нурлантириб турган энг муҳим хусусият бу — уларнинг беқийёс даражадаги самимияти. Татъбир жоиз бўлса, замин ўз ўқи атрофидан айлангани каби Бобур шеърлари ҳам самимият атрофидан айланади.

Дилбар шоирнинг дилкаш шеърлари билан янги учрашув Сизга муборак бўлсин, азиз шеъринат мухлислари!

ББК 84(5У)1



2002



ISBN 978-9943-00-172-